


Тўлқин Алимардонов


РАҲБАРНИНГ АХЛОҚИЙ
КИЁФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва
жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти

Тўлқин АЛИМАРДОНОВ

РАҲБАРНИНГ АХЛОҚИЙ
ҚИЁФАСИ

Балтисер Номидаги
кунбахшида чуни

~~1977~~



“ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ
МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ” НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 2010

65.050.2

A50

Т.Алимардонов. Раҳбарнинг ахлоқий қиёфаси. – Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2010.

ББК 65.050.2

УДК: 174 (075)

Мазкур рисола раҳбар ахлоқи, унинг бошқарув тизимига таъсири, турли соҳаларни идора қилишда ахлоқий муносабатларнинг ўрни, уларнинг моҳияти, тарихи, ижтимонӣ аҳамияти, индивидуал ва умумий кўрининилари, белгилари ҳамда қонуниятлари, технологиялари ва механизмлари каби масалаларга бағишланган. Унда раҳбарга хос индивидуал ва умумий ахлоқ меъёрлари, ахлоқий менталитет, раҳбарнинг ахлоқий имижи, шунингдек, бошқарув ахлоқининг амалий ва назарий муаммолари, унинг тадқиқот объектлари, уларни тадқиқ этиш бўйича мавжуд вазифалар юзасидан тингловчиларнинг билим ва малакасини ошириш кўзда тутилади.

Масъул муҳаррир: ф.ф.д., проф. К. Назаров

Такризчилар: с.ф.д., проф. И. Эргашев, с.ф.д. Ф. Равшанов,
ф.ф.н. доц. Ш. Ризаев

Уишибу рисола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
Фан ва технологияларни ривожлантиришини мувофиқлаштириши қўймитасининг БВ-Ф8-071 «Жамиятни демократлаштириши ва янгилаши, мамлакатни модернизация ва ислоҳ; қилиши жараённада миллий гояни раҳбар кадрлар онгига сингдиришида этник ва умумбашарий кадриятлар уйгунлигининг илмий-назарий асослари» ҳамда ИТД-3-049-«Тафаккур янгилиши ва ислоҳотлар изчилигини таъминлашда маънавий мезонларнинг аҳамиятини ўрганиши» мавзудаги лойиҳалар доирасида тайёрланган.



ISBN 978-9943-391-05-5

© Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2010.
© Akademiya, Тошкент, 2010.

Жамиятимизнинг маънавий-
маърифий жиҳатдан покланиши,
ислоҳотларнинг тақдири, халқи-
мизнинг фаровонлиги биринчи нав-
батда раҳбар кадрларнинг малака-
сига, фидойилигига, юртпарварли-
ги ва иймону эътиқодига боғлик.

И.А.Каримов

Кириш

Раҳбар шахс ахлоқини шакллантириш ва такомиллаштириб бориш масаласи давлатчилик тарихидаги азалий муаммолардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан раҳбаршунослик ва унинг таркибий қисми бўлган раҳбар ахлоқи масалаларини илмий ва амалий жиҳатдан ижтимоий ҳаёт билан ҳамоҳанг ўрганиш давр талабидир.

Мустақил давлатчилик асосларимиз, қайта тикланган миллий қадриятлар, бозор иқтисодига асосланган демократик ислоҳотлар раҳбар шахснинг жамият ривожидаги ўрни ва роли, унинг зиммасидаги вазифа ва масъулияти кўламини янада кенгайтирмоқда. Бу эса етук раҳбар шахсларни тарбиялашга оид ахлоқий тамоилиларни давр талабларига мувофиқлаштириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида такомиллаштириш масалаларини янада долзарблаштирмоқда.

Мамлакатимизда сиёсий бошқарув ва уни ташкил этиш, давлат бошқаруви, давлат хизмати тизимларининг шаклланиши жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Зеро Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ўрта Осиё шароитида жамоа бўлиб яшаш туйфуси гоят муҳим аҳамият касб этади. ...халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шакл-

ланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз”¹. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мустақиллигимизнинг илк даврлариданоқ раҳбар ахлоқи, масъулияти масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Жумладан, Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Бугун ислоҳотларнинг қай даражада амалга ошиши раҳбарларнинг дунёқарашига, ҳалол ва пок, тадбиркор ва ташаббускор бўлишига боғлиқ... Раҳбарлик — лавозим, мансаб эмас, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур»². Аслида масаланинг ахлоқий моҳияти ҳам ушбу мулоҳазада ўз ифодасини топган. Раҳбаршунослик фанларида шундай муаммолар борки, уларнинг илмий-амалий ечи мини топиш ва амалга татбиқ этиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Юртимиз тарихида раҳбар ахлоқига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган минглаб асарлар яратилган. Тарихий манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, аждодларимиз бошқарув ахлоқи тамойилларини ҳар томонлама ўрганишга ва олинган натижаларни амалий ҳаётта татбиқ этишга ҳаракат қилганлар. Мазкур асарларда турли касб эгаларига тавсия этиладиган ахлоқ меъёрларининг ёритилишини кўриш мумкинки, уларнинг касбий, миллий, маданий, маърифий, ахлоқий анъаналарга айланишида мамлакатимиизда яшаб ўтган уламолар, фузалолар, давлат арбоблари, ижодкорлар, дин арбобларининг ўрни катта бўлган. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов бу анъаналарнинг халқимиз ҳаётига сингиб

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008. — Б. 7-8.

² Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1996. — Б.380.

кеттганлигини эътиборда тутиб, кучли жамият барпо этишимиизда “ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасига, шунингдек, Ўзбекистон халқининг миллий, тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва руҳияти хусусиятларига таяниш лозим”¹, деб таъкидлаган эди.

Ривожланган мамлакатлар ушбу муаммога оид ўз илмий таълимотлари ва амалий ифодасига эга. Умуман эса, бу муаммолар фан учун янгилик эмас. Айрим давлатларда ўз ривожланиш истиқболлари ва миллий-маънавий хусусиятларидан келиб чиқиб, мазкур масала-ларнинг ечимларини шакллантириш, унга амал қилиш тартибларини ишлаб чиқиш устида ишлар олиб борилган. Масалан, АҚШда 1978 йилда “Хукумат этикаси ҳақида” Конун қабул қилинган бўлса, 1989 йилга келиб эса “Одоб-ахлоқ меъёрларини ислоҳ қилиш ҳақида”ги Конун кучга кирган. 1990 йилнинг октяброда 1989 йилдағи Конун АҚШ Президентининг “Мансабдор шахслар ва давлат аппарати хизматчиларининг хулқ-атвори этикаси тамойиллари” Фармони билан мустаҳкамланган. Шунингдек, АҚШда раҳбар кадрларни ислоҳ қилиш жараёнида “1978 йилги хукумат этикаси” бўйича Кўмита ташкил этилган. Францияда эса 1991 йилдан бошлиб раҳбар кадрлар одоб-ахлоқи қоидаларига² амал қилишга доир қонунларга доимий равишда амал қилиб келинмоқда. Буюк Британия парламентининг Жамоалар палатасида ахлоқ андозалари бўйича маҳсус парламент ҳайъати тузилган. Бундай мисолларни жаҳон халқлари тажрибасидан қўплаб келтириш мумкин.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқбол, иқтисод, сиёсат, мағкура. 1-ж. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 276.

² Машарипов И.Б. Маънавий омилларнинг раҳбар кадрлар касбий маданиятини шакллантиришдаги ўрни. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент — 2009, -Б.17.

Демак, раҳбар фаолияти нафақат раҳбарни, балки жамият фуқароларини ҳам ахлоқий нормалар асосида бирлаштириш, ягона мақсад сари сафарбар этишга қаратилади. Шунинг учун ҳам асрлар силсиласида ватанга хизмат қилиш, адолатлилик, фидойилик, инсонпарварлик каби ахлоқий фазилатларга раҳбар фаолиятининг етакчи мезонлари, давлатчиликни мустахкамлаш, унинг ривожланишини таъминлаш омиллари сифатида қаратлади. Раҳбар ахлоқининг жамият тафаккури шаклланиши, инсон қалбидаги адолат, тинчлик, озодлик, поклик каби күплаб туйғуларнинг умумхалқ туйғуларига, маданиятига айланишидаги ўрнига катта аҳамият берилади.

Мазкур рисола раҳбар ахлоқи ва унинг фаолиятини самарали ташкил этишда ахлоқнинг тутган ўрни масаласини ёритишга бағищланган.

Рахбар ахлоқини ўрганишнинг мақсад ва вазифалари

Дунёда турли касблар мавжуд ва улар муайян соҳалар ва тармоқларга ажратилган ҳолда бошқарилади, назорат қилинади. Айтиш жоизки, ҳар бир касб ва у бириктирилган бошқарув тармоғи ёки соҳасининг ўзига хос маданий-ахлоқий анъаналари мавжуд. Лекин бутунги ҳаёт тажрибаси ҳанузга қадар кўплаб соҳалар қаторида бошқарувда ҳам ахлоқнинг меъёрий ёки қонуний талаблари ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатади. Чунки ҳеч бир лугатда “бошқарув ахлоқи кодекси” ёки “меъёри” тушунчасига дуч келинмайди, ваҳоланки, шифокорлар ахлоқи, педагогик ахлоқ, хуқуқшунос ахлоқи, ҳарбийлар, банкирлар, сиёсатчилар ва бошқалар ахлоқи ҳақида фикрлар жуда кўп билдирилади. Буни илмфанда алоҳида ўрганиш керакми, йўқми деган масаланинг ўзи ҳозирча мунозарали. Бу ўринда К.Назаров томонидан билдирилган қуйидаги фикр мақсадга мувофик: “... у ёки бу фан соҳаси ҳақида фикр юритилганида, унинг вужудга келишида қайси мамлакат ёки ҳудуд мухим роль ўйнаганлиги ёхуд фаннинг номи галатироқ эшитилиши асосий мезон сифатида қаралмаслиги лозим... Балки масала ана шу фаннинг аҳамияти, замона талабларига жавоб бериши, даврнинг муаммоларини ечишда бирор-бир соҳада қўл келиши, жамиятга фойдаси тегиши тўгрисида”¹ бўлиши зарур.

Жаҳон илмий оламида раҳбар фаолияти билан боғлиқ муаммолар “Этика” фани доирасида ўрганиб келинмоқда. Этика — ахлоқий таълимот. Унинг асосий категориялари “эзгулик”, “яхшилик,” “адолат”, “виждон” “бурч” ва ҳоказолар. Этика одат, кўнижма, инсоннинг у ёки бу

¹ Назаров К. Аксиология — қадриятлар фалсафаси. –Т.: Маънавият, 1998. –Б.4.

хатти-ҳаракатлари, энг яхши одат турларини ўргатади, тавсиялар беради. Бугунги кунда “Этика” маҳсус фан сифатида фалсафадан ажралиб чиқди, аммо унинг предмети ахлоқ (ахлоқий қадриятлар) ҳисобланади.

Бошқарув хизмати ва умуман, раҳбар фаолиятини баҳолашда ахлоқ масалалари жуда муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, бу масалада ахлоқнинг нима сабабдан ва қай тарзда бунчалик муҳим ўрин эгаллашини англаш учун “ахлоқ-одоб” тушунчасининг моҳияти ва хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Амалда кўпинча “ахлоқ” сўзи “одоб” тушунчasi билан биргаликда кўлланади. Таъкидлаш жоизки, ўз маъносига кўра “ахлоқ” ва “одоб” тушунчалари синоним, аммо бу тушунчаларни ажратувчи нуқтаи назарлар ҳам мавжуд. Шу каби “этика” тушунчasi ахлоқий муаммолар доирасида тез-тез учраб туради. Одоб-ахлоқ обьектини фалсафий ўрганиш этикани шу фанинг таркибий қисмига айлантирган. Айнан этикада ахлоқ феноменининг умумий таърифи берилган, унинг тоифалари асосланиб, меъёрлари тавсифланган. Булар қуйидагилар:

— ижтимоий онгнинг маҳсус шакли ва муносабатлар тури;

— шахс ёки инсонлар жамоасининг яхшилик ва ёмонлик, бурч ва виждон, ҳаётдаги мақсад ва интилишлар, манфаатлар ва ҳоказолар тўғрисидаги бир хил қарашлари;

— ижтимоий муносабатлар тури сифатида жамиядада обьектив равишда мавжуд бўлган алоқаларни ўз ичига олган қарашлар тизими;

— ижтимоий алоқаларда аниқ ахлоқий тамойиллар, меъёрлар, жамоатчилик фикри, анъаналар, урф-одатлар, кўникмаларга асосланиш.

“Раҳбар этикаси” тушунчасининг илмий доираларда турлича атамалар, илмий тушунчалар билан ишлатиш тажрибаси мавжуд. Масалан, фарбда ёки русларда “эти-

ка руководителя”, “этическое отношение руководителя”, “моральные основы управления и руководитель” деган тушунчалар ишлатилади. Бу тушунчаларнинг ўзига хос хусусиятлари бўлса-да, мазмун-моҳияти ва мақсад-муддаоси бир хил. Мораль — ахлок, нравственность — ахлоқийлик, этика — одоб тушунчаларини беради. Масалан, этика ахлоқдан фарқли ўлароқ масъулият юкламайди. У ёки бу ҳолатда инсон ўзини қандай тутиши тўғрисида тавсия беради. Этика конкрет вазият ва ҳолатга қаратилган бўлса, ахлоқ умумий кўриниш касб этади.

Ахлоқ — инсоннинг амал қилиши лозим бўлган нормалар тартиби, муносабатларнинг ижтимоий шакли. Ахлоқ — одамлар риоя этиши лозим бўлган инсонпарварлик ғояларининг идеал ифодаси. Ахлоқ одамларни бирлаштиришга, жипслаштиришга, жамиятда барқарор ва адолатли муносабатларни таъминлашга қаратилган қадриятларда намоён бўлади.

Кундалик турмушда инсон бошқа одамлар билан турли даражадаги муносабатларга дуч келади ва у маълум қадриятларга асосланиб хатти-ҳаракат қиласи. Жамият ҳам ана шундай зарурий муносабатлардан ташкил топган. Бу эҳтиёж ахлоқий нормалар негизида тартиба солинади. Инсон нафақат доимий такомиллашиб, ривожланиб боришига, балки тафаккур эгаси сифатида яхшини ёмондан ажратувчи ахлоқий мавжудот ҳам. Шунинг учун ахлоқ инсоннинг шахсий қадриятига айланганда, унинг аниқ фаолияти ва хатти-ҳаракатларига кўчиб ўтганда реал йўналтирувчи кучга, бурчга айланади. Мазкур муносабатлариз ахлоқнинг мавжудлигини таъминлаб бўлмайди. Айнан шу хусусиятлар ахлоқнинг жамиятда бир хил қоидалар асосида яшаётган турли манфаатли муносабатларни тартиба солувчи ижтимоий функциясини ифода қиласи.

Аммо масаланинг муаммоли жиҳати шундаки, ахлоқ ҳар доим ҳам реал ижтимоий ҳаёт талабларига, айни пайтда

одамларнинг ҳам қундалик хатти-ҳаракатларига мос келавермайди. Мазкур қарама-қаршилик ва зиддиятли муносабатлар замираida инсон хатти-ҳаракатларининг моҳияти яширган. Бир томондан, инсон жамиятда ахлоқий нормалар асосида яшашга интилади ва иккинчи томондан, кўп ҳолларда ахлоқий нормалар бузилишига олиб келадиган шароитда ўз эҳтиёжларини қондиришни истайди. Идеал ғоялар ва амалий ҳаёт талаблари ўртасидаги ички ихтилофлар ҳаётнинг турли соҳаларида доимо мавжуд бўлади. У кўпроқ бевосита ишчи мулоқотлар мобайнида намоён бўлади. Чунки мулоқот даврида шахс ижтимоийлашуви ва ўз-ӯзини ифода қилиш жараёни кечади.

Мулоқотлар турли қўринишда амалга оширилади. У шахслараро, ижтимоий, оммавий, касбий, ишчи ва раҳбар ходимлар ўртасидаги ва яна бошқа кўплаб хилма-хил мулоқотлардан ташкил топади. Унинг асосий вазифаси ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш, шахсий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш, одамларнинг бир-бирларини ўрганишдан иборат. Тадқиқотимиз мавзууси раҳбар ходимларнинг ишчи мулоқотларида ахлоқий муносабатларни ташкил этиш масалаларига қаратилади. Ишчи мулоқотининг хусусияти шундан иборатки, у маълум бир тур ва соҳа фаолияти нуқтаи назаридан келиб чиқади. Расмий муносабатлар эса мулоқотнинг ёки хатти-ҳаракатларнинг маълум норма ва стандартлар асосида ташкил этиш эҳтиёжини тугдиради. Аникроғи, раҳбар ва ходим ахлоқий нормаларсиз мулоқотга кириша олмайди. Айнан ана шу нуқтада барча бирдек амал қилиши лозим бўлган муносабатларнинг этик алоқалари вужудга келади.

Ҳар бир раҳбар ўзи учун мулоқотнинг этик тартибларини ўзлаштиради, шахсий фазилатлари ва тажрибалари билан бойитади, манфаат ҳамда эҳтиёжлари доирасида ундан фойдаланади. Мухими, у ўз-ӯзини баҳолай олиш, ташқаридан кузатиш, хатти-ҳаракатлари-

ни мунтазам равищда таҳлил қилиш, танқидий баҳо бериш салоҳиятига эга бўлиши лозим. Ўзига баҳо бера олиш қобилияти шахснинг ички интизомини мустаҳкамлайди, мақсад-муддаоларининг мантиқийлигини белгилайди, мулоқот мақомини оширади, туғилиши мумкин бўлган зиддиятларни бартараф қиласди, ихтилофларнинг олдини олади, мураккаб вазиятлар ечимини топади, сухбат мавзуини ижобий ўзгартиришга эришади. Натижада салбий эмоциалар қаршилигини тўсувчи соғлом руҳий муносабат қарор топади.

Мазкур этик нормаларга амал қилиш, зеро, унинг талаблари ахлоққа нисбатан нисбий кўриниш касб қиласда, профессионал хизмат доирасида муваффакиятга эришиш гарови бўлиб хизмат қиласди. Улар бошқарув этикети, дипломатик этикет, ҳарбий этикет, умумфуқаровий этикет, ишчи этикети, касбий этикет, раҳбар этикети турларида намоён бўлмоқда.

Шундай қилиб, раҳбар маданияти, бошқарув маданияти, расмий муносабатлар тартиби, жамоанинг ахлоқий нормалари, жорий этилган одоб, хулқий ихтилофларни ҳал этиш тартиблари, ходимларнинг шахсий ва меҳнат ҳуқуқлари, ишдан ташқари шахсий муносабатларнинг маданий даражаси раҳбар ахлоқини ўрганиш объекти ҳисобланади. Раҳбар ахлоқини ўрганувчи предметлар сирасига фалсафа, социология, маданиятшунослик, психология, политология каби фанлар киради.

Раҳбар ва ходим муносабатларини тартибга солишида ахлоқнинг ҳуқуқ билан бўлган ҳамкорлик муносабатлари ниҳоятда муҳим. Масала шундаки, ахлоқий қадриятлар қанчалик устувор бўлмасин, ҳуқуқсиз амалга ошмайди. Ҳуқуқ жамиятда турли ахлоқий даражалар мавжуд бўлган шароитда муносабатлар tengligини таъминлашга хизмат қиласди. Айни пайтда, ҳуқуқий нормалар ҳам ахлоқий норма талабларига жавоб бермаса, ҳуқуқ

жамиятда ўзаро муносабатларни таъминлашга хизмат қила олмайди. Натижада, одамлар ўртасидаги муносабатларда зиддият ва қарама-қаршиликлар вужудга келади. Аммо шунга қарамасдан, ахлоқ ва ҳуқуқ ўртасида алоҳидалик хусусиятлари ҳам мавжуд. Масалан, ахлоқ нормалари ижтимоий онг ва тафаккурда шаклланади, ҳуқуқ эса юридик актларда қайд этилган, давлат органдари томонидан белгиланган нормалардан ташкил топади. Ҳуқуқий нормаларда муносабатлар ва вазиятларга нисбатан давлатнинг аниқ белгиланган иродаси ифодаланади, ахлоқда бу муносабатларни муҳокама қилиш кўлами кенг бўлади. Ахлоқ фуқароларнинг ўз мажбурият ва бурчларини онгли равишда, ижтимоий аҳамиятини англаған ҳолда виждан амри билан бажариш орқали ихтиёрий тарзда амалга ошади. Қонун эса фуқароларни шу мақсадлар йўлида мажбурлаш кучига эга. Аммо жамият, шахс, оила, хизмат, меҳнат фаолияти ва бошқа кенг доирадаги муносабатларни ҳуқуқ эмас, ахлоқий нормалар қамраб олади. Ахлоқнинг ўзига хос ажralиб турадиган хусусияти ҳам унинг умумийлигидадир. Шунинг учун раҳбар фаолиятини ахлоқий нормалар асосида тартибга солиш ва назоратга олиш салоҳиятли кадрларнинг давлат ва жамият бошқарувига келиши ҳамда ишлаши учун мустаҳкам замин яратади.

Раҳбарлик фаолияти нафақат ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий, балки жамиятта, инсонларга таъсир кўрсатувчи бурч, мажбурият, масъулият, шаън, виждан каби ахлоқий қадриятлардан ташкил топади. Раҳбар давлат ва жамиятнинг ахлоқий юзи, мақсад-муддаоларининг ифодачиси. Жамият барқарорлиги, давлатнинг равнақи ва истиқболи раҳбарнинг нафақат профессионал тайёргарлигига, балки унинг ахлоқий сифатлари билан бевосита боғлиқ жараёндир. Зоро, фуқаролар раҳбар фаолиятига қараб йўналиш олади, орзу-умидлари ва келажакка ишонч

боғлайди. Шундай қилиб, раҳбар ҳуқуқдан қочиши мумкин, лекин ахлоқий норма талабларидан — ижтимоий кўзгу ифодасидан қочиб кета олмайди. Чунки ҳуқуқ далилларга суюнади, ахлоқ эса ижтимоий фикр амрига.

Раҳбар фаолияти ва унинг мустакил қарор қабул қилиш каби вазифалари моҳиятида кўпроқ субъектив муносабатлар ётади. Чунки ҳар қандай раҳбар, аввало, инсон сифатида у ёки бу масала юзасидан ўзининг шахсий дунёқараши орқали маълум хуносалар чиқариб, иш фаолиятини ташкил этади, таъсир кўрсатади. Шундай экан, раҳбарнинг адолатли қарорлар қабул қилишида, ҳалқ фаровонлиги йўлида фидойилигига ахлоқий сифатларнинг устуворлик қилиши давлат ва жамият учун ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Мазкур долзарб вазифалардан келиб чиқиб, бугунги кунда раҳбар фаолиятининг, аниқроғи, давлат хизматчисининг ахлоқий тамойиллари тегишли норматив ҳужжатларда ўз ифодасини топиши эҳтиёжи сезилиб турибди. Масалан, жаҳон тажрибаларида кадрлар сиёсати хизмат фаолиятининг ахлоқий нормалари қуидаги тамойиллар асосида шакллантириб келинмоқда:

1. Давлат ва жамиятга хизмат кўрсатиш тамойили. Кадрлар фаолиятида ва давлат хизматида барча хизматчиларга қонун ижросини таъминлашга амал қилиш мажбуриятини юклаш муҳим этикавий тамойил ҳисобланади. Барча ҳукуқий тизимларда қонунлар ахлоқий мазмун касб этади, ҳар бир қонун актларининг ахлоқий қийматлари мавжуд бўлади.

2. Қонунийлик тамойили. Мазкур тамойил республика Конституцияси ва тегишли қонунлар устуворлигини амалда таъминлаш механизmlарини ташкил этишини талаб қиласади. Раҳбар учун қонунни ижро этмаслик нафақат қонуний, балки гайриахлоқий ҳодисадир. Афсуски, ижтимоий таҳлиллар ўзини кўрсатмоқдаки, ҳали-ҳамон айрим

раҳбарларнинг ҳуқуқий маданияти ниҳоятда паст. Бу эса қонунларнинг қўпол равищда бузилиши, амалиётда қонунларга амал қилишда икки хил ёндашувнинг вужудга келиши, айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, жавобгарликдан қочиши каби иллатларни юзага келтирмоқда.

3. Гуманизм тамойили. Бу тамойил раҳбар инсонларни ҳурмат қилиш, уларга нисбатан бағрикенг бўлиш, унинг ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя этиш, шахс шаъни ва даҳлизлигига риоя қилиш ва тан олинишини талаб қиласди.

4. Масъулият тамойили. Раҳбарлар зиммасига кадрлар танлаш ва бошқарув борасида қарорлар қабул қилишда нафақат юридик, балки ахлоқий масъулият ҳам юкланиши назарда тутилади. Ҳозирча бу вазифа раҳбарларнинг виждан амрига юкланган. Агар тегишли низомлар давлат хизматчилари фаолиятига киритилса, унга амал қилиш қоида даражасида ошади. Яъни ахлоқий нормаларга амал қилиб ишлаш тартиби раҳбарларнинг кундалик фаолиятига айланади.

5. Адолат тамойили. Ушбу тамойил моҳияти фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя этиш, ҳокимият ваколатларини меъёрида ишлатишни назарда тутади. Жамиятнинг энг олий ахлоқий талаби — ҳокимият инсонларнинг адолатта бўлган талабини қондириши билан белгиланади. Раҳбар томонидан содир этилган ҳар қандай адолатсизлик ҳокимиятнинг нуфузини туширади. Бу тамойил раҳбарлар тайинлашда уларнинг ахлоқий фазилатларига алоҳида эътибор қаратилишини талаб қиласди.

6. Лаёқатлилик тамойили. У хизматчиларнинг давлат томонидан белгиланган тартиб, норма ва қўрсатмаларни ихтиёрий ва онгли равищда бажаришини назарда тутади. Давлатнинг обруйини ҳар томонлама ошириш, жамият ва давлат институтларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, давлат хизматида садоқатли бўлиш каби тамойилларни та-

лаб қилади. Шундан келиб чиқиб, раҳбарлар барча давлат органлари фаолияти, ахоли, жамоат ташкилотларига нисбатан лаёқатлилигини намоён қилиши назарда тутилади.

7. Сиёсий холислик тамойили. Ушбу тамойил давлат хизмати ва кадрлар фаолияти сиёсатдан, ҳокимият учун курашлардан холи бўлиши кераклигини назарда тутади. Давлат хизмати тизими сиёсий гурухбозликка йўналтирилган, мафкуравий эҳтиросларга тортилган ҳолатларга изн берилиши ноўрин ва у давлат яхлитлигига зиён келтиради. Ҳокимият аслида сиёсий тизим ифодаси бўлсада, уни сиёсий курашлар гирдобига тортиш жамиятнинг бўлинишига олиб келади. Ҳокимият ва унинг тармоқлари вазифаси қонунлар асосида сиёсий партиялар кураши ва фаолиятини ташкил этишда амалий ёрдам қўрсатиш, уларга тенг шароит ҳамда имкониятлар яратиш, миллий манфатлар устуворлиги таъминланишини назорат қилишдан иборат. Шу жихатдан ҳам, демократик жамиятда давлат аппаратини сиёсийлаштириш мумкин эмас. Аммо бу, ҳокимият сиёсий жараёнларнинг кузатувчиси бўлиши керак дегани эмас. Давлат ҳокимияти, раҳбарлар жамият тақдири ва унинг барқарор ривожи учун масъулдирлар.

8. Ҳақгўйлик ва виждонлилик тамойили. Мазкур тамойил коррупция ва бюрократизм иллатларини давлат хизматида мутлақо қабул қилиб бўлмасликка асосланади. Давлат хизматидаги коррупция ҳолатлари унинг нуфузини туширади, ҳокимиятнинг бошқарув қурдатини заифлаштиради, демократик қадриятларга хавф тугдирб, фуқароларда давлатта нисбатан ишонч туйғуларини сўндиради. Коррупция — бу тизими ҳолат, унга нисбатан нафақат ҳукуқий жихатдан курашиш, балки ахлоқий нормалар орқали қаршилик қўрсатиш лозим бўлади. Шундай қилиб, давлат хизмати ва кадрлар сиёсатининг тамойиллари ахлоқий нормалар мажмуи асосида ташкил этилган фаолият ва муносабатлар ҳосиласи ҳисобланади.

Кўриб чикқанимиздек, ахлоқий нормалар раҳбар зиммасига бошқарув тартибларини масъулият билан адо этиш мажбуриятини юклайди. Бу мажбурият раҳбарлик фаолиятинингadolатli тамойилларга, ходимларга нисбатан ахлоқий муносабат, бошқарувни амалга оширишда танлаган ёндашувлар, восита ва услубларнинг маърифий қўлланишида намоён бўлади.

Шундай қилиб, раҳбарнинг қарорлар қабул қилиш, ишни ташкил этиш маданияти, ўзини тутиши, жамоани бошқариши, унга раҳбарликни амалга оширишга қаратилган фаолияти муаммонинг илмий объекти бўлиб, уни ўрганишга қаратилган фанлар муаммонинг предмети ҳисобланади. Унинг мақсад ва вазифаси раҳбар ахлоқининг мезонларини аниқлаш, сиёсий ва ижтимоий жараёнларга татбиқ этиш услублари тўғрисидаги фаннинг илмий таснифини белгилашга қаратилади.

Ахлоқий муносабатлар нафақат жамият ва одамларнинг, балки ҳокимиёт бошқарувида раҳбарлар фаолиятидаги муносабатлар даражасини ҳам ўрганади. Раҳбарнинг фаолияти ахлоқий нормалар асосида ташкил этилиши давлат сиёсатининг изчиллиги, ислоҳотларнинг самарадорлиги, жамият барча аҳоли қатламларининг тенг ва барқарор муносабатларини таъминлашга хизмат қиласди. Ҳокимиёт бошқаруви муносабатларида этикавий тизимнинг жорий этилиши раҳбарнинг давлатга, жамиятта, фуқароларга нисбатан муносаби (ахлоқий) хатти-ҳаракатларини белгилайди. Улар ўртасидаги тафовутни минималлаштиради, мавжуд зиддиятларни мувозанатда тутиб, манфаатларни уйғунлаштиради.

Бошқарувда ахлоқ муаммоси, айниқса, мустақил тараққиёт йўлини танлаган мамлакатлар учун мухим ва долзарб вазифалар қаторига киради. Зоро, собиқ совет тузуми давридаги раҳбар зиммасига юклантган вазифалар давлат манфаати ва шу сиёсий тузум мафкураси

талабларига асосланганлиги бизга маълум. Кўп йиллик мафкуравий муносабатлар ижтимоий ҳаёт тизимига, айниқса, бошқарув услугуга сингиб кетган. Буйруқбозлиқ, ўта марказлаширилган маъмурийчилик, яккахуқмронлик қилиш, зуфум ўтказиш, қўрқув ва тажовузда саклаб туриш тоталитар бошқарувнинг мазмун-моҳиятини ташкил қилган. Бошқарувда миллийлик ва умуминсоний қадриятлар, ахлоқий муносабатлар тоталитар мафкуравий сиёсатга зид ҳолат деб қаралган. Аслида ҳам шундай бўлган. Фақат давлат манфаатини устувор билган бошқарув сиёсатида миллий қадриятларга ўрин қолмаган. Раҳбар ижрочи-лаббайчи, ходимлар эса манфаатни амалга оширувчи воситачилар ҳисобланган. Ҳар қандай ташаббусга шу мафкура манфаати доирасида ҳаракат қилишга рухсат берилган.

Мустакғиллик, Ўзбекистон танлаган йўл — бозор иқтисадига асосланган демократик тараққиёт бутун бошқарув ва раҳбарлик масалаларини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Бош масала инсон манфаати, унинг эркинлиги, миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигини таъминлаш, халқ фаровонлигига эришишга қаратилмоқда. Айниқса, хусусий мулкчилик турларининг хилма-хиллиги, бозор муносабатларининг кенгайиб бориши, замонавий технологияларнинг кириб келиши, ишлаб чиқариш муносабатлари, одамлар онги ва турмуш даражасининг ўзгариши раҳбарликнинг барча бўғинларини янгича, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ташкил этиш, миллий манфаатларни уйғунлаштирган замонавий бошқарув услубларини жорий қилиш ҳамда такомиллашириб бориш заруратини тудирмоқда.

Шубҳасиз, миллий давлатчилик бошқарувини замонавий мамлакатлар қаторида шакллантириш, республикада амалга оширилаётган ислоҳотларга тарзда ташкил этиш борасида сезиларни натижаларга орништиди. Ушбу эҳтиёжларга жавоб берга оладиган назарий ва ама-

лий воситаларни такомиллаштириш ҳамда кундалик турмушга амалий тамойилларни жорий этиш талаб қилинади. Шундай экан, ишларимиздаги муаммолар нималардан иборат, уларнинг кўлами ва умумий жиҳатлари нималарда намоён бўлади?

Биринчи муаммо — бозор иқтисодига асосланган хусусий мулкчилик асосларининг мазмун-моҳиятини, истикбол мақсадларини англашда кечеётган қийинчиликлар билан боғлиқ Улар мулк тақсимоти, уни тасарруф қилиш ва бошқарувини ташкил этиш, ўрта қатламнинг шаклланиши ҳамда унинг мустаҳкам ижтимоий кучга айланиши билан боғлиқ масалаларда кўзга ташланади.

Хусусий мулкчилик муносабатлари маъмурийчилик табиатини қабул қила олмайди. У эркинлик билан озиқланади. Лекин эркинликни тартибга солиш, назорат қилиш, ундан самарали ва умумманфаат йўлида фойдаланиш, миллий ривожланиш ва таракқиёт йўлидаги масъуллик туйғуларининг ўсиши каби масалаларда маърифий ҳамда хуқуқий муносабатларни ташкил этиш даражаси билан боғлиқ айrim муаммоларимиз мавжуд. Албатта, бу масала миллий тафаккур юксалиши билан боғлиқ маълум бир даврий жараён ҳам ҳисобланади. Аммо, шунга қарамай, бозор иқтисоди ва демократик ривожланиш талабларига мос салоҳиятли раҳбар кадрлар захирасини яратиш, танлаш, тайёрлаш ва раҳбарлик лавозимларига тавсия қилиш борасида яхлит тизимни ташкил этиш лозим.

Иккинчи муаммо — демократик қадриятларни ўзида мужассамлаштирган эркинлик, адолат, тенглик, масъулият, интизом, фуқаролик позицияси, ватанпарварлик, садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларни англаш ва ижтимоий турмушда унинг амалий ифодасини қарор топтириш, яъни эркин ва тенг яшашга бўлган интилиш, бошқаларнинг ҳам эркинликка бўлган интилишини ҳурмат қилиш,

мехнат интизомига риоя этиш, қонунларга амал қилиш рағбати, шахсий манфаатларни умумий манфаатлар билан уйғунлатиришга эришиш, мамлакат, эл-юрт тақдирига масъул бўлиш, миллий манфаатларни устун билиш каби юялар борки, бундай мақсадлар ўз-ўзидан амалга ошмайди. Улар жамият ва давлат миқёсида маълум ижтимоий нормаларни тизимлаштириш орқали ташкил этилиши, йўналтирилиши, бошқарилиши лозим. Шунинг учун ахлоқий қадриятларни амалга оширишнинг стандартларини яратиш ва жамоларга тавсия этиш ижтимоий фанлар олдида турган долзарб вазифалар қаторига киради.

Учинчи муаммо — раҳбар ва ходимнинг маънавий дунёси билан боғлиқ қадриятлар. Жўмладан, япон, хитой миллатларида бўлгани каби бизда қандай қадриятлар мавжудки, ижтимоий ва кассий муносабатларимизда унга амал қилмаслик шаънимизга доғ туширади? Албатта, кўплаб мисолларни келтириш мумкин, аммо бугун қадриятларимизда мавжуд бўлган меросимизни замонавий анъаналар асосида ривожлантириш, раҳбар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни ахлоқий нормалар негизида шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш эҳтиёжи бор.

Тўртингчи муаммо — раҳбар кадрларни танлаш, улар захирасини ташкил этиш, тайёрлаш, тавсия қилиш, хизматини ташкил этиш борасидаги муҳим вазифаларни англаш баробарида тегишли қонун, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмаётгани, низом ва дастурлар ҳамда етарли даражада замон талабларига мос илмий-услубий қўлланмаларнинг ишлаб чиқилмаётганлиги интеллектуал ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги вазифаларни орқага суреб келмоқда. Бу ўз ўрнида давлат хизматидаги раҳбар ходимларнинг ахлоқий нормалар асосида фаолият кўрсатишини рағбатлантирувчи ва назорат қилувчи яхлит тизимнинг ташкил этилмаётганлигига намоён бўлмоқда.

Бешинчи муаммо — раҳбаршунослик ва унинг ахлоқий масалалари билан шуғулланувчи айрим олимлар ахлоқнинг ижтимоий-сиёсий ролига доир юкни тан ол-маслик, сиёsat, ҳокимият, бошқарув, раҳбарлик ахлоққа зид ækанлигини асослаш каби қарашларида намоён бўлмоқда. Жамиятда ахлоқнинг нормага айланиши, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш орқали қаттиқ интизом, муросасиз тартиб, адолат, тенглик, умумий қоида ва талаблар юзага келади. Куч — адолатда. Адолат меъёрларига риоя қилмаган, уни қундалик эҳтиёжга айлантирмаган, ёшларни тарбияламаган жамият таракқиётга юз тута олмайди.

Демократик жамият танланган мақсадга кўра барча вазифалар қонунлар асосида бошқарилиши, аниқ ва муросасиз тартиблар асосида ташкил этилиши билан ажраблиб туради. Ўсиш, юксалиш доимо соғлом ва рақобат мухитида амалга ошишига алоҳида эътибор қаратилади. Шундай экан, жамиятда соғлом рақобат мухитини таъминлашнинг ижтимоий негизлари қандай шакллантирилади, қандай ҳуқуқий мурватлар асосида такомиллаштирилади, фуқароларнинг шахсий ва умумий манфаатлари давлат манфаатлари билан қандай уйғунлаштирилади, улар қандай бошқарув воситалари таъсирида амалга оширилади? Жамиятда сиёсий-ижтимоий кучлар мувозанати барқарорлиги қандай таъминланади? Кўриб турганимиздек, жамият ва давлат фаолияти яхлит организм сифатида доимо тафтиш ва ташхис ўтказиб туришга, аниқланган натижалар ечимини топиб, унинг соғлом функционал хизматини таъминлашга қаратилган муунтазам муолажаларни талаб қиласди. Бундай муолажани эса раҳбарлик вазифасига танланган ахлоқий қадриятларга содик, иродаси бақувват шахслар таъминлайди.

Жамият ва давлат бошқарувида раҳбар ахлоқи масалалари алоҳида ҳамда жуда кенг илмий ва амалий

муаммоловдан бири бўлиб ҳисобланади. Мазкур услубий кўлланмада эътиборни раҳбар шахснинг ахлоқи ва бошқарувда амал қилиши лозим бўлган маданий мезонларнинг услубларига қаратамиз. Жумладан, бошқарувда раҳбарларнинг ўз вазифасига бўлган масъулияти, одоби ва хатти-харакати, мамлакат сиёсати, ижтимоий ва иқтисодий ривожига таъсири, бошқарув муносабатларида этик стандартларни вужудга келтириш, манфатлар ихтилофини бартараф қилиш, мулоқот ўрнатиш, муомала маданияти, раҳбарнинг ахлоқий сифатлари таснифи, жамоада ёхуд хизмат вазифасида гурӯҳбозликнинг олдини олиш каби масалаларни қамраб олади. Бундай мезонлар ижтимоий адолат, фуқароларни жамият ва давлат ҳаётидаги реал иштироки, қонун устуворлиги, манфаатлар уйғунлигини таъминлаш каби вазифаларда намоён бўлади. Зеро, бошқарувнинг моҳияти қандай мазмунга асосланса, раҳбар ўз фаолиятида шундай мезонларга амал қиласи. Шунинг учун бошқарувнинг механизм сифатидаги ролини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Унинг моҳияти фақат ахлоқий қадриятлар мазмунига хизмат қилиши лозим.

Этикавий муносабатларни ташкил қилишда ахлоқий нормалар пойдевор сифатида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Зеро, давлатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги амалий фаолияти ва дипломатик алоқалари ахлоқий нормаларга асосланади. У қанчалик юқори бўлса, фаолият ҳам шунчалик самарали бўлади.

Шундай қилиб, раҳбар ахлоқи фанининг предмети бошқарув тизимидағи ахлоқий муносабатлар тизимидан иборат бўлиб, турли соҳаларни идора қилишда ахлоқий муносабатларнинг ўрни, уларнинг моҳияти, хусусиятлари, ривожланиш тадрижи, тарихи, тараққиёт жараёни, ижтимоий аҳамияти, принциплари, индивидуал ва умумий кўринишлари, белги ҳамда қонуниятлари, ахлоқнинг

тизимли шаклланиш технология ва механизмлари, методологияси, шаклланиш ва ривожланишини аниқлаш тизимлари, раҳбар, раҳбарлик ва раҳбариятга хос индивидуал ва умумий ахлоқ меъёрлари, ахлоқий менталитет, имидж, шунингдек, бошқарув ахлоқининг амалий ва назарий муаммолари, унинг тадқиқот объектлари, уларни тадқиқ этиш эса мазкур фаннинг вазифаси ҳисобланади.

Раҳбар ахлоқи масалалари фаннинг алоҳида бир соҳаси сифатида ўзига хос мақсад ва вазифаларга эга. Раҳбар ахлоқига оид ҳам назарий, ҳам амалий тадқиқотлар олиб борилиши, ижтимоий ҳаётнинг ажралмас бир қисми эканлигини ҳисобга олсак, унинг мақсади:

— бевосита ёки билвосита раҳбар ахлоқига доир тарихий, замонавий ёзма манбалар, уларнинг ижодкорлари, бошқарувдаги ахлоқ тизими билан боғлиқ тарихий ва замонавий воқеа-ҳодисалар, амалий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

— фан ва амалий жараёндаги масалаларни бир бутунликда олиб, уларнинг ривожланиш шарт-шароитлари, асослари, йўналишлари, татбиқ этилиш ўрни, вазифаларини илмий текшириш, координациялаш ва қиёсий таҳлил қилиш;

— қонуниятларни кашф қилиш ва тараққий эттира бориш, шу мақсадда муайян давр ва келажак учун мухим бўлган умумий ва соҳалар бўйича индивидуал ҳулосалар тақдим этишни тизимлаштириш кабилардан иборат бўлади.

Раҳбар ахлоқини ўрганишнинг бош вазифаси, ўз объектига доир барча масалаларни илмий, амалий ва назарий жиҳатдан чукур текшириш воситасида:

— жамиятта тараққиёт учун хизмат қиласидиган мухим ҳулосалар тақдим этиш;

— эришилган натижаларнинг аҳамияти, татбиқ этилиш даври, ўрни ва мақсадларини аниқлаб, тавсиялар,

дастурлар, тизимлар, функционал механизмлар тақдим этиш, жамиятга хизмат күрсатиши самарадорлигиги ни асослаш;

— амалий жараёнларда бошқарувни кучли ва замонавий миллий бошқарув ахлоқи тизими ва билимлари билан қуроллантириб бориш;

— бошқариш, раҳбар, раҳбарлик ва раҳбарият учун инги шарт-шароитлар, шу асосда улар учун лозим бўладиган зарурий хусусиятлар, тартиб-қоидалар ва бошқа талабларни башорат қилиш, доимий равишида энг илфор фаолият кўринишлари ва ташкилий механизмлар ҳамда услубларни кашф этиб борищдан иборатdir.

Хозирга қадар давлат бошқаруви, давлат хизмати ва давлат хизматчиси, сиёsatшунослик, бошқарув психологияси ва социологияси, менежмент, персонал бошқаруви, лидерология каби фанлар таркибида ўрганиладиган раҳбар ахлоқи, бизнингча, алоҳида фан бўлиш учун барча асос ва манбаларга эга. Юқорида зикр этилган фанлар раҳбар ёки бошқарув ахлоқи масаласига ўз йўналишлари доирасида ёндашади. Масалан, “Менежмент” фани бу масалага, асан, иқтисодий, меҳнат самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан ёндашса, давлат бошқаруви, давлат хизмати ва хизматчиси, персонал бошқарувига оид масалаларни тадқиқ этувчи фанлар тузум ва жамият, ташкилотнинг тартибли тараққиётини йўлга қўйиш, бошқарув ҳамда қонунлар мувофиқлигини тадқиқ ва таҳлил этиш йўлидан борадилар, сиёsatшунослик фани сиёсий жараёнларда шахснинг тутган ўрнига аҳамият қаратса, бошқарув психологияси раҳбар шахс ва жамоа муносабатларига кўпроқ эътибор қаратади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, раҳбар ахлоқини ўрганишда юқорида номлари зикр этилган ва яна бошқа бир қатор фанларнинг илмий текшириш методларидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Албатта, раҳбар ахлоқини ушбу фанлар томонидан ўрганили-

шини чеклаб бўлмайди. Чунки бошқарув масаласи амалий ҳаётда энг муҳим жараён бўлганидек, ҳаётий жараёнларни тадқиқ этувчи ушбу фанлар ҳам уни ўрганишни четлаб ўта олмайди. Аммо, бизнингча, раҳбар ахлоқи билан боғлиқ муаммолар, айниқса, бошқарувда ахлоқ тизими қонуниятларини яратиш масалалари алоҳида фан доирасида ўрганилиши мақсадга мувофик.

Иқтисод, сиёsat, ҳуқуқ, маънавият каби фанларга инсоният ҳамиша ва ҳар қандай шароитда мурожаат қилиб келган. Худди шу каби, гуруҳ — жамоа мавжуд экан, раҳбарга доимий эҳтиёж мавжуд бўлади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, амалиётдаги раҳбарлик ва раҳбар ахлоқи бир бутун жараёнларнинг икки қисмини ташкил этувчи ҳодиса бўлиб, улар пайдо бўлиш моҳиятига кўра ижтимоий ҳаётнинг зарурӣ шартларидан биридир.

“Раҳбар ахлоқи” атамаси тор маънода амалдор ахлоқи, амалдорликда ахлоқ қонуниятлари ва методологиясини ифода этса-да, амалдор ва амалдорлик функциялари раҳбар ахлоқи соҳасига хос йўналишлардан фақат биттасигина бўла олади. Чунки раҳбар ахлоқи биргина ёки бир неча амалдорга хос хусусият бўлмай, у амалда давлат даражасидаги ташкилий тузулмаларнинг ҳам яхлит, бир бутун ахлоқий муносабатларини ифодалайди. Кенг маънода эса тарих, ҳозирги замон ва келажак билан боғлиқ амалий ҳамда назарий манбаларни қамраб олади.

Шундай қилиб, яқин ўн ийлilikлар истиқболида иқтисодий тараққиёт, жамият барқарорлиги соғлом сиёсий бошқарувга — унинг ахлоқий мезонларининг жорий этилишига боғлиқ бўлиб қолади.

Раҳбар ахлоқининг маънавий негизлари

Яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик нима, ҳаёт мазмуни нимадан иборат, шахсий ва ижтимоий

манфаатларни қандай мувофиқлаштириш мумкин, ҳақиқий ва сохта қадриятлар, қайси қандай инсонлар раҳбарлик қилишга ҳақли, қайсилари ҳақсиз ва ҳоказо. Бу каби саволлар жамиятда қадимдан мавжуд ва инсоннинг ҳаётий заруриятларидан келиб чиқади. Ушбу саволларнинг жавоби эса ахлоқнинг моҳиятини белгилайди.

Жамоадаги меҳнат жараёнида, изланиш соҳаси, маъмурий ва ижтимоий фаолиятда, оилавий муносабатлар, дам олиш — ҳамма ерда инсон бошқа одамлар билан мураккаб муносабатлар тизимиға дуч келади, бинобарин мулоқот давомида онгли равишда у ёки бу тамойиллар, ахлоқ нормаларини қўллайди. Шу билан бирга, ахлоқнинг ижтимоий ўрни шундаки, инсон ўз ахлоқий қарашларини бошқа одамларнинг ушбу жамиятда ҳукмронлик қилаётган ахлоқ тамойиллари ва меъёрлари билан мослаштиришга мажбур. Дарҳақиқат, агар ҳар бир инсон ўз билганича иш тутса ва ўз ахлоқий меъёрларини ўзгаларнинг тўғрилик,adolatлилик тамойиллари билан мувофиқлаштирмаса, жамиятимиз мавжуд бўла олмасди. Жамият, биринчи навбатда, қўпчилик инсонлар ҳаётини умумий қоидаларга бўйсундирувчи аниқ яхлитлиқдир. Ахлоқий амалиёт инсонлар жамиятида ўзаро муносабатларни бошқаришнинг объектив заруриятидан вужудга келган, бу инсон ва бошқа одамлар орасидаги, инсонлар, қўрсатмалар ўртасидаги муносабатлардир. Ахлоқнинг бош вазифаси ҳам айнан шундадир. Бундай бошқарув инсонларнинг жамият доирасида яшаб кетипларининг зарурий шартларидан биридир.

Давлат ва давлатлараро муносабатлар ривожи тарихий вақт нуқтаи назаридан давлат бошқаруви маданиятининг ривожланишига олиб келган. Муносабатларнинг шаклланиши натижасида давлат бошқарувининг илмий-назарий асослари шаклланган. Айни пайтда, давлатнинг вужудга келиши билан бошқарувга эҳтиёж туғилиб, бун-

дай эҳтиёж сиёсат билан амалга оширилган. Аммо сиёсатнинг томонлар манфаатларига мос келиши, унинг тенглик ваadolat тамойилларига бўйсундирилиши факат ахлоқий қадриятлар негизидагина амалга оширилиши мумкинлиги англаб етилган. Лекин, шунга қарамасдан, унинг амалий ижросини таъминлаш ниҳоятда қийин кечган.

Албатта, бугунги кунда давлат бошқаруви ҳамда раҳбарлик фаолиятининг ахлоқий ва маънавий қиёфаси ўзгарди. Нафакат давлатчиликнинг ахлоқий-этик қадриятлари ва цивилизация йўналишлари, ҳатто асрлар оша тўплangan сиёсий тажрибалар ҳам тамомила ўзгача бўлди. Аммо раҳбар фаолияти сиёсатининг такомилида ахлоқий маънавий қадриятларга бўлган эҳтиёж ҳамон сақланиб келмоқда. Қолаверса, замонавий раҳбар қандай бўлмасин ва унинг асосларини қандай муносабатлар ташкил этмасин, у миллий ахлоқий қадриятларга асосланиши тўғрисидаги масала ўз моҳиятини ҳозир ҳам йўқотган эмас.

Холбуки, айнан шу ечимнинг ахлоқий қадриятларга суюниши тарихда давлатлар истиқболини таъминлаб келган, яъни давлат бошқарувининг ахлоқий қадриятларга суюниши унинг қудрати ва равнақининг кафолатига айланган. Тарихдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Айни пайтда, умуминсоний қадриятларга зид бўлган, урф-одат ва анъаналарни оёқости қилган давлат бошқарув сиёсати доимо таназзулга юз тутган.

Афсуски, давлат бошқарувида аксарият ҳолларда ахлоқий сиёсат ўрнини кўпроқ бирёқлама манфаатлар, қабиҳлик ва разолат билан йўғрилган сиёсий ўйинлар эгаллаб, бу ўйинлар тажовуз ўтказиш, бошқаларни тобе этишга қаратилган эди. Яъни раҳбар бошқарувининг мазмунида айёрлик, фитна ва фириб, товламачилик намоён бўлган. Аниқроғи, улар шу восита билан ўз амалларини рўёбга чиқаришган. Натижада сиёсат борган сари ўз моҳият-мазмунидан узоқлашган. Шунинг учун раҳбар фао-

лиятида ахлоқ моҳиятан миллат ва давлат яшовчанлиги-ни таъминловчи омил бўлиб, уларсиз жамият “рангиз бир маконга” айланиши мумкин. Бизнингча, “бутун олам тортилиш қонуни” дунё яхлитлиги учун қандай улкан аҳамият касб этса, давлат бошқарувида раҳбар ахлоқи ҳам шундай салмоққа эга. Зоро, 700-800 йил илгари герман миллатлари Рим империяси раҳбари Фридрих II нинг “Сиёсат — бу ҳукмдорнинг фирибгарлиги ва вижданлизигини ниқоблаш учун ўйлаб чиқарилган” деган фикридан, машхур “сиёсатда тулкилик қилган ютади”, деган Макиавелли, Уинстон Черчиллнинг тарихан куни кеча “сиёсат — бу сиёсатчининг эртага, бир ҳафта ва бир ой кейин нима бўлишини башорат қилиши ва кейин унинг рӯёбга чиқмаганлигини тушунтира олиш маҳорати” деган хulosалари ахлоқсиз раҳбарнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Қизифи шундаки, қуруқ найранг ва лўтти-бозликка асослаган раҳбар фаолиятини сиёсат деб, ана шундай “сиёсатнинг” назарий таълимотларини ҳам яратишга эришилган. Айни пайтда, бундай таълимотнинг бир талай нуфузли издошлари ҳам бўлган. Аммо Шарқ таълимотида ёки давлат бошқаруви билан боғлиқ бўлган ўйтларда раҳбар фаолиятининг ахлоқсиз тамойиллари-ни назарий жиҳатдан вужудга келтириш ва яна унинг амалийлилигини асослашга уринишлар бўлмаган.

Аждодларимиз томонидан давлатчилик бошқаруви асослари, раҳбар ахлоқи мезонлари, жамият бошқарувига оид ноёб тарихий, адабий манбалар яратилган. Мазкур қадриятлар миллий давлатчилигимизнинг пойдевори бўлиб, уларни ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш, замонавий давлатчилик талаблари билан уйғулаштириш миллати-мизнинг ўзига хос анъаналарини ривожлантириш имко-ниятларини янада кентайтиришга хизмат қиласди.

Президент И.А.Каримов «Ҳозир Ўзбекистон деб ата-лувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ,

балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган»¹, деб таъкидланган эди. Дарҳақиқат, Мовароуннахрда пайдо бўлган улкан маданий мерос инсоният тарихи ибтидосида энг дастлабки ҳамда қадимий маданият сифатида давлатчилик тағиқил топишининг ахлоқий асосларини яратишга хизмат қилган. Айни пайтда, мустақиллигимиз шарофати билан миллий-маънавий меросимизни ўрганиш имконияти халқнинг тарихий хотирасини тиклаш, давлатчилик маданиятимизни ўзлаштирган сари руҳан ва маънан соғлом ҳамда бақувват бўлишда, олдимизда турган мақсадларимизни амалга оширишда фаол бўлишимизга хизмат қилмоқда. Зоро, миллат руҳияти кучли бўлсагина, давлат тараққиёти ва истиқболи порлок бўлади.

Миллий руҳиятимизнинг ана шундай маънавий ва ахлоқий манбаси бўлиб келаётган куч — «Авесто»дир. Мазкур бебаҳо маънавий меросимизни аждодларимиз томонидан яратилган илк давлатчилик тўғрисидаги ижтимоий қарашлар йиғиндиси, дейиш мумкин. «Авесто»да илгари сурилган foялар бугун миллий foямизнинг бош йўналиши — адолатпарвар, демократик жамият барпо этиш вазифалари билан ҳамоҳанг эканлигини кузатамиз.

Мазкур тарихий асарда, аввало, инсоннинг ахлоқий комиллиги, маърифий етуклиги, руҳий соғломлиги устувор вазифалар қаторига қўйилади. Жумладан, каттага ҳурмат ва кичикка иззат, сабр-бардош, ҳалоллик, меҳр-оқибат ва бошқа бир қатор ахлоқий қадриятлар

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. -Т.: Ўзбекистон. 1999. -Б.132.

белгиланган. «Авесто» ўша замонда яшаган одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишида ахлоққа бўлган эҳтиёж ва зарурият натижасида юзага келган манба ҳисобланади, дейиш мумкин.

«Авесто»да давлат ва уни идора этувчи ҳокимлар ҳақида ҳам фикр юритилган бўлиб, «Яхшилик таълимини ва садоқатни амалга ошириб... яхши ҳокимлар ҳукум юритаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига баҳтсаодат келтирадиган адолатли қонунларни амалга оширип-синлар...», деб кўрсатилган. («Ясна» 48)¹.

“Авесто”нинг “Вандидод”лар бўлимида мужассамлашган давлат ва жамиятни бошқариш тартиботи, жиноятни жазолаш, яхшиликка мукофот бериш каби қоидаларни давлат ҳокимиятига ёки жамоа бошқарувига тайинланадиган номзодларнинг ёддан билиши талаб этилган².

“Вандидод”нинг “фаргард”ларидан бирида Ахура Мазда номидан айтилган қуйидаги мурожаатда шундай дейилади: “Рухонийлар ушбу варжованд мансарасини (илоҳий қалом талабларини) одамларга ўргатсинлар”³. Унинг “Мансур яштлар” бўлимида эса “эзгу фикрли, эзгу сўзли, эзгу амалли, эзгу динли” бўлиш ва унга бериладиган мукофотларга оид қоидалар берилган⁴. “Гоҳ”, “Ясна” бўлимларида эса мамлакат ва қабилалар иттифоқини бошқарган қатор шахслар таърифланиб, уларга Ахура Мазда томонидан эҳсон қилинган кўплаб хислатлар (қобилият), ундан ташқари бу ҳукмдорларнинг ўзида (тажриба орқали) мужассам бўлган фазилатлар келтири-

¹ Каранг: Отамуродов С. «Авесто» — миллий гоямиз манбай // Жамият ва бошқарув. 2002, № 2-сон. -Б.36.

² Каранг: Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. -Т.: Шарқ, 2001. -Б.106-165.

³ Ўша манба. -Б.115.

⁴ Ўша манба. -Б. 277.

лади. Кўриниб турибдики, раҳбар шахсларга Ахура Мазда инъом этган хусусиятлардан ташқари уларнинг ўзида ҳам раҳбарлик ахлоқига оид фазилатларнинг мавжуд бўлиши талаб этилган¹. Умуман, “Авесто”да раҳбарликка қўйилган бош талаблар қуйидагича намоён бўлади: жамиятнинг тўрт тоифаси (ҳарбийлар, дехқон-хунармандлар, чорвадорлар, диндорлар)дан бирига мансублик ва улар орасида обру-эътибор қозониш; шахс характерида “Авесто”даги илоҳий тўрт унсурнинг мавжудлиги ва шахснинг уларни жиловлай олиши².

Мовароуннахр олимлари — Мотурудий, Бухорий, Термизий, Насафий, Яссавий, Паҳлавон Маҳмуд, табиатшунос олимлар — Хоразмий, Фарғоний, Журжоний, Чагминийлар, қомусий билим эгалари — Форобий, Ибн Сино, Беруний шу даврда вояга етди. Румий, Фирдавсий, Рудакий, Носир Ҳисрав, Умар Ҳайём, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Наршахий, Байҳақий каби файласуф, тарихчи, шоирлар шу даврда яшаб ижод этдилар. Шу тариқа Ўрта Осиёда IX — XIII асрларда яратилган маданият давлатчилик ривожида янги назарий қарашлар ва таълимотларнинг вужудга келишига замин тайёрлайди.

Илк Шарқ уйғониц даврининг буюк мутафаккирларидан бири Абу Носр Форобий ўзининг «Фозил одамлар шахри» асарида кишилик жамиятининг вужудга келиши ва ривожланишининг табиий сабаблари, адолат ва ахлоқ шаклланишининг узвий қонуниятлари, инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари, айни пайтда, жамоалар-

¹ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик./Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. –Б. 8-105.

² Қаранг: Ф.Равшанов. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари. Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: ЎзР Президенти хузуридаги ДЖҚА, 2009. –Б.23.

пинг ижобий ва салбий хусусиятлари таснифини яратади. Бу билан аллома давлат бошқарувининг мунтазам ва изчил тизимини шакллантиради. Жамият ривожини фозил раҳбарларнинг ахлоқий фазилатлари билан боғлайди.

Форобий жамиятнинг келиб чиқиши ҳақида мулоҳаза юритар экан, ҳар қандай зўравонлик таълимотини инкор этади, табиий эҳтиёжлар ҳақидаги ғояларни илгари суради. Табиий эҳтиёж кишиларни бир-бирлари билан бирлашиш, жамоа сифатида уюшиш, ўзаро ҳамкорликка олиб келади. У давлатта ўз аҳолисини баҳтсаодатга етакловчи восита сифатида қарайди ва бундай восита инсон, жамоа эҳтиёжи билан боғлиқ маънавий омилларни очиб беради, деб билади.

Шу тариқа олим бугун бизнинг тасаввуримиздаги адолатли давлат шакллари ва бошқарувнинг сиёсий-ахлоқий тамойилларини яратишга эришади. Масалан, фозиллар шаҳрининг (давлат назарда тутилган) таркиб топиши ва унда қандай ахлоқий сифатга эга шахснинг раҳбар бўлишига оид таснифи бугунги демократик жамият қуришнинг назарий талаблари билан бевосита уйғун келади. Бу борада Форобий: «Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилиган, синалган энг олижаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиласадилар»¹, деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш билан боғлиқ ахлоқий қадрийтларни тизимлаштиради. Раҳбар қадрларга оид миллий-тарихий қараашларни тадқиқ этган Ф.Равшанов Форобийнинг бошқарув ва раҳбар ахлоқи талабларини

¹ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Халқ мероси нашриёти. 1993. -Б.190.

тизимли шакллантиришга доир бир қатор мулоҳазала-рини қайд этади. Унга кўра, ахлоқ раҳбар меҳнатининг ажралмас қисми бўлиб, бошқарув ахлоқининг тизимли шаклланиши ва қонуний тартибга айланишида инсондаги бир қатор фазилатлар муҳим роль ўйнайди:

1.Кишида ёшлиқдан шаклланган, энг аввал бошданоқ қобилиятга айланиб, фаолиятининг моҳиятини ташкил этадиган табиий фазилатлар: тўрт мучаси соғ-саломат бўлиб, ўзига юклangan вазифаларни бажаришида бирор аъзосидаги нуқсон ҳалал бермаслиги лозим, аксинча, соғ-солимлиги туфайли бу вазифаларни осон бажариши керак; табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равshan тасаввур қила олиши зарур; англаган, кўрган, идрок этган нарсаларини хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларини унутмаслиги зарур; зеҳни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарса (ёки ҳодиса. Изоҳ Ф.Равшановга тегишли.)нинг билинар-билинмас омонатларини ва у омонатлари нимани англатишини тез билиб, сезиб олиши зарур; фикрини равshan тушунтира олиш мақсадида, чиройли (ҳамда тушунарли ва ўша воқеа-ҳодисабоп-Ф.Р.) сўзлар билан ифодалай олиши зарур; таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўкиш, ўрганиш жараёнидан сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши зарур; таом ейишда, ичишда, аёлларга яқинлик қилишда очофат эмас, аксинча, ўзни тия оладиган бўлиши, (қимор ёки бошқа шунга ўхшаш) ўйинлардан завқ, ҳузур олинидан узоқ бўлиши зарур; ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақтўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур; ўз қадрини билувчи ва номусориятли одам бўлиши, пасткашликлардан юқори турувчи, тугма олийхиммат бўлиши, улуғ, олий ишларга

интилиши зарур; бу дунё молларига, динор ва дирҳамларига қизиқмайдиган (мол-дунё кетидан қувмайдиган) бўлиши зарур; табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамлари (раҳбарият тизимидағилар-Ф.Р.)га ҳамда (қолган барчани адолатга чақиравчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи) барчага яхшилик ва ўзи суйган гўзалликни истовчи бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиши зарур; ўзи зарур ҳисоблаган чоратадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, қўрқиш ва ҳадиксирашдан узок бўлиши зарур.

Форобий бу хусусиятларнинг ҳаммасини ўзида мужассамлаштирган инсонларни кам учрайдиган, нодир шахслар деб атайди ва улардан раҳбарликда муносиб фойдаланиш кераклигини таъкидлайди. У бундай одамларнинг пайдо бўлиши ва кўпайиши жамиятнинг фозилигига, бошқарув вазифаларида фаолият қўрсатиши эса бошқарув тизими-нинг адолатлилигига боғлиқ деб ҳисоблайди.

2. Ҳосил қилинадиган фазилатлар, яъни бўлажак раҳбар шахс юқоридаги табиий хислатлардан ташқари одатланиши ва ҳар қандай шароитда ўзини риоя қилишта мажбур эта оладиган хусусиятлар: донишмандликка (яъни илм олишга) интилиш; аввалги раҳбарлар ўрнатган қонунлар ва тартиблар (аввалги раҳбарларнинг иш юритиш усуллари, хатти-ҳаракати, феъл-атвори, қоида ва бошқа таомиллари-Ф.Р.)ни хотирада яхши сақлаб қолиши ва уларга (албатта, ижобий жиҳатларига-Ф.Р.) амал қилиши учун қувваи ҳофизага эга бўлиши керак; агар аввалги раҳбарлар давридан бирор соҳага тааллукли қонун қолмаган бўлса, бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод, ихтиро қилиш қувватига эга бўлиш (ҳозирги

пайтда аввалги раҳбарлар дуч келмаган янгиликлар ёки даврий алмашинишлар юз берган вазиятда, ўша нарса ёки ҳодисалар учун чиқарилган қонунларни амалиётта жорий этишда ижод ва ихтиро қилиш қувватига эга бўлиш-Ф.Р.); ҳозирги ҳақиқий ахволни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиган, аввалги раҳбарлар кўзда тутмаган воқеа (ҳодиса-Ф.Р.)ларни олдиндан кўра билиш учун башоратгўйлик хислатига эга бўлиш. Бу хислат уларга фуқаролар фаровонлигини яхшилаш йўлида жуда керак бўлади; аввалги раҳбарлар амалга оширган ишларга ҳурматли, шунингдек, ибратли, қизғин сўзлаш — нотиқлик хислатига эга бўлиши зарур; зарур ҳолларда ҳарб ишларига моҳирона раҳбарлик қилиш учун етарли жисмоний қувватта эга бўлиши, ҳам жанг қилишни, ҳам саркарда сифатида жангу жадалга раҳбарлик қилиш учун ҳарбий санъатни яхши билиши керак¹.

Раҳбар ва бошқарувга дахлдор ахлоқий масалалар Юсуф Хос Ҳожиб ижодида ҳам катта ўрин туттан. «Қутадгу билиг» ижтимоий-фалсафий асар бўлиб, достон муаллифи ўз замонасининг илмини мукаммал ўрганган етук маърифатли шахслардан бўлган. У юнон фалсафасини чуқур билиб, давлат бошқарувидаги ахлоқий қарашларни достонда кенг шакллантирган. «Қутадгу билиг» асарини давлатни бошқариш амаллари ва қоидаларининг жамиятда туттан ўрни тўғрисидаги фикрларни мужассам этган «сиёсатнома», деб ҳисоблаш мумкин². Юсуф Хос Ҳожибининг ахлоқий қарашлари унинг сиёсий ва ижтимоий қарашлари билан чамбарчас боғланиб кетган. Унинг фикрича, ҳокимлар ва уларга тобе кишиларнинг ҳар томонлама ахлоқий комил бўлиши давлат-

¹ Равшанов Ф. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. –Т.: Akademiya, 2007, –Б. 70-73.

² Қаранг: Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадгу билиг. –Т.: Фан, 1971.

нинг сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланишига, обрӯ-эъти-
борининг ошишига олиб келади¹. У давлат бошқаруви ва
раҳбар хизматини ташкил этиш турлари ҳамда шу да-
ражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди. Жум-
ладан, «Шоҳликка даъвогарлар онадан ажид бир ис-
теъдод билан туғиладилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни
ажратиш фитратига эга бўладилар. Бундайларга худо
идроқ, фаросат ва юмшоқ бир қўнгил ато этади, қола-
верса яхши иш юритиш укуви билан ҳам сийлайди»,
деб барча ишларда тажрибали, ёмонликни дарҳол се-
зувчи, оқиллик бобида ибратли, заковатли, маърифат-
га ташна, кичикларга таянувчи, адолатпарвар, садоқат
каби фазилатларнинг соҳиби бўлиши шартлиги таъкид-
ланади². Бошқарув тизимида бошқарув ахлоқи анъана-
ларининг сақланиб қолиши учун, аввало, раҳбар кадр-
ларни тайинлаш ва фаолиятини бошқаришда унинг қуий-
даги хусусиятларига эътибор қаратиш лозим: ижтимо-
ий асл зотли, жисмоний соғлом ва кучли, ҳарбий сави-
яли, ташаббускор (шижоатли, абжир), сахий, хушфеъл,
хушёр-эҳтиёткор, турли қасб-хунарлар билимдони,
илмпарвар, соф-покиза, уddабурон (топқир, лаёқатли),
режалаштира олиш қобилиятига эга, моддий таъмин-
ланган (кўзи тўқ), ҳимматли, бағрикенг, андишли,
юмшоқ, қаттиққўл, янглишмайдиган, зийрак, тадбир-
кор, оғир-вазмин, эътиқодли, ор-номусли, бир сўзли,
вафодор, ҳалол, ростгўй, жасур, парҳезкор, камтар,
сиёсатли, ёмонликка шафқатсиз; сир сақлай оладиган,
қўнимли, зийрак, тадбирли, ишончли, келажакни кўра
оладиган, фармон ва буйруқларни пухта тузва назорат
қила оладиган, юксак савияли, юмшоқ табиатли, фуқаро-

¹ Каранг: Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан.
—Т.: Ўзбекистон, 1995. —Б.93.

² Осуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. —Т.: Фан, 1971. —Б.329.

ларга ёқимли, тили ва дили бир, ишбилармон, одамларни фарқлай оладиган, комил, иймонли, раҳм-шафқатли, садоқатли, ҳисоб-китоб ва бир неча тилларни, ёзувларни пухта билиши ва ҳоказо. Шунингдек:

1. Раҳбарият иқтисодий таъминланган бўлиши.
2. Хизмат доирасига кўра моддий шарт-шароит, қулайлик, жиҳоз, уловларга эга бўлиши.
3. Ҳар бир раҳбар кўрсатган ишига қараб, моддий ва маънавий рағбатлантирилиб бориши.
4. Раҳбариятдаги ҳар бир хизматчининг давлатта келтирадиган манфаатига кўра мансабдорлиги қондирилиши.
5. Раҳбариятнинг бурч ва эркинликлари таъминланishi.
6. Хизматчи маълум сабабларга кўра, раҳбар топшириги билан сафарда юрганда ёки бирор фалокатга йўлиқиб ҳалок бўлганда, унинг бутун оила аъзолари таъминоти ва муҳофазаси назоратта олиниши, дардга йўлиқса, қаровсиз қолдирилмаслиги.
7. Бошқарув тизими — раҳбариятнинг барча хатти-харакати ва фикр-гоялари кучли назоратда тутилиши.
8. Давлат бошқарув тизимида билимсиз — жоҳил ва манфаатпастлар йигилиб қолишига тўсиқ бўлишига шарт-шароит яратилиши лозим.

Чунки давлат раҳбарият кўзи билан кўради, қулоғи билан эшитади, қўли билан иш қилади¹.

Ибн Сино Урта Осиё табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий қарашларининг буюк намояндаси, тиббиёт, фалсафа, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий фикрлар тарихига улкан хисса кўшган асарлар муаллифи, қомусий олим, мутафаккирдир. Ибн Сино фалсафани назарий ва амалий фалсафага ажратса, вазифаси ва предметига кўра,

¹ Каранг: Равшанов Ф. Миллий раҳбарщунослик: тарих ва тажриба.
—Т.: Akademiya, 2007. —Б.73-98.

уч қисмга бўлади: ахлоқшунослик — инсоннинг фазилатлари, ахлоқий тушунчалар, қоидаларни ўрганади; иқтисодиёт — оилани бошқариш, унинг талаблари, вазифа ва фаолиятини таъминлаб туриш учун зарур бўлган масалаларни ўрганади; сиёсат — давлатни идора этиш ва бошқариш, ҳукумат ва фуқароларни ҳамда давлатлар ўртасидаги муносабатларни таъминлаш масалаларини ўрганади¹. Унинг «Ишорат ва Танbihот», «Рисолату тадбири манзил» каби асарлари бевосита давлат бошқарувининг адолатпарвар ва ахлоқий асосларига бағишлиланган. Шарқшунос олим Л.Г. Салдадзе «Ибн Сино» номли асарида унинг «Шарқ фалсафаси» ва «Адолат» деб номланувчи 20 жилдли асари бўлгани тўғрисидаги маълумотни келтиради. Бу асарда 28 мингта адолат муаммоларига бағишлиланган мавзуулар баён этилганлиги таъкидланади. Китоб 1947 йилда мисрлик олим Абдурахмон Бадавий томонидан 20 жилдан қолганларини умумлаштириб, нашр этилгани маълум қилинади.

Давлат бошқаруви, унинг мукаммал тизимини яратишга оид улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутафаккири Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асари ҳам муҳим манба ҳисобланади. У амалдорларни ахлоқий фазилатларига қараб танлаш, адолат ва инсофни оёқ ости қиласидиган кишиларни давлат ишларига аралаштираслик, қолаверса, бир кишига барча ваколатларни бериш зиёнлари, давлат амалларини топширишда назорат қилиш чораларини кўриб бориш ҳамда уларнинг итоат ва ижро сифатлари билан давлат истиқболи ва барқарорлигини тўғрисидаги фикрларни ривожлантиради. Айниқса, Низомулмулкнинг «Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлди ва шундай йўл ту-

¹ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. -Т.: Ўзбекистон, 1995. -Б.67.

тиш керак»¹, деган қарашлари аждодларимизнинг давлат қурилишининг адолатли тартиботларига нечоғлик даражада аҳамият берганидан далолат беради.

Амир Темурнинг (1370 йил) сиёсий саҳнага келиши ва мустақил давлат барпо этиши Ўрта Осиё халқларининг мӯғул истилосидан, ўзаро ички низолардан қутулишига олиб келади. Мамлакатда ўрнатилган барқарорлик марказлашган давлатнинг тез орада мустаҳкамланиши, сиёсий қучлар тарқоқлигини бартараф этиш, турли ислоҳотларнинг амалга оширилиши, илм-фан ва маданиятнинг ривожланишига туртки бўлди. Амир Темур асос солган улкан ва қудратли давлатнинг пайдо бўлиши ва унда турли халқларни бирлаштирган ҳамда ягона мақсад сари сафарбар этган ғоя — бу адолат ва ахлоқ билан йўғрилган миллий мероснинг тантанаси эди.

Соҳибқирон амал қилган ахлоқий тамойил реал ижтимоий муносабатларнинг қонуниятларига асосланган. У инсонлар ўртасидаги ижтимоий-руҳий муносабатларни, айни пайтда ундан келиб чиқиши мумкин бўлган зиддијатларни яхши идрок этган ва шунга мувофиқ адолатли ҳукмлар ишлаб чиқсан. Бундай хулосалар билан ҳокимият ва уни бошқариш, унинг самарали фаолиятини ташкил этиш, аъёнларнинг ҳокимијатга бўлган хуфиёна интилишларини давлат манфаатларига мос равишда мувофиқлаштиришга ҳамда ўз ахлоқини давлат сиёсати томон йўналтиришга эришилган. “Амир Темур давлати бошқарувининг кучи шунда эдики, у давлатнинг асосий ғоялари, ривожланиш дастури, мамлакат ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида тузиладиган режаларни аниқ қисмларга бўлиб, маълум мансабдаги аниқ шахслар хизматига бириттиради ва бу ишларнинг мақсад — режадагидек, айни вақтда, адолат тамойиллари ва ҳақиқат чегарасида те-

¹ Низомулмулк. Сиёсатнома. -Т.: 1997. -Б.75

мир интизом билан бажарилишини талаб этади. Бу айни пайтда Темур давлат бошқарувида ахлоқий муносабатлар тизимини ҳам белгилаб беради. Амир Темур томонидан ишлаб чиқилган давлат ва жамият бошқаруви, давлат мансабдорларини тайинлаш ва танлаш мезон-қоидалари бу соҳадаги назария билан амалиётни уйғулаштириш асосида қурилганлиги билан ажралиб туради. Амир Темур давлат мансабларига раҳбар танлаш масаласида идашмаслик чорасини мансабдорликка номзоднинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий муҳофазасини тўла таъминлаш, шу билан бирга, ахлоқий интизомни қатъий тартиб даражасига олиб чиқиш масаласи билан боғлайди. У ҳар бир раҳбардан маълум мансабга муносиблик сифатларини талаб қиласди. Масалан, вазирда: асллик, тоза насллилик; ақл-заковатлилик; сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалик; сабр-тоқатлилик ва тинчликсеварлик сифатлари бўлиши керак. Шундай вазирга сипоҳ ва раият ихтиёри топширилиб, унга яна тўртта имтиёз берилади: ишонч, эътибор, ихтиёр ва иқтидор”¹.

Амир Темурнингadolatpeshaliq фазилати унинг атрофига инсофли, диёнатли,adolatparvar, иродали, шижкотали, ботир, мард инсонларнинг жамланишига олиб келган. Бу эса, Амир Темур давлатининг янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Маърифатли одамларнинг салтанат бошқарувида иштироки давлат сиёсатининг бевосита қуий бўғинигача тизимиҳ хусусиятларини шакллантиришига, натижада давлат сиёсати ва ижтимоий жараёнлар бутун жамиятнинг иродасига, сўнгра, амалий фаолиятига айланишига олиб келганлигини кузатамиз.

¹ Каранг: Ф.Равшанов. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари. Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: ЎзР Президенти ҳузуридаги ДЖҚА, 2009. –Б.88.

Жўмладан, Амир Темур шундай дейди: «Амр қилдимки, қачонки асл сипоҳийлардан иш кўрган, жангут жадал билан суяти қотган ўн киши йигилса, булардан қайси бирининг шижаати, ботирлиги ортиқроқ бўлса, қолган тўқғизтасининг розилиги ва маъқуллаши билан, уни ўзларига бошчи сайлаб, отини ўнбоши деб атасинлар»¹. Ушбу тадбирнинг моҳиятида бошқарувнинг юқорида таъкидланган бир қанча мувофиқлаштирувчи элементларини кузатиш мумкин. Масалан, асл сипоҳ жангдаги ботирлиги билан алоҳида ажралиб турганига нисбат берилгани ва фақат шундай сифатта эга бўлган шахсгина ўн боши бўлиши мумкинлигига ишора қилинган. Эътиборли ва ибратли томони шундаки, бундай тартиб то амир лавозимигача демократик тартиботлар асосида амалга оширилган. Зўрлардан зўри танланган ҳамда улар тўғрисидаги маълумотлар Амир Темур тасдигига юборилган. Демак, хулоса чиқариш мумкинки, давлатнинг энг юқори, то Амир ул-умарогача бўлган лавозим номзодлари сайлов асосида танланган. Энг муҳими, танланган ва сайланган асл сипоҳийларнинг маоши улар кўрсатган жасорат даражасига кўра дефферинциал тартибда шакллантирилган. Яъни жасоратли бўлиш нафақат маънавий эътироф билан, балки моддий қиймат билан ҳам мустаҳкамланган.

Амир Темур буюк давлат арбоби сифатида ўз сиёсатида ҳалол меҳнат ва фидойилик асосида мартаба ҳамда мавқега эга бўлиш рафбатини шакллантирган. Амалда бундай ёндашув ўз самарасини берган. Жўмладан, у: «Кимнинг ақли ва шижаатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларницидан ортиқроқлигини билсан, уни тарбиямга олиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра, кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борардим», дейди².

¹ Темур тузуклари. –Т.:Faafur Fулом нашриёти. 1996. –Б.88.

² Ўша манба. 1996. –Б. 83.

Мирзо Улугбек ҳам “Тўрт улус тарихи” асарида туркӣ халқларнинг XV асргача бўлган даврдаги давлат ҳукмдорлари ва мансабдорлари фаолиятида мухим аҳамият касб этган раҳбарлик ахлоқига хос хусусиятларини таърифлаб ўтган. Масалан, Туркхонни раҳбарлик даражасига олиб келган хусусиятлар сифатида қуидагиларни қайд этади: бош фарзанд; халқни бошқаришнинг янгича расм-руsumларини кашф қилган; ақлли ва одоб-ахлоқли; ҳунарманд; кўчманчи аҳолига яхши ва бехатар жой танлай оладиган нафис таъбли; хайру эҳсонпарвар; марказлашган бошқарувни ўйлаб тоғган одам; раҳбарликни тақсимловчи; тинчлик ва фаровонлик йўлида янги тадбирлар ишлаб чиқишида ташаббускор; чорва ва ёввойи ҳайвонлар терисидан либос кийишни ихтиро қилган биринчи одам; отаси русуми ва тартиб-қоидаларига қучли риоя қилган ва ривожлантирган; халқни гуруҳларга бўлиб бошқаришни жорий қилган; маслаҳатлашиб бошқариш асосида бошқарув девонини жорий қилган¹. Шунингдек, мавзуу ва шу даврга доир ана шундай маълумотларни Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарида ҳам кўплаб учратиш мумкин². Бу маълумотлар раҳбар ахлоқи тизими талабларига асосан: билимлилик ва ақллилик; куч-қудрат ва мулқдорлик, аҳоли ўртасидаги обрў-эътибор; диний қонун ва қоидаларни яхши билиш; ворисийлик хусусиятлари билан боғлиқлигини кўрсатади.

Тарихда бир юртдан иккинчи юртга бориб ҳукмронлик қилган зотларнинг ўша халқ хурматини қозониши, улар орасида яхши ном қолдириши камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳиндистондаги фаолияти бунга ёрқин далиллар. Бу буюк сиё-

¹ Қаранг: Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. -Т.: Чўлпон, 1994. -Б. 36-39, 83-203.

² Қаранг: Абулғозий. Шажараи турк. -Т.: Чўлпон, 1992. -Б.192.

сатдонлар ва тарихчилар томонидан кўп марталаб эътироф этилган ҳақиқат. Ҳўш, Бобурнинг бундай юксак эътирофга сазовор бўлишининг бош омили нимада эди? У ҳинд халқи учун қандай хизматлар қилганки, Ҳиндистонда бу улуг суололанинг номи бугунги қунгача юксак эҳтиром билан тилга олинади? Бизнингча, бунинг сабабларини қуидагича изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, Бобур ва унинг авлодлари минбаъд Ҳиндистонни талаш ва унинг бойликларини ташиб кетиш мақсадида бўлмаганлар. Аксинча, Бобурийлар суололаси ҳукмронлик қилган қарийб уч ярим асрлик вақт мобайнида бу юртда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Иккинчидан, Бобур ҳинд халқининг миллий урф-одатлари, эътиқоди ва маданиятини ҳурмат қилган. Зинҳорбазинҳор уларга нописандлик билан қарамаган. Фарзандларини ҳам шу руҳда тарбия қилган. Учинчидан, Бобур ва унинг авлодлари салтанатни бошқаришда боболари Амир Темур кабиadolat тамойилларига тўла амал қилишган. Зеро, ҳар қандай мамлакат сиёсатиadolatга асослангандагина халқининг эҳтиромига сазовор бўлади.

Тўртингчидан, Бобур мамлакатни идора қилишда улуг аждодларининг, хусусан, Амир Темурнинг бошқарув услубидан ўrnak олган. Аждодларига ҳам шундай иш юритмоқни насиҳат қилган. Албатта, салтанат бошқарувида улуг аждодлар тажрибаларига суюниш, уларнинг қилган ишларидан ибрат олиш яхши натижаларга олиб келган. Бу эса бобурийлар салтанатининг бардавомлигини таъминлаган¹.

Шу даврнинг буюк намояндалардан бири Алишер Навоидир. Унинг асаллари жамият бошқарувининг ахлоқий негизларига боғлиқ бўлган улкан илмий-маърифий меросга асос согланлиги билан аҳамиятлидир. Масалан,

¹ Қаранг. Жабборов Н. Захириддин Мухаммад Бобур: Бори элга яхшилиғ қилгин. // Ишонч, 1999. 13 февраль.

Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида ўз идеалидаги ҳукмдор образини яратар экан, раҳбар шахс учун зарур бўлган қатор хусусиятларни келтиради¹. “Ҳайратул-аброр” асарида ҳукмдор ва раҳбарларга хос бир қанча хусусиятларни танқид остига олса², “Маҳбуб ул-кулуб” асарида подшолар, беклар, ноиблар, вазирлар, садр (мансабдор)лар, ҳарбийлар, шайхулислом, қози, факиҳлар тўғрисидаги тавсифий-танқидий мулоҳазаларини баён қиласди³. Мутафаккир “Тарихи мулуки ажам” асарида тарихда яшаб ўтган ҳукмдорлар, давлат арбобларининг ижтимоий фаолиятидаги ижобий ёки салбий сифатлар, иш юритиш услублари ва шахсий раҳбарлик фазилатлари, эзгу ёки ёвуз ишларини таҳлил этса⁴, “Муншаот”да ўз бошидан кечирган ва ўз тажрибасида бевосита қузатган ишлари мисолида ахлоққа оид қатор мулоҳазаларини баён этган⁵. Ёки Зайниддин Восифийнинг хабар беришича, вазир Алишер Навоий мансабдор шахсларни танлашда уларнинг ахлоқига жуда катта эътибор берган. Восифий Навоий томонидан танланган Шайх Баҳлул, Соҳибдоро, Ҳофиз Фиёсиддин Дехдор каби бир қатор шахсларнинг танланиш жараёнлари ҳақида ёзиб қолдирган⁶.

¹ Қаранг: Алишер Навоий. Садди Искандарий.—Т.:Faфур Фулом нашриёти, 1991. —Б.832

² Қаранг: Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр.—Т.: Faфур Фулом нашриёти, 1989. —Б.352.

³ Қаранг: Алишер Навоий. Маҳбуб ул-кулуб.—Т.: Faфур Фулом нашриёти, 1983. —Б.112.

⁴ Қаранг: Алишер Навоий. Тарихи мулуки Ажам.—Т.: Faфур Фулом нашриёти, 1967. 14-жилд. —Б. 183-238.

⁵ Қаранг: Алишер Навоий. Муншаот.—Т.: Faфур Фулом нашриёти, 1966. 13-жилд.—Б. 85-156.; Шарафутдинов Олим. Алишер Навоий. —Т.:Ўзбекистон КП МК Бирлашган нашриёти, 1967. —Б.80.

⁶ Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъул вақоеъ (Нодир воқеалар). —Т.: Faфур Фулом нашриёти, 1979. —Б.91-94, 111-113.

Алишер Навоийнинг сиёсий қарашлари «Хамса», «Маҳбуб ул-қулуб», «Зубдат ут-таворих», «Садди Искандарий» каби асарларида давлат сиёсатининг ахлоқий мезонлари ёрқин ифодаси сифатида намоён бўлади. Навоий асарларида, аввало, одил хукмдор фаолияти ва у юритаётган ахлоқий сиёсат асосида фаровон жамият қуриш мумкинлиги таъқидланиб,adolatsizlik ва зулм давлатни таназзулга, жамиятни жаҳолатга олиб келиши тўғрисидаги қарашлар ўз ифодасини топган. У мутафаккир подшо атрофидагилар хусусида тўхталиб, эътиборли, нуфузли, маърифатли инсонларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини жамият равнақини таъминлайдиган омил деб қарайди. Унинг сиёсий қарашлари асосиниadolat, инсоф, диёнат, меҳр-оқибат каби эзгу амаллар белгилайди. Яъни давлат бошқарувининг барча тузилмаларидаadolatli тартиб бўлиши, табақалар, гурӯҳлар манфаати ифодаси, шоҳ ва халқ ўртасидаги муносабатлар ахлоқий меъёрларга асосланиши ва шу меъёрларнинг таъминланиши тўғрисидаги мухим фикрмуюҳазалар баёнини беради¹.

Жумладан, у: «...давлат иши билан машғул бўлган амалдорлик чоғларимда кўнгил мулкини турли одамларнинг хужуми булғалади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва хукумат маҳкамасида халқнинг арз-додини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим», -дейди².

Алишер Навоийadolat тўғрисидаги қарашларида инсоннинг ахлоқий тарбияси билан боғлик ижтимоий иллатларнинг моҳиятини излайди. Жамиятда ёвузликининг келиб чиқиши сабабларини таҳлил этади. Адолатли

¹ Қаранг: Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. -Т.: Faafur Fулом нашриёти, 1983. -Б.11.

² Ўша асар. -Б.12.

жамиятта эришишда нафақат подшоҳ одиллиги, балки фуқаролар ўртасидаги муносабатлар ахлоқий бўлиши лозимлигига эътибор қаратади. «Оlamда бўлмиш ҳар навъ одам билан кўришдим; катта-кичикнинг феълу атвори-ни ўргандим; яхши-ёмоннинг хислатларини тажриба-дан ўтказдим; яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини ичиб, заҳрини тотиб кўрдим. Бахил ва пасткашларнинг заҳмини, саховатли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезадиган бўлиб қолди», — дейди у¹. А.Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида турли тоифадаги одамларнинг феъл-атвори ва аҳволи, яхши феъл хосияти ва ёмон хислат касофати ҳақидаги қараашлари асосида жамият ижтимоий муносабатларининг яхлит назарий тизими: «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ахлоқий мажбуриятларни умумлаштиришга эришади.

Навоийнинг замондоши Ҳусайн Воиз Кошифий ўз даврининг етук ва фозил кишиси бўлиб, риёзиёт, фала-киёт, ахлоқшунослик, фалсафа, тарих, адабиёт, таълим-тарбия, наср ва назм соҳаларида ижод қилган йирик олимдир. Кошифийнинг бугунга қадар етиб келган «Ахлоқи Муҳсиний», «Рисолаи Ҳотамия», «Анвори Суҳайлий», «Футувватномаи Султоний», «Тавсири Ҳусайний», «Жавоҳирнома», «Кимёи Саодат» каби асарларида ижтимоий-сиёсий, таълим-тарбиявий мавзулар билан боғлиқ ахлоқий гоялар илгари сурилади.

Давлат бошқаруви ва раҳбар фазилатлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий-ахлоқий масалаларни Кошифий ўзининг «Ахлоқи Муҳсиний» асарида атрофлича баён қиласиди. У давлатни бошқаришда сиёсатдан фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлайди. Сиёсат адолатли бўлса, мамлакат, жамият ривож топади, ҳалқ фаровон яшайди

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. -Т.:Faфур Ғулом нашриёти, 1983. -Б.13.

ва бунда сиёсатни одил подшоҳлар адолат билан бошқаришлари лозимлигини уқтириб ўтади¹.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўрта асрлардаги давлат арбоблари ва давлат бошқаруви ахлоқи билан боғлиқ бўлган, давлат мансабларига доир қоидалар ва қадриятларга оид қарашлар Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг “Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний”, “Ахлоқи Муҳсиний”, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъул вақоеъ” каби, Абу Райҳон Берунийнинг “Жавоҳирнома”, Абу Ҳомид Фаззолийнинг “Насихат ул-мулук”, Муҳаммад Авфийнинг “Жомиъ ул-ҳикоёт”, Фахриддин Али Кошифийнинг “Латоиф ат-тавоиф”, Мажидийнинг “Зийнат ул-мажолис”, Муҳаммад Солиҳининг “Шайбонийнома”, Қози Аҳмад Faффорийнинг “Нигористон”, Поншоҳжанинг “Мифтоҳ ул-адл”, Мирхонднинг “Равзат уссафо”, Ҳондамирнинг “Дастур ул-вузаро”, “Хулосат ул-ахбор” каби асарларида ҳам ўз аксини топган².

Шу даврнинг яна бир ахлоқшунос олими Жалолиддин Давонийдир (1427-1502). У Арасту, Афлотун, Форобий, Ибн Сино, Насриддин Тусийнинг асарларини қунт билан ўрганган ва ўзи ҳам шу йуналишда катта мерос қолдиради. Жумладан, фалсафа, мантиқ, фикҳ, ахлоқ-

¹ Қаранг: Маҳмудов Р. Маънавият юлдузлари. -Т.: Халқ мероси нашриёти. 1999. -Б.227.

² Қаранг: Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти / К.Матёкубов тарж.. -Т.: O‘zbekiston, 2006. -Б.384; Ҳусайн Воизи Кошифий. Футувватномаи султоний. Ахлоқи Муҳсиний. -Д.: Адид, 1991. -Б.320; Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Т.: Юлдузча, 1989. -368 б.; Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоеъ. -Т.: Faфур Fулом нашриёти, 1979. -214 б.; Аждодлар ўгити. -Т.: Чўлпон, 1991. -240 б.; Навоий замондошлари хотирасида. -Т.: Faфур Fулом нашриёти, 1985. -Б. 21-151.

шунослик, риёзиёт ва геометрия соҳалари бўйича рисолалар ёзган. Бугунги кунда унинг «Рисолайи исботи воғиб», («Заруриятнинг исботи ҳақидаги рисола»), «Рисолат ул-хуруф» («Ҳарфлар ҳақида рисола»), «Рисолайи фи тавжих ул-ташбих» («Мажоз талқини ҳақида рисола»), «Рисола дар илм ул-нафс» («Руҳшунослик ҳақида рисола»), «Тариқати тарбия ул-авлод» («Болаларни тарбиялаш усули»), «Арзнома» («Сипоҳларни бошқариш таъмийиллари») шулар жумласидан. Давонийнинг энг йирик рисоласи «Ахлоқи жалолий»да муҳим ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий foялар илгари сурилган. Унда жамиятнинг пайдо бўлиши, ижтимоий табақалар, давлат ва уни бошқариш йўллари, адолатли ва адолатсиз подшоҳлар, уларнинг фуқароларга муносабати, ахлоқ ва таълим-тарбия масалалари тўғрисидаги қарашлар илгари сурилади¹.

XVII асрда яшаб давлатчилик назариётига улкан ҳисса қўшган олим Ҳожа Самандар Термизийдир. Бугунги кунда унинг давлат бошқаруви таълимотида мөҳият-мазмуни билан ахлоқий асосларни уйғунлаштирган «Дастур ул-мулук» асари машҳур асарлардан бири ҳисобланади. Асар сиёsat юритиш ва унинг ахлоқий хислатларига бағищланган йигирма бир фаслни ўз ичига олади. Жўмладан, «Адолат ҳақидаги» фаслида шундай тавсиялар берилади: «Азизим, ҳамма вақт мамлакат аҳволи ва ҳалқ фаровонлиги учун зурур бўлган нарсаларни бунёд этиш йўлида саъй-ҳаракат қилган, тиниб-тинчимаган ва бундай одатни ҳамиша ўз хотири саҳифаларига нақш этиб, марҳамат майдонида ҳалқ бошига шафқат ва меҳрибонлик байробини жилвалантириб, баланд кўтарган подшоҳгина ўз вазифасини адо этган бўлади»².

¹ Маҳмудов Р. Маънавият юлдузлари. -Т.: Ҳалқ мероси нашриёти. 1999. -Б.22.

² Термизий Ҳожа Самандар. Дастур ул-мулк. -Т.: Faфур Гулом нашриёти. 1997. Б-63.

Асарда Хожа Самандар Термизий давлат мансабдори учун шарт бўлган ҳар бир сифат ва хусусиятни алоҳида фаслда баён қилиб, уларнинг мазмун-моҳиятини турли мисоллар ва ҳикматлар воситасида очиб беришга ҳаракат қиласида. Асадан жой олган давлат бошқаруви тизими мансаблари ахлоқига доир қоидалар ва тамоиллар бир-бири билан узвий боғлиқликда, мантиқий кетма-кетликда ва аҳамияти даражаларига қараб тартиблаштирилгани билан ажралиб туради¹. «Дастур ул-мулук»да шу тартибда барча давлат хизматчиларининг ахлоқий таснифлари берилган.

Умуман, XVII асрдан то XX асрнинг биринчи чорагигача бўлган даврда давлат бошқарувига мансабдорлар танлашта доир маълумотларни ана шу даврда яшаган баъзи шоирлар, давлат, илм-фан арбоблари нинг асарларида, шунингдек, тарихнавислик жанридаги китоблар ва бошқа танқидий-тавсифий асарларда учратиш мумкин. Жўумладан, Маҳмуд Ибн Валининг “Баҳр ул-асрор фи маноқиб ул-ахёр” (“Олижаноб кишиларнинг шон-шавкати ҳақида сирлар дентизи”), Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома”, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний”, Абулгозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк”, Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулук”, Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Муҳит ут-таворих”, Муҳаммад Вафо Карманагийнинг “Тухфат ул-хоний”, Сайид Ҳомид Тўра Комёбнинг “Таворих ул-хавонин”, Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг “Шажарайи Хоразмшоҳий”, Мулло Юнусжон Муншийнинг “Амир лашкар Алим-қул тарихи”² асарларида давлат ва жамият бошқару-

¹ Қаранг: Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук. -Т.:Faafur Fулом нашриёти, 1997. -272 б.

² Қаранг: Абулгозий. Шажараи турк. -Т.: Чўлпон, 1992. -192 б; Сайид Ҳомид Тўра Комёб. Таворих ул-хавонин. -Т.: Академия,

ви, мансабдорлик ахлоқий тизимлари хусусида кенг ва штрафлича фикр юритилган.

Энг муҳими, бу борадаги илмий ворисийлик анъана сифатида ривожлантириб келинган. Хулоса қилиш мумкинки, Шарқ мутафаккирлари томонидан яратилган илмий мерос давлатчилик маданиятизмнинг улкан захирага эга йўланлигидан далолат беради. Аммо бутунги кунда ушбу меросни сиёсий фалсафа тарихи нуқтаи назаридан ўрганиш, илмий амалиётта олиб чиқиш бироз орқада қолмоқда.

Ушбу таҳлиллардан мақсад миллий давлатчилик тарихимизни таназзулга тортган сиёсий курашлар ва узаро ихтилофларнинг сабабларини ўрганиш билан бирга, унда «инсон — жамият — давлат» ўртасидаги мунносабатларнинг ахлоқий даражасини таҳлил қилиш, жамиятда раҳбар шахснинг ўрни, шунингдек, янги давлатчилигимизнинг ўзига хос хусусиятларини миллий мерос анъаналари негизида уйғунлаштиришдан иборат. Айнан шу жиҳатдан ҳар бир даврнинг улкан ижодкорлари меросини ўрганмасдан, у ёки бу даврга оид ижтимоий тизим ахлоқига фалсафий ва сиёсий жиҳатдан объектив баҳо бериш қийин.

Мазкур давр ижодкорлари ва уларнинг мероси XVI-XIX асрларда Ўрта Осиё тарихида давлат ва жамият бошқарувининг қай даражада ахлоқий меъёрларга асослангани, унда ижтимоий зиддиятларнинг келиб чиқини сабаблари, маърифатсизлик оқибатида миллатнинг мустамлакачилик асоратида қолишини ўрганишда муҳим аҳамият қасб этади.

Бу давр ўзбек халқи миллий руҳиятининг ўсишини сустлаштируди, ўлканинг ҳар жиҳатдан орқада қолиб

2002.-116 б.; Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. - Т.:Faafur Fулом нашриёти, 1994. -104 б.; Мулло Юнусжон Мунший. Амир лашкар Алимқул тарихи. -Т.: Мафтун, 1997. -66 б.

кетишига олиб келди, кишиларимизда норасолик, кемтиклиқ, ўз миллати ва миллий тилига нисбатан бефарқлик хис-туйгулари халқимизнинг онгига, турмуш тарзига, фикр юритиш ва саъй-ҳаракатларининг миқёси ҳамда суръатларига чуқур салбий таъсир кўрсатишига сабаб бўлди¹. Натижада шариат ва миллий ахлоқнинг заифлашуви, хонларнинг нафс ва ҳирсга берилиши, мунофиклиги, риёкорлик, хоинлик, товламачилик каби ахлоқсиз иллатларнинг жамият ижтимоий турмушига кириб келиши юз берди.

Мустакиллик ҳар бир миллат, халқнинг орзу-умиди бўлиб, Ватанни ҳимоя қилиш ва унинг тупрогини муқаддас билиш энг олий қадриятдир. Миллат факат мустакил Ватандагина ҳақиқий эркин ва озод бўлиши мумкин. “Ватан” тушунчаси маънавий-ахлоқий қадрият эканлигидан ташқари, у инсоннинг моддий-маънавий хоҳиш ва истакларини ҳам қондирувчи макон. Чунки миллат айнан ана шу маконда юксалади ҳамда камолу вояга етади. Президент И.А.Каримов асарларида таъкидланишича, замонавий раҳбарларга хос қўйидаги маънавий ва ахлоқий фазилатларни ҳар бир раҳбар ва бўлажак раҳбарларда мавжудлигини текшириб бориш шарти амалий фаолиятдаги раҳбарлар учун кундалик вазифа бўлиб қолгандагина яқин бир неча йиллар ичида бошқарув кадрларида ва демакки, тараққиётда юксак натижаларга эришиш мумкин: иймонлилик, виждонлилик, инсофлилик, руҳан уйгоклик, билимдонлик, ўзини халқча бағищлаганлик, камтаринлик, талабчанлик, дардга малҳамлик, одамлар кўнглини билиш, она тилига фидойилик, зиёлилик, покизалик, сўз ва иш бирлиги, шахсий фарогатдан воз кечадан олиш, ижтимоий начорларни ҳимоя

¹ Қаранг: Мустакиллик изоҳли илмий-оммабоп лугат. -Т.: Шарқ 1998. -Б.135.

қилиш, оқиллик, қатъиятлилик, жиiddийлик, укувлилік, хүшёрлик, одиллик, қонунийлик, сергайратлик, копини жабборга бериб ишлаш, бунёдкорлик, ишбинармонлик, вақтни қадрлай билаш, ваъдага вафодорлик, интизомлилик, масъулиятлилик, ўз устида доимо ишлаш, умуминсоний қадриятларга содиқлик, маънаниятга ҳомийлик, ватанпарварлик, талабчанлик, ҳалоллик, одамларнинг кўнглини ола билиш, янгича фикрлани, ислоҳотларнинг моҳиятини яхши билиш, ҳалқ манфаатлари йўлида кўкрагини қалқон қилиш, излапувчанлик, юртпарварлик, одамларни рағбатлантириш, руҳини кўтариш, ташаббусни кўллаб-куватлаш, ўз камчиликларини ўзи билиш, ўз қобигига ўралиб қолмасликка ҳаракат қилиш, элим деб, юртим деб куйиб-ёниб ишлаш, диёнатлилик, мардлик, гайратлилик, хизмат бурчларига садоқатлилик, сиёсий жиҳатдан бетарафлик, миллий масъулият, фуқаролик масъулияти, матбуотни мунтазам кузатиб бориш, хорижлик ишбилармонлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, четтилларни билиш¹.

Президент асарларида раҳбарларда учрайдиган қўйидаги ахлоққа зид иллатлар кўп тилга олинади: «Олий маълумотли мутахассис албатта маънавиятли бўлади-да» деган эскича қарашдан қутула олиш, жиззакилик, мансабпарастлик, ноҳақлик, хўжакўрсинчилик, заифлик, тогдай ваъдалар бериб, бажармаслик, баднафслик, масъулиятызлик, маҳаллийчилик, уругчилик, одамларнинг бошини қовуштира билмаслик, мансабни суиистеъмол қилиш, яккаҳокимлик, тарафкашлик, маъмурий буйруқбозлик, кадр танлашда шахсий муносабатларга берилиш, тайёрга айёрглик, худбинлик, бокимандалик, тўрачилик, «компания»-

¹ Қаранг: Каримов И.А. Тўла асарлар тўплами. 1-17-жиллар.

чилик, ошна-оғайнигарчилик, фитначилик, сусткашлик, хеч ким билан муносабатни бузмаслика интилиш, ўзи хон — кўланкаси майдонлик, хориж билан алоқа ўрната билмаслик, лоқайдлик, маблагнинг ноқонуний сарфланишига «бош-қош» бўлиш, ношудлик, ислоҳотлар моҳиятини билмаслик, узокни кўра билмаслик, милллий истиқлол мафқурасини англамаслик, енгил табиатлилик, дунёқарашнинг торлиги, итвогарлик, иродасизлик, эски тузумдан кўнгил узмаслик, халқни эмас, ўзини ўйлаш, ичиқоралик, иккюзламачилик, баднафслик, фисқу-фасод тарқатиш, назоратга бўшлиқ, «доҳийлик», бузгунчилик, ходимларни тўғри танлай билмаслик, юрга хиёнат қилиш, ўтган хатолардан хулоса қилмаслик, шаккоклик, бугдойни «чорва молларга бердик» деб ўзлаштириш, мунофиклик, найрангбозлик, мулкка муносабатнинг ўзгармаганлиги, фарзанд тарбиясига эътиборсизлик, раҳбарнинг қонунбузарлиги, шахсга сигиниш, қўшиб ёзиш, бошқарувнинг заифлиги, хушомадгўйлик, ўйинчилик, давлатни алдаб, даромадни яшириш, инсонни тирикликда мақтаб, ўлса тепқилаш, Она-Ватанинн унутиш, халқ ташвишидан бегоналик, гумроҳлик, шамолга қараб туриш, бошқарувни ташлаб қўйиш, тили кисиклик, ташаббусни тўсиш, гурухбозлик, ватандошлар орасига низо солиш, ўгрилик, раҳбарларнинг бирбирини пойлаши, қингирлик, ўз вазифа, масъулиятини аниқ билмаслик, олимлар маслаҳатини олмаслик, халқнинг назаридан қолганлик, бедастурлик, мутеълик, журъатсизлик, раҳбар кадрлар кўнимсизлиги, раҳбарнинг ихтисос бўйича билимининг пастлиги, кадрларни нотўғри танлаш, қасамёдни жигилдонга уриб юбориш, бюрократлик, сансоларлик, қўрқитиб пора олиш, халқдан ажralиб қолганлик, мансаб маст-

лиги, эскича фикрлаш, потўгри ҳисобот бериш, эскича ишлашга мойиллик, мансаб курсисидан айрилиб қолишдан чўчиш, таниш-билишчилик, коррупциялаштилик, шахсий садоқат устуворлиги, ўтмиш андозаларидан қутулмаганлик¹.

Ҳозирги вактда қайси соҳада фаолият кўрсатаётган бўлишидан қатъи назар, ҳар бир раҳбар ўзбек жамияти бундан 15-20 йил илгариги жамият эмаслигини яхши инглайди. Буни кўрмаётган ёки тушунишга ҳаракат қилимаётган ва раҳбар сифатида бу интилишларни тўғри баҳолаб, йўлга сола олмаётган ҳар қандай раҳбар бугунги кунда, биринчидан, талаб ва эҳтиёжларга имконият бермаётган шахс сифатида халқнинг норозилигига учрамоқда, иккинчидан, энг ёмони, халқни бутун қучқудратини мамлакатни ривожлантиришга йўналтираётган давлат бошқарувига қарама-қарши қилиб қўймокда. Учинчидан эса, бошқарув тизимида мавжуд бундай иллатлар боиқарув ахлоқига доир ижобий анъаналарга ёмон таъсир кўрсатиб, бу борада шаклланган яхлит тасаввурларнинг бузилишига, энг ёмони эса авлодларга ўтиб борувчи бошқарув ахлоқи тамойилларининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Президентимиз буни тараққиётта интилиш йўлидаги «олижаноб майл ва ҳаракатлар ўрта ва юқори бўғинларда, хусусан, мамлакат вазирликлари ва идоралари даражасида ўтирган, тўрачиликни ўзларига қасб этиб олган лоқайд, эскича фикрлайдиган, ўзини хон, кўланкасини майдон ҳисоблайдиган, янгиликка йўл бермайдиган ношуд кимсаларнинг қаршилигига дуч келмоқда», дея жуда тўғри ифодалаган эди.² Муаммонинг калитини худди мана шу сўзлардан излаш керак. Нега-

¹ Карапт: Каримов И.А. Тўла асарлар тўплами. 1-17-жиллар.

² Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.54.

ки, эндиликда давлат, нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг эркинлашуви, замонавийлашуви, самарадорлиги, ихчамлашуви, айни пайтда, кучайиши ва барқарорлиги давр тараққиётини кўра билиш, ташаббускорлик, билимдонлик, зийраклик, ғайратлилик ва айниқса, адолатлилик каби ахлоқ тамойилларининг раҳбар қадрлар фаолиятида ўз ифодасини топишига боғлиқ бўлиб қолаётир. Чунки тараққиётни халқ амалга оширади, унга бу имкониятни эса раҳбар ва раҳбарият яратиб, ташкил қилиб беради. Бошқарув ахлоқи эса иккаласини боғловчи бўғин ҳисобланади. Ана шу масалада «кўпчилик раҳбарларда масъулият, қатъият ва азму шижаот етишмаётганлигини» Президентимиз афсус билан қайд этиб ўтди.¹ Қатор хатою иллатларга оғиб кетиб, масъулият ва ишончни йўқотган амалдорлар фаолиятларига ҳаётий мисоллар келтиради ҳамда бу ҳолатни бартараф қилиш юксак ахлоқли «давлат ходимларини лавозимга танлаш ва тайинлаш билан боғлиқ» лигини таъкидлайди.²

Дарҳақиқат, бошқарув соҳасини модернизациялаш бугуннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Халқ олдидаги масъулиятни ҳис қилолмаган, ишонч қозона олмаган, келажакни олдиндан кўриб, унга ташаббускорлик билан пешвоз чиқа билмаган, қатъиятсиз, шижаотсиз раҳбарлар даражаларига кўра бошқарувчи бўлганликлари учун ҳам ўз ахлоқий пассивликлари билан билиб-бilmай тараққиётта тўсиқ бўлмасликлари керак. Бунинг учун, энг аввало, қадрлар танлашнинг расмий ҳужжатчилик билан боғлиқ алмисоқдан қолган диплом, меҳнат дафтарчаси, таржимаи ҳол, шахсий варақа, фотосурат, тавсифнома, тавсиянома, йўллан-

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.54.

² Ўша манба. -Б.54.

мә, сұхбат, махфий тавсифнома талаб қилиш каби устарлубни ислоқ қилиш, бу соҳада раҳбар ахлоқи, бошқарув ахлоқи талаблари ва меъёрларини ишлаб чиқиш, уларни номзодни үрганишдаги асосий ҳужжатлардан бирита айлантириш керак. Масалан, Япония, Франция, Германия, Россия каби давлатларда раҳбарлик лавозимларига танлаш эълонлар бериш йўли билан жалб этилган кадрлардан категориялар бўйича бир неча турда босқичма-босқич имтиҳонлар олиш орқали, саралаш асосида амалга оширилади ва бунда ахлоқ талабларига алоҳида аҳамият қаратилади. Францияда ишга муносабатда ахлоқий маданият устунлик қилиши кўриниб туради, Америка ва Хитойда тадбиркорликка ахлоқ тизимининг асосий тамоилиси сифатида кучли эътибор қаратилса, Германияда ташаббускорликка аҳамият берилади. Россияда эса ҳуқуқ ва тартиб-интизомга эътибор кучайтирилган. Булар тақдим этилган ҳужжатлардан ташқари. Албатта, ҳар бир халқ раҳбарияти бошқарув ахлоқини шакллантиришда ўз халқи интилишлари, эҳтиёклари, моддий, маънавий, ижтимоий, миллий гоялари ва манфаатларидан келиб чиқади. Шунинг учун раҳбар ахлоқи бошқарув тизимидан доимий жиддий эътибор талаб қиласи ва унинг ижобий ёки салбий натижаларига раҳбарият жавобгар бўлиб қолади.

Шарқда раҳбарни ҳурмат қилиш, унинг ақлий, табиий, бадиий, маънавий-ахлоқий фазилатларини асослаш, инсонпарварлик, юксак ахлоқий қонун-қоидалари намоён этилган. Универсаллик — қомусийлик, барча нарса билан қизиқиши ушбу давр маданиятининг муҳим томонларидан бири бўлган. Бундай илмий маданият имкониятларидан фойдаланиш давлат қурилиши ва бошқарувининг назарий негизлариниadolat, инсонпарварлик тамоиллари асосида шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий ҳамда назарий асосларини бойитишга хизмат қиласи.

Рахбар киёфасининг ижтимоий-хуқуқий мезонлари

Ахлоқ ва хуқуқнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳамда вазифаси ўртасидаги фарқни тушуниш, нафақат ахлоқ моҳиятини тушуниш, балки ҳозирги замонавий давлат бошқаруви ва ҳокимияти шароитида унинг ишлаш хусусиятларини ҳам тушунишdir.

1. Хуқуқ шахс ва ўзга шахс ўртасидаги, шахс ва жамият орасидаги муносабатларни фақатгина “хуқуқий ҳудуд” шароитида, қачонки ушбу вазиятта мос келувчи қонунлар, меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлганда гина бошқаради. Мувофиқ қонунлар йўқми — хуқуқий тартибга келтириш ҳам йўқ. Агар амалдор инсонларга нисбатан хурматсиз муносабатда бўлса, ўз устида ишламаса, гийбатчиликни хуш кўрса-ю, лекин қонуний далолатномалар, кўрсатмаларни бузмаса, у ҳолда унга ҳеч қандай хуқуқий тазийк ўтказиш мумкин эмас.

Ахлоқ эса жамият фаолиятининг турли соҳаларида шахснинг барча муносабатларини тартибга келтиради. Нимага асосланиб инсон айнан шундай фаолият турини танлаши, фарзандларини қандай тарбия қилиши, хизмат бурчига бўлган муносабати, касбдошлари билан алоқаси, ўз мақсади, унинг қадриятларга бўлган муносабати — буларнинг барчаси жамоат ҳайриҳоҳлигига ёки танқидига учрайди, ҳаммаси “ахлоқий” ёки “ахлоққа зид” бўлган ҳолда ахлоқ — ижтимоий муносабатларни умумий тартибга солувчидир.

Масалан, дунёning кўпгина давлатларида инсон эътиборини тортадиган клонлаш, инсон аъзоларини қўчириб ўтказиш, эвтоназия (тузалмайдиган беморларнинг ўз хоҳиши билан ҳаётдан воз кечишига шифокорларнинг ёрдам бериши) ҳолатларини тартибга солувчи қонунлар ҳали ҳам қабул қилинмаган. Аммо турли жамият-

ларда инсон фаолияти амалда тартибга солинади (аниқ қорида ва шаклларга риоя қилинади), авваламбор, жамоатчилик баҳосига кўра — маъқулланади ёки рад этилади, у ёки бу ахлоқий меъёрлар, тамойилларга асосланган ҳолда тартибга келтирилади.

2. Ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни фақатгина чегараланган ижтимоий маконда эмас, балки чегараланган “ижтимоий” вақт доирасида ҳам тартиблаштиради. Қонун тескари кучга эга эмас, табиийки, у ҳали намоён бўлмаган ижтимоий коллизиялар (талатўплар)даги ахлоқ меъбрларини аниқлаб беролмайди. Ҳуқуқ факат қатъий чегараланган вақт доирасидагина таъсир кўрсата олади, инсонлар орасидаги бугунги муносабатларнигина асослайди. Бундан ташқари, ҳуқуқ ўзининг тартибга солиш имкониятларида доимо бирмунча кечикади. Ижтимоий тажрибада интилиш, вазиятлар ва можароларнинг қандайдир миқдори тўплангандан сўнгтина аниқ тартибга ҳуқуқий бўйсунишга бўлган объектив зарурият туғилади.

Ахлоқий тартибга солиш эса вақтда чегараланмаган. Ахлоқий маъқуллаш ёки қоралашга ўтмишдаги инсонлар, уларнинг қилган ишлари, сиёsat, ташкилотлар ҳам дуч келиши мумкин. Шу билан бирга, ҳукмрон ахлоқий меъёрлар ўзгариши билан ушбу ҳолатларга бериладиган баҳо ҳам ўзгариши. Масалан, совет ҳокимияти даврида хусусий тадбиркорлик нафақат қонунга зид, балки “ахлоққа зид” ва жазога лойиқ фаолият эди. Ҳозир эса бунга муносабат ўзгача — хусусий тадбиркорлик маъқулланиб, унга хайриҳоҳлик билдирилади.

“Ахлоқ” тушунчаси ва унинг жамият ҳаётидаги амалий кўриниши ҳозир яшаётган инсонлар ва келажакда жамият асосини ташкил этувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳам бошқаради. Табиий бойликларни ишлатиш (ҳаммасини ишлатиб юбориш ёки авлодларга ҳам асраб қолиш), оилада фарзандлар тарбиясига муносабат —

фақат ҳозирги авлод муаммосигина эмас, балки улар түгридан-түгри келажак инсонлар билан ҳам боғлиқ.

3. Ҳуқуқ ўзининг тартибга солувчилик вазифасини, биринчи навбатда, мажбурлаш, маъмурий ёки жиноий жа-вобгарликка тортишга таяниб амалга оширади. Инсон рационал савияда мўлжалланаётган хулқ-авторининг “яхши” ва “ёмон” томонлари, ўз ҳаракатининг у ёки бу йўналишини белгилар экан, ўзи учун қонунга бўйсуниш ёки бўйсунмасликни аниқлаб олади. Инсон табиати шундайки, ҳаттоки, мустаҳкам жамиятда ҳам, қонун ҳар доим инсонларнинг жамиятта қарши хулқ-авторига нисбатан жиддий тўсиқ бўла олмайди. Бу давлат хизмати соҳасида тўлиқ намоён бўлиб, қонун ўсиб бораётган коррупция, қатор амалдорларнинг қонунбузарликларини тўхтата олмаяпти.

4. Ахлоқ ўз тартибга солувчилик вазифаларини, авваламбор, анъаналар, урф-одатлар, жамоатчилик фикрига суянган ҳолда амалга оширади. Тараққиётнинг бутун тарихи бундай таянчнинг ўта самарадорлигини исботлайди. Анъаналарга, жамоат фикрига қарши бориш, умум тан олинган ахлоқ меъёрларига қарши бориш гоҳида баъзи меъёрий қонунларни бузишдан ҳам оғир.

Бу ҳуқуқнинг ахлоқдан салмоқли фарқига асосланади.

5. Ҳуқуқ инсонга нисбатан муайян миқдорда бегона феноменdir. Кимdir, қаердадир у ёки бу меъёрий ҳужжатни қабул қиласди ва бу одамга, хизматчи ёки раҳбарга ёқадими ёки йўқми — бажаришга мажбур. Ахлоқ эса инсон хулқ-авторини тартибга солувчи, унинг қилаётган ишлари йўналишини “аниқловчи” сифатида бирон-бир ахлоқий меъёрлар, қадриятлар инсон томонидан қабул қилинсагина, унинг шахсий қадриятларига айлансагина намоён бўлади.

Шахсда ахлоқий меъёрлар, одатлар, қадриятлар қай йўсинда шаклланишини кўриб чиқмаган ҳолда, шуни таъкидлашимиз мумкинки, ўз табиатига кўра, ахлоқ — шахсий, субъектив, руҳий, лекин асло рационал эмас.

Бу унинг ҳам кучли, ҳам заиф томонидир. Ахлоқнинг бу хусусиятини давлат хизматидаги ахлоқий муаммоларни таҳлил қилишда ҳисобга олиш жуда муҳим.

6. Ахлоқий хусусиятларга унинг тартибга солувчи вазифаларини амалга ошириш механизми ҳам киради. Илмий тил билан айтганда, у “баҳоловчи — императив” деб белгиланади.

Ўзбекистонда мустақил давлатчилик асосларини яратиш ва уни ижтимоий турмушда қарор топтириш баробарида давлатта хизмат қилиш жараёнлари ҳам миллий-анъанавий илдизларини тобора кенгайтириб бормоқда. Бу жараёнлар моҳият-мазмунига кўра, мураккаб, серқирра, турли сиёсий институт ва ташкилотлар фаолиятининг уйғунлигини талаб қиласди. Шулардан бири раҳбар кадрларни тайёрлаш ва танлаш вазифаси ҳисобланади. Кадрлар сиёсати барча давлатларда энг муҳим ва муентазам эътибор талаб этадиган масала. Зоро, ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ҳаёти ҳамда ислоҳотлар ривожи раҳбар кадрлари салоҳиятига боғлиқ бўлади. Айниқса, бозор иқтисоди шароитида талаб қилинаётган янги демократик жараёнларни бошқариш республикализм раҳбар кадрлар олдига янги талаблар қўймоқда. Бошқарув усулларида ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини қўллаш, уларни миллий хусусиятлар билан уйғун тарзда такомиллаштириш учун қуидаги вазифаларни бажариш лозим:

биринчидан, бошқарув кадрларига жамият тараққиёти ривожида интеллектуал ресурс сифатида қараш ва уларни миллий бойликнинг муҳим қатлами сифатида ҳимоялаш зарур.

Иккинчидан, инсон ва жамият эҳтиёжларини юксалтиришда кадрлар салоҳияти жамият тараққиёти ривожини белгиловчи муҳим омилга айланган. Бундай ислоҳотнинг ташаббускори барча ҳолларда давлат ҳисоб-

ланади. Шунинг учун кадрлар салоҳиятининг ахлоқий мезонлари сиёсат даражасида белгиланиши лозим. Бу ўз ўрнида давлатнинг кадрлар сиёсатига бўлган муносабати даражасини белгилайди.

Учинчидан, бугун кадрлар салоҳияти ва сифатини ошириш ҳамда унинг таснифларини белгилаш камлик қиласди. Амалда улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий шарт-шароитини яратиш ва татбиқ этиш лозим. Кадрлар сиёсатининг муҳим жиҳати шундаки, у мамлақатнинг ақдий ва ахлоқий салоҳиятини жамият тараққиётига йўналтиришдан иборат.

Шу маънода, демократик жамиятнинг шаклланиши нафақат сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар билан, айни пайтда, тафаккур ўзгаришларига ҳам боғлиқ жараён. Уларнинг уйғунлигига эришилганда гина тараққиёт ривожини тезлаштириш имкони туғилади. Бундай уйғунликни таъминловчи асосий омил эса юксак малакали, ахлоқий жиҳатдан етук кадрларнинг жамият бошқарувига келишида ўз аксини топади. Биз назарда тутаётган уйғунлик, аввало, жамиятда амалга оширилаётган сиёсий тизимнинг нечоғлик даражада адолатли, изчил ва халқчил исфодаси билан боғлиқ. Колаверса, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш — эскилилк билан янгилик ўртасидаги кураш, аниқроғи, ўзгарган, аммо янги манфаатлар тўқнашуви ҳамdir.

Дунё тажрибасида кадрлар сиёсатини амалга оширишнинг уч хил модели мавжуд. Булар марказлашган, қисман марказлашган ва аксилимарказлашган либерал моделлардир.

Марказлашган модель — кадрлар сиёсати ва давлат фаолиятининг тоталитар-авторитар модели ҳисобланади. Кадрлар фаолиятини партиявий монополияга айлантирган собиқ Совет тузуми бунга мисол бўла олади. Таж-

риба шуни күрсатдикі, давлат бошқаруви ва кадрлар фаолиятini ҳаддан ортиқ марказлаштириш давлат ҳамда жамиятта катта зиён етказади, уни ривожланиш ва амалийлигидан маҳрум қиласы.

Қисман марказлашган модель — бундай модель кадрлар сиёсатини маъмурий асосда бошқаришдан фарқли улароқ, кадрлар жараёнини жамиятдаги демократик ислоҳотларга ҳамоҳанг равишида йўналтиради, тартибга солади¹. Республикаизда ислоҳотларни давлат ва халқ манфаати йўлида изчиллик билан амалга ошириш, иктидорли, изланувчан, замонавий билимга эга, Ватанга садоқатли, ёшларга кенг йўл очиб бериш бирламчи вазифалар қаторига кириб келмоқда. Айни пайтда, ижтимоий муаммоларни еча оладиган, аввало, уни теран англайдиган, ислоҳотлар жараёнида жонқуярлик қила оладиган, маънавий-ахлоқий барқамол, қодир шахсларни бошқарув бўғинларига кўпроқ жалб этиш асосий ва бош масала сифатида қаралмоқда.

Аксилмарказлашган либерал модель — бу таълимотга мувофиқ давлатта жамият бошқаруви борасида маълум хизматларни амалга оширувчи социал институтлардан бири сифатида қаралади. Ҳали фуқаролик жамияти ривожланиш жараёнида бўлган давлатларда бундай модель мутлақо тўғри келмайди. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳатто, ривожланган мамлакатларда ҳам агар давлат жамият бошқаруви учун масъулиятни зиммасига олмаса, (айниқса, кадрлар борасида) унда ижтимоий бекарорлик муаммоларининг келиб чикиш вазияти кўчайиб боради.

Шундай экан, бугун мавжуд муаммоларни ҳал этишда замон талабларига жавоб берувчи бошқарув идора усуллари қандай сиёсий-хуқуқий воситалар асосида шакл-

¹ Черепанов В.В. Основы государственной службы и кадровой политики. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2008. –С.356.

ланмоғи лозим? Бир бошқарув тизимидан иккинчи бир бошқарув тизимиға ўтиш қандай муаммоларни келтириб чиқармокда? Бошқарув кадрлари ахлоқий-касбий салоҳиятининг ўлчов мезонлари қандай ва қандай назарий услублар негизида ташкил этилиши лозим?

Мазкур муаммоларни ўрганишда дастлаб раҳбар кадрларнинг турли ахлоқий-руҳий даражадаги ҳолатини таҳлил этиш тақозо этилади. Ислом Каримов раҳбар кадрларни бир қанча тоифага ажратиб, уларнинг маънавий қиёфасини очиб беради: «**Биринчи тоифа — иймонсиз, виждонсиз шахслар, фурсатдан фойдаланиб, ўз манфаатини кўзлайдиган кимсалар. Уларга Ватан, мустақиллик туйгуси, эл-юртнинг ғами бегона. Улар фақат ўз чўнтагини ўйлайди. Иккинчи тоифага иродасиз, мўрт, бўшанг одамлар киради. Бундайлар шамол қаёқдан эсишини пойлаб туради. Ўз фикрига эга эмас. Бирон-бир оғир юмушни зиммасига олишдан, масъулиятдан қочади. Булар ҳар қандай одам билан ҳар қандай тузумда ишлайверади.**

Учинчи тоифадагилар — юрагида ўти бор, сергайрат одамлар, ёшлар, фидойи ватанпарварлар. Биз ишимизда мана шу кейинги тоифага таянмоқчимиз»¹.

Мазкур хуносалардан келиб чиқсан ҳолда тадқиқотимизни шартли равишда янгича бошқарувни англаган ва ўзлаштира олган, янгича бошқарувга мослашган ижрочи раҳбар кадрлар таснифининг ижтимоий хусусиятларини очишга бағищлаймиз. Яъни мавжуд бошқарув кадрлар захирасининг ахлоқий ва ижтимоий-психологик ҳолатини таҳлил қиласиз.

Бошқарувни англаган ва ўзлаштира олган раҳбарлар табиатан эътиқодли, фидойи, билимли, янгиликка чанқоқ, изланувчан ва яратувчилик сифатларига эга бўлади-

¹ Каримов И.А. Истиқбол ва маънавият. –Т.: Ўзбекистон, 1994. –Б.185.

лар. Раҳбарлик шу тоифадаги кишилар учун ўз имкониятларини амалга ошириш воситаси ҳисобланади. Улар ўз фаолиятларида қанчалик кўп бунёдкорлик билан машғул бўлсалар, ундан шунчалик кўп озуқа оладилар. Бундай шахслар ориятли, қатъиятли, ўзгалар дардини ичидан ҳис қилиб уларга ҳамдард бўла оладиган ва саковатлилиги билан ажралиб турадиган инсонлардир. Интизом ва тартибга алоҳида эътиборда бўлиб, файри-ахлоқий муносабатларни хуш кўрмайдилар. Бундай раҳбарлар, айни пайтда, ички, яширин ихтилофларни ёқтирмайдилар, уни тез бартараф этиш қудратига, муаммоларни чуқур англаш ва уни ҳал этиш салоҳиятига эга бўладилар. Ушбу тоифадаги раҳбар кадрлар муайян бир гуруҳларга қўшилмайди. Ўз ракибларига муросасиз муносабатда бўлиб, фаолиятидаги тўсиқларни енгиб ўтиш улар учун ҳаётий мухим масала ҳисобланади. Баъзан вазминлик ўрнида ўжарлик, камтарлик ўрнида манманлик қилишлари ҳам мумкин, аммо вазифаларини ўзларидан устун қўймайдилар. Тобелик ёки мутеликни ўз табиатларига сингдира олмайдилар. Фавқулодда ўзгарувчан, баъзан ўз манфаатларини ҳам инкор этувчи бўладилар. Бу тоифадаги одамлар икки гурухга бўлинади. Биринчи тоифадагилар ўжар, тажанг бўлса, иккичи тоифадагилар мулоҳазали ва андишли бўладилар. Айни пайтда, улар бир-бирларини тўлдирадилар ва маънавий жиҳатдан ҳамнафас бўладилар.

Янгича бошқарувга мослашган ёки андоза олган раҳбарлар эътиқоди заиф, аммо билимли, зукко, янгилик ёки сиёсий воқеликни тез англовчи, ўта эҳтиёткор бўладилар. Мавжуд воқеликка мослашадилар, баъзан уни такомиллаштирадилар ҳам. Улар ўз фаолиятларида сиёсий хушёр, босик, сабр-тоқатли бўлиб, шижоат, ташаббус ўрнида турғунликни афзал кўрадилар, яратув-

чилик ёки бунёдкорликни мақсад қилмайдилар. Айрим ҳолларда, вазият ўзи учун қалтис ёки хавфли бўлмаса, ташаббус кўрсатишлари ҳам мумкин. Бундай ҳолатдан маҳорат билан фойдалана оладилар. Бу тоифадаги одамлар ўзаро муносабатларида мулоҳазали, маданиятли, баъзан яхши таассурот қолдирадиган ҳозиржавоб, ҳожатбарор, маҳоратли ижрочи бўладилар. Бундай ижобий сифатлари билан мансаб пиллапояларида кўтарилиб ёки мустаҳкамланиб борадилар. Табиий хусусиятларига кўра, бу тоифадаги кишилар ҳам икки гурухга бўлинади. Яъни, биринчи гуруҳдагилар анча беандиша, зуғум ва зуравонлик қилишга мойил, ўз мақсадларига эришиш учун ҳар қандай воситаларни ишлатишга қодир бўладилар. Иккинчи тоифадагилар эса, шу сифатлари билан анча маърифийдирлар.

Янгича бошқарувни англамаган ижрочи раҳбарлар маънавий ва маърифий жихатдан анча саёз кишилар ҳисобланиб, бўйсунувчан, эргашувчан, иродасизлиги туфайли масъул кишилар ёки гуруҳлар манфаати йўлида хизмат қилиб, ўз эҳтиёжларини таъминлаб турадилар. Бу тоифадаги кишилар қуий ёки ижрочи бошқарувларнинг барча бўғинларида «керакли ва ишончли одам» сифатида фаолият кўрсатади. Чунки улар ўз фикрлари ёки нуқтаи назарларига эга бўлмайди. Баъзан тасоди-фан ёки маълум гуруҳ манфаати учун мустақил даражадаги раҳбарлик лавозимларига тайинланиши ҳам мумкин. Юқорида таъкидланганидек, улар индивидуал алоҳида шахсий сифат ёки қобилиятга эга эмас. Ўзига хос фаолиятларини мавжуд шароитта мослаштиради ёки андоза олиб таҳлид билан ҳаракат қиласи. Шу сабабдан, бу тоифадаги кишиларнинг бошқа гуруҳлари бўлмайди. Энг салбий жихатлари шундан иборатки, улар ҳар қандай қабиҳ, фирром, ахлоқсиз ишлар билан иккиланмасдан шуғулланади. Бундай раҳбар кишилар жамият

манфаатларини уйғунлашишига эмас, аксинча тарқоқлашишига сабабчи бўладилар. Бошқарув раҳбарлик бўғинларининг шу тоифадаги кишилар қўлида бўлиши ижтиёмий вазиятнинг издан чиқишига, ўзаро ихтилоф ва низоларнинг кучайишига сабаб бўлади.

Таснифланган тоифадаги раҳбар кадрларнинг ахлоқий хусусиятлари универсал қўринишга эга. Бу қўринишдаги хусусиятлар жамиятда демократик қадриятлар ва бозор иқтисодининг асослари тобора кириб бориши билан камайиб, ижобийликка қараб бораверади. Чунки жамиятда рақобатнинг кучайиши, мулк шаклларининг хусусийлашуви янги маърифий талабларни қўяди. Натижада раҳбарнинг салоҳияти ва ахлоқий сифатлари жамият бошқарувининг устувор талабларига айланади.

Раҳбарлик бўғинларида кадрларнинг ахлоқий сифатларини ҳисобга олиш ёки аниқлаш нисбий ва мураккаб ёндашув, аммо муҳим жиҳат ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам ушбу йўналишдаги илмий изланишларни кенгайтириш, унинг механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Чунки раҳбар имтиёзларини кенгайтириш ҳали муаммо ҳал бўлди, дегани эмас. Бу жамиятдаги қатор ижтиёмий омилларнинг уйғунлигига эришиш билан боғлиқ масала ҳисобланади. Аммо жамиятда шундай қатлам бўладики, уларнинг имтиёзлари бевосита Ватан, ҳалқ, тақдиди билан уйғун келади. Кадрлар сиёсатининг моҳият-мазмуни ана шундай қатламнинг жамият ва давлат бошқарувига келишини таъминлашдан иборат.

Масаланинг ахлоқий жиҳатлари билан бирга унинг ижтиёмий ва сиёсий хусусиятларига ҳам тўхталиб ўтиш муҳим. Жумладан, ҳар қайси даврда ҳокимиятга интилиш, унинг воситаларига эга бўлиш истаги сақланиб қолади. Бош масала мана шу интилиш ва истакларнинг қай даражада ахлоқийлиги ва қонунийлигидадир. Жамиятда ҳокимиятга интилиш ошкора, аниқ белгилаб қўйилган мезон-

лар ва талаблар асосига қурилмас экан, унга эришишнинг ноаҳлоқий, хуфиёна кўринишлари сақланиб қолади. Давлат тизими асосларига катта заар етказувчи тўрачилик, таъмагирлик, коррупция, порахўрлик каби иллатлар кучайиб боради. Шу ўринда рус олими П.Сорокининг «Одам эгаллаб турган лавозимига қанчалик номуносиб бўлса, у шунчалик даражада жамиятни муваффакият билан емиришга қодир», деган фикрлари кадрлар сиёсатининг мамлакат ҳаёти учун нақадар долзарб эканлиги тўғрисидаги қарашларимизни тасдиқлайди.

Бугунги ўтиш даврининг ўз талаблари ва имкониятлари мавжуд Республикаиз иқтисодини мустаҳкамлаш, жамият барқарорлигини таъминлаш каби устувор вазифаларни амалга оширишда ҳар бир раҳбар кадрдан юксак эътиқод, фидойилик ва садоқат талаб қилинади. Қолаверса, мавжуд ўткинчи иқтисодий қийинчилик даврида бирор раҳбарнинг ўз вазифасини суиистеъмол қилишига йўл берилмайди. Аксинча, жамият ва давлат бошқарувининг асосларини мустаҳкамлаш масъулиятини юклайди.

Шу ўринда раҳбар кадрлар салоҳиятини аниқловчи ва белгиловчи механизмларни бошқарувнинг турли соҳа ва хусусиятларига мувофиқлаштирган ҳолда амалда жорий этишимиз зарурлиги кўриниб турибди. «...Давлат хизматчисининг ахлоқи нафақат унинг муваффакиятларига, балки давлатнинг обрўсига ҳам кучли таъсир қиласи»¹, дейди А. Бегматов. Афсуски, мамлакатимизда ютуқлар баробарида давлат бошқарувидаги раҳбар ходимларнинг турли даражада ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолатлари учраб турибди. Мавжуд иллатларнинг ижтимоий сабабларини аниқлаш, уларни келтириб чиқараётган омилларни таҳлил этиш давлат

¹ Бегматов. А. Давлат хизмати одоби. // Жамият ва бошқарув. 2004. З. -Б. 8.

ва жамият бошқарувининг айрим заиф томонларини ойдинлаштиришга ёрдам берган бўлур эди. Давлат бошқаруви муентазам равишда таҳлил этиб борилиши ва унинг фаолият натижалари тегишли хулосалар билан мустаҳкамланиши лозим. Чунки жамият ривожи ва бугунги кунда қўйилаётган талаблар бизнинг ихтиёrimиздан ташқари ҳар дақиқа ўзгариб турибди. Шундай экан, бошқарувни назарий жиҳатдан таҳлил қилиб боришга штиборни кучайтиришимиз зарур.

Давлат ва жамият бошқарувида ахлоқий тамойилларнинг аниқ ишлаб чиқилган механизмлари мавжуд бўлса, бундай шароитда бошқарувга истиқбол ва истиқлол туйгулари кучли бўлган замонавий, шижаоткор кадрлар келиши ортиб боради. Яъни кадрлар танлашнинг аниқ механизмлари соғлом рақобатни шакллантиради, улар сифатини оширади, бошқарувда кадрлар ворисийлигини такомиллаштиради. Кадрлар салоҳиятини белгиловчи меъёрий мезонларнинг жорий қилиниши ва унга амал этилиши салоҳиятсиз кадрларнинг бир неча йиллаб бошқарув курсисида ўтириб қолишининг олдини олади. Кадрларни тартибга солиш тизими жамиятда пайдо бўладиган илфор фикрларни давлат сиёсати даражасида акс эттириш жараёнининг уйғунлитини таъминлашга хизмат қиласи. Турғунлик эса, маълумки, ҳар қандай янгиликнинг ривожини тўсувчи омил. Шу тариқа давлат бошқарув идорасига «тирикчилик манбаи» эмас, балки ахлоқий, масъул шахсларнинг халқка хизмат қилиш воситаси сифатида қараш тенденцияси қўпроқ шаклланган бўлур эди. Айнан ана шу муносабатларда раҳбар фаолиятининг ахлоқ масалаларини таъминлаш вазифалари намоён бўлади.

Ушбу муаммолар ечими юзасидан Президент И.А.Каримов: «Мана шундай номаъқул ҳолатларга бутунлай барҳам бериш учун бошқарув соҳасида, авваламбор, самара-

ли ишлайдиган изчил тизимни шакллантириш керак. Ва бу тизим шундай ишлаши керакки, бордию бирор-бир мансабдор шахс давлат сиёсатидан чекиниб, қонунга хилоф ишлар билан шугулланадиган, ўз манфаатини давлат, халқ манфаатидан устун қўядиган бўлса, у кимлиги, кимнинг қариндоши, қайси раҳбарнинг оғайниси эканидан қатъи назар, муқаррар равишда жазосини олиши шарт. Яъни, бундай жазонинг муқаррарлигини шу одамдан юқори лавозимда ўтирганлар эмас, балки тизимнинг ўзи талаб этиши зарур»¹, деб талькидлайди.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, кадрлар масъулияти билан боғлиқ икки ҳолатга алоҳида эътибор берилиши лозим, деб ўйлаймиз. Биринчидан, раҳбарлар фаолиятига баҳо беришнинг ахлоқий мезонлари ишлаб чикилиши зарур. Улар бевосита раҳбарларнинг шахсий масъулиятини оширишга хизмат қиласди. Мисол учун «раҳбар этикаси» қонунига мувофиқ раҳбарлик вазифасини суистеъмол қилган раҳбарларни иккинчи марта раҳбарлик лавозимларига (балки унинг даражасини ҳам кўрсатиш керакдир) қўйилмаслиги ва ушбу мезонлар раҳбарлик фаолиятининг ахлоқини белгилаши лозим.

Мавжуд носоғлом, гайриқонуний ҳолатларнинг сабаблари таҳлилидан қуидаги хulosалар келиб чиқади. Биринчидан, баъзи раҳбар кадрларнинг маънавий ва касбий салоҳиятининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, уларда ватан туйғусининг заифлити ва бошқа яна кўплаб шахс ахлоқий сифатларининг йўқлиги. Иккинчидан, бу ҳолатта давлат ва жамият бошқарувини тартибга солиб турувчи механизм ва мезонларнинг йўқлиги сабаб бўлади.

Юқорида келтирилган фикрлар мавжуд муаммоларнинг сиёсий-фалсафий таҳлили ҳисобланади. Энди ушбу муам-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. -Т.: Ўзбекистон. 2005. -Б.75-76.

моларнинг ҳуқуқий-ташкилий ечимларига тўхталамиз. Жумладан, раҳбар кадрлар фаолиятида ҳуқуқий технология бошқарувнинг бир маромда ишлашини таъминлашга ҳамда субъектив омиллардан ҳимоя қилишга қаратилади.

Маълумки, ривожланган давлатларда, жумладан, Америка, Германия ва бошқа мамлакатларда бундай индашувларни ташкил этиш борасида ниҳоятда катта тажриба орттирилган. Президент Честер А. Артур даврида тузилган «Ходимларни бошқариш идораси» 114 йилда буён шу йўналишда фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу боис АҚШнинг бугунги ривожи бевосита ХБИ хизмати билан ҳам таъминланади, деб айтиш мумкин. «Ходимларни бошқариш идораси» АҚШ бўйича уч миллиондан ортиқ ҳукумат мансабларига муносаб ходимларни саралаб олиш учун рақобат имтиҳонларини ташкил қиласди, ўтказади. Шунингдек, ҳукумат ишига ёллашувчилар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ниятида раҳбар кадрларни маънавий ва касбий тарбиялаш, тайёрлашга қаратилган таълим-тарбия дастурларига ҳомийлик қиласди. Жумладан, 1949 йили АҚШнинг «Давлат хизматчилари лавозимлари таснифи ҳақида» Конуни қабул қилинди. У давлат хизматининг 18 даражаси ва тоифасини аниқлаб берди. Бирон-бир лавозимга ўтказиш, қабул қилиш имтиҳон орқали амалга оширила бошланди ва синовлар, асосан, талабгорнинг лавозим вазифаларини бажариш учун зарур бўлган малакасини ўлчашга хизмат қилди¹. Албатта, шу тартибдаги кадрлар сиёсати доимий равишда такомиллаштирилиб, замонга ҳамнафас равишда тўлдириб борилган.

Давлат хизматчилари фаолиятини ахлоқий қадриятлар талабларига мувофиқлаштириш борасида ривожланган демократик мамлакатларнинг катта тажрибага

¹ Болиев А. Раҳбар маънавияти. -Т.: Маънавият, 2002. -Б.71.

эга эканлигини эътироф этиш лозим. Ушбу мамлакатларда сиёсий ҳокимият фаолиятини ахлоқий қоидалар негизида қуришга қаратилган тизимиш ёндашув ва механизмлар шаклланганлигини қузатиш мумкин. Масалан, Франция, Англия, Германия, Жанубий Корея, Япония, Аргентина, Чехия, Польша ва бошқа кўплаб Лотин Америкаси мамлакатларида давлат хизматчилари фаолиятининг ахлоқий нормалари бевосита сиёсий ҳокимият тизимиға киритилган. Масалан, Англияда парламент аъзоларининг «Ахлоқий кодекси» парламентнинг халқ олдидаги обрўини, ишончини сақлашга қаратилади. Унинг шаънига доф туширадиган ҳеч қандай харакат бўлмаслиги расмий тартибда белгиланган.

«Ахлоқий кодекс»да бир қанча талаблар мезон сифатида тизимлаштирилган. Биринчидан, депутатнинг молиявий даромадлари декларациясини тўлдириши тақозо этилади. Иккинчидан, манфаатлар ихтилофи мавжуд бўлган шароитда депутат овоз беришда иштирок этмайди ва бу ҳақдаги масалани кўришдан аввал ёзма равишда маълумот бериши лозим. Учинчидан, депутатлик даври мобайнида давлат хизмати вазифаларида ишламаслиги кўзда тутилган. Бундай тартиб Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Тўртинчидан, депутат ёки вазир ваколат муддати яқунидан сўнг давлат идоралари, давлат компаниялари, фирма ва банкларида белгиланган муддаттагача (АҚШда 1 йил, Жанубий Кореяда 2 йил) ҳокимият имкониятларидан шахсий манфаатларда фойдаланмаслик учун ишланиши мумкин эмас. Бешинчидан, депутатнинг совгалар олиши масаласи тартибга солинган. Масалан, АҚШда 50 доллардан ортиқ қийматдаги совгаларни олиш тақиқланади. Олтинчидан, ОАВ давлат хизматчилари томонидан ахлоқий нормаларнинг бажарилишини назорат этиб турувчи механизм сифатида шакллантирилган.

Албатта, ахлоқий нормаларнинг таъсири ва унинг санарадорлиги маълум механизмлар асосида ташкил этилади. Бундай механизм кўплаб давлатларда мустақил давлат органи ваколатида «Этика масалалари бўйича комиссиялар» деб юритилади. Масалан, Тайванда «Ахлоқий тартиб назорати», Хиндистонда «Коррупцияга қарши қураш», Аргентинада «Жамоатчилик ахлоқи миллий бошқармаси», Англияда «Ахлоқий масалалар бўйича вакиллик», АҚШда «Этика бўйича қўмита» ташкилотлари сиёsat ва сиёсий арбоблар фаолиятининг ахлоқийлигини назорат қиласиди. Ушбу комиссиялар турли хил тартибда тушган ариза ва шикоятларни ўрганади ҳамда тегишли тартибда чоралар белгилайди. Чоралар ҳайфсандан тортиб, жарима, депутатлик ваколатидан маҳрум этиш ва жиноий жавобгарликка тортиш масалаларигача белгиланган. Айни пайтда, давлат хизматчиларини ахлоқий нормалар билан таништириш, уларнинг моҳиятини тушунтириш, туғилиши мумкин бўлган бўхтон ва можароларнинг олдини олиш мақсадида маслаҳат қўмиталари ташкил этилган. Масалан, хусусий фирма вакили томонидан меҳмонга таклиф этилган конгрессмен дастурхон қиймати 50 доллардан ошса, тартибга кўра, уни меҳмон тўлаши лозим. Акс ҳолда конгрессмен «Ахлоқий кодекс»ни бузган хисобланади ва жавобгарликка тортилади¹.

Шу ўринда масаланинг айрим жиҳатларини ойдинлаштириб кетиш лозим. Жумладан, ахлоқий кодекс билан жиноий кодекснинг функциялари икки хил. Яъни ахлоқий кодексни бузган давлат хизматчисига нисбатан у ёки бу тартибда маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади. Агар унинг таркибида жиноят аломатлари

¹ http://www.ndi.ru/ARCHIVE/Russian/Parliaent_Ethic/ParL_Ethic_1.shtml. 06.03.06

бўлса, комиссия таклифи ва парламент розилиги билан жиноий жавобгарликка тортишга изн берилади. Албатта, ахлоқий қоидаларни ишлаб чиқишида давлатларнинг миллий хусусиятлари инобатга олинади. Айрим давлатларда совға беришнинг рамзий хусусиятлари бор. Агар миллий хусусиятлар ахлоқ тамойилларига зид келадиган бўлса, айни пайтда, сиёсий ҳокимият фаолиятига салбий таъсир қўрсатадиган бўлса, мамлакатда коррупциянинг ўсишига олиб келса, унда бундай иллатни сиёсат воситаси билан маърифийлаштириш лозим бўлади.

Бундай тажрибаларнинг биз учун муҳимлиги шундаки, асосий масала мутахассисларнинг хизмат пиллапояларидан кўтарилиб боришининг ахлоқий меъёрларини ташкил этиш, ишдан бўшатишда субъективизмдан сақланиш, уруг-аймоқчилик негизида етказилиши мумкин бўлган зиённинг олдини олиш, давлат органлари томонидан товар ва хизматдан фойдаланишнинг юқори даражасини регламентациялаш, тузилган шартномаларнинг асосланганлигини қайта-қайта текшириш ва назоратда тутиб туриш каби вазифаларни амалда жорий этиш мумкин¹.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Конунчиллик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Конуннинг 11-моддасида депутатлик ва сенаторлик одоби бўйича бандлар киритилган. 4-моддага мувофиқ, Парламентлар йиғилишида агар «депутат, сенатор деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвор»га хилоф иш қилган бўлса, депутат ёки сенатор ваколат муддатидан олдин хукуқларидан маҳрум этилиши кўзда тутилган². Ушбу тартибнинг ижроси «Халқ депутатлари ма-

¹ Каранг: Равшанов Ф. Давлат хизмати XX асрда. // Жамият ва бошқарув. 1999. 1-2. -Б.16.

² Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Конунчиллик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Конуни // Халқ сўзи. 2005, 27 январь.

ҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни 1 ва 2-моддаларида инобатта олинган. Яъни, депутат ва сенаторнинг ахлоқи, депутатлик одобининг умумэътироф этилган нормаларини қўпол равишда бузувчи ва депутат, сенатор номига доғ туширувчи ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ножӯя ишлар депутатлик одоби қўмитаси томонидан ўрганилиб чиқилади ва парламент мухокамасига тақдим этилади ҳамда тегишли тартибда тавсиялар тайёрланади¹.

Раҳбар кадрларнинг қасбий салоҳияти ва ахлоқий таснифлари борасида профессор М. Бекмуродов таклифлари эътиборли. Жумладан, олим бошқарувда раҳбарлик лавозимларига номзодлар танлаш жараёнида бўлажак раҳбарнинг воқеликка тизимли ёндашиш, муаммоларни умумлаштира олиш, имкониятларга реал баҳо бера олиш қобилиятига эътибор қаратиш муҳим, дейди. Бозор иқтисадиёти ва миллий ўзликни англаш жараёнларида жамиятнинг турли социал гурӯҳларига монанд, яъни ўзгараётган ижтимоий жараёнлар мазмунини ўзида ифода этган кадрлар танлаш сиёсатини изчил олиб боришга эътибор қаратилади. Ҳозирги замон раҳбари миллий маънавият заминида мустаҳкам турувчи, ҳалқ урф-одатларига ҳурмат билан муносабатда бўлувчи ва унга оқилона меъёрни қўллаб амал қилувчи, бу борада бошқаларга ибрат кўрсата оладиган шахс бўлиши лозимлиги таъкидланади. М.Бекмуродов раҳбарлик лавозимларига кадрларни босқичма-босқич, белгиланган муайян муддатлар доира-

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Конуни // Ҳалқ сўзи. 2005, 27 январь.

сида тайёрлашнинг давлат тизимини ишга тушириш, лавозимларга номзодлар банкини яратиш ва уларнинг ижтимоий мавқеларга эришиш жараёнлари мониторингини йўлга қўйиш каби таклифларни билдиради¹.

Раҳбар кадрларнинг касбий салоҳияти ва ахлоқий сифатларини аниқлаш борасида изланишлар олиб борган профессор М.Куроновнинг тавсиялари мавзуумизни тўлдиради. Жумладан, давлат томонидан кадрлар олдига қўйилаётган талаблар таҳлили раҳбар кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш, танлаш, жой-жойига қўйиш нуқтаи назаридан қўйидаги хulosаларни беради:

— жаҳон бошқарув педагогикаси ва психологияси, меҳнат социологияси ютуқларини кадрлар сиёсатида қўллаш тажрибасини умумлаштириш;

— раҳбар кадрлар шахсий фазилатларининг замонавий ҳамда истиқболли моделларини яратиш ва синаб қўриш;

— муайян мансаб, лавозим профессиограммалари (масалан, жамоа хўжалиги раиси, завод директори, туман ҳокими) талабларини аниқлаш;

— юқоридаги (талаблари аниқланган) вазифа, лавозимларга номзодларнинг мослигини аниқловчи объектив мезонларни белгилаш;

— очиқ ва ёпиқ танловлар технологиясини ишлаб чиқиш каби илмий-амалий вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади².

Олим бу йўналишдаги мавжуд камчиликларга сабаб кадрлар сиёсатида технологик ёндашувларнинг йўқлиги, деб тўғри хulosага келади. Кадрлар салоҳияти ва фаолияти технологияларини белгиловчи ва профессиог-

¹ Бекмуродов М. Миллий менталитет ва бошқарув // Жамият ва бошқарув. 1998. 4-сон. –Б.15.

² Куронов М. Кадрлар ва йиллар синови //Жамият ва бошқарув. 2000. № 3. –Б.16.

раммалар, бир томондан, кадрлар сиёсатида объективлик тамойилини таъминлашнинг ишончли қуроли бўлса, иккинчи томондан, раҳбар кадрлар тайёрлаш технологик тизимида меъёрлаштирувчи, назорат қилувчи во-сита бўлиб хизмат қиласди¹.

Кўриб чиққанимиздек, кадрлар билан ишлаш амалиёти ва хизмат доирасидаги муносабатлар улар ўз профессионал фаолиятида амал қилиши лозим бўлган асосий этика қоидалари тартибини ишлаб чиқиши талаб қиласди. Этик қоидалар тартиби бир вақтнинг ўзида замонавий раҳбарнинг умуминсоний ва хусусий-касбий сифатларини ифода этувчи ахлоқий мезонларини белгилайди.

Биринчидан, давлат хизмати раҳбардан ўзаро одиллик ва ростгўйликни талаб қиласди. Бу ўз ўрнида раҳбарга тавсия этилган давлат хизматидаги лавозим ижросини таъминлашнинг ахлоқий ҳуқуқини беради. Ёлғон, виждонсизлик каби иллатлар бу нафақат раҳбарнинг заифлиги, балки давлат ташкилотига нисбатан келтирилган зиён демакдир.

Иккинчидан, раҳбар ходимларга нисбатан самимий эътибор ва эзгу муносабатда бўлиши лозим. Зеро, улар ҳар куни одамларнинг турли шикоят, муаммо ва таклифларига дуч келади. Жамоада бағрикенглик, ўзаро ишонч ва инсоний ҳурмат орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин. Биринчи навбатда, раҳбар шу илиқ ва самимий муҳитни яратишга амал қилиши керак. Акс ҳолда, ўч олиш, таъқиб қилиш, сикиб чиқариш, тухмат қилиш каби ёвуз ниятли муносабатлар устуворлик қиласди.

Учинчидан, раҳбарнинг камтарлик ва самимийлик каби фазилатлари кибр, ўзини йўқотиш, икки хил муносабатлардан холи қиласди. Камтар инсонда ҳеч қачон ўз “Мен”ини кўрсатиш зурурати туғилмайди ёки алоҳида ҳуқук ва қилган

¹ Куронов М. Раҳбарлик лавозимлари профессиограммалари ҳақида. Раҳбар ва ходим. -Т.: Академия. 1998, -Б.149-50.

ишлари учун имтиёзларга эга бўлиш илинжида бўлмайди. У бағрикенглик қиласи, зарурий босиклик ва вазминлик ҳолатини сақлай олади. Ўз фаолиятига танқидий нуқтаи назардан қарайди. Раҳбар учун ўзини юқори тутиш, ортиқча ишонч, қўпол бўлиш ярамайдиган ҳолат.

Тўртингидан, раҳбар мулоқотда илтифотли ва эътиборли бўлиши керак. Унинг мулоқоти, сўзи ва маърузалари жамоада ҳар қандай ихтилофларнинг олдини олишга хизмат қилиши лозим. Баҳс-мунозараларда босиклик ва барқарорлик билан ўзини тутиб, суҳбатдошни тушунишга ҳаракат қилиши муҳим. Тоқатсиз, тезда жаҳл қиладиган, қўпол ва ўринсиз жавоб қайтарадиган агресив инсонларни профессионал раҳбарлар деб, ҳисоблаб бўлмайди. Саволллар қанчалик танқидий бўлса, унга шунчалик илтифот билан жавоб қайтариш лозим.

Раҳбарнинг ахлоқий қиёфаси таснифларини белгилайдиган яна қасбий хусусият қоидалари мавжуд. Булар хизмат субординацияси, очиклик ва тенглик услублари.

Хизмат субординацияси — давлат хизмати муносабатлари орасидаги муҳим ташкилий ва этикавий тартиблардан бири. «Субординация» сўзи лотинчада “тартибга солиш” маъносини англатади. Бу хизмат интизомига асосланган кичикнинг каттага бўйсуниш тизими. Яъни бу тартиб хизмат лавозими даражасига қараб, қуий лавозимдагиларнинг юқоридан берилган (раҳбар) топшириқлар ижросини ўз вақтида сўзсиз таъминлаб бериш демакдир.

Очиқлик — раҳбарнинг одамларга нисбатан очик, самимий бўлиши, доимо мулоқотга, уларнинг муаммолари, таклиф ва истакларини эшитишга тайёрлиги демак. Раҳбар вақтининг тифизлигига қарамасдан, ўз ходимлари ва мурожаат қилганлар учун вақт ажратиши зарур. Бундай муносабатларни формаллаштириш раҳбарни ходимлардан ва жамоадан узоклаштиради.

Тенглик — ахлоқий қоидаси мулоқот самарадорлигини оширишга, ходимлар ўртасида демократик муносабатларни қуришга қаратилади. Тенглик ходимлар томонидан ўз фикри ва гояларини эркин билдириш, жамоада билдирилган таклифларни амалий ва соғлом муҳокама қилиш, инобатта олиш демакдир. Фикрлар қарама-қаршилигига ҳам тұғри қарор қабул қилиши учун раҳбар құра олмаслик, бир-бирига нисбатан тоқатсизлик, “душман”лик кайфияти билан боғлиқ иллатларни бартараф этишта тайёр туриши лозим.

Раҳбар фаолияти билан боғлиқ файриахлоқий муаммолар — одамларга нисбатан хурматсизлик, ҳудбинлик, ўз мансаби ва ижтимоий мақомига асосланиб, ёлғон фурурни намоён қилиши, кибрланиш, танқидга тоқатсиз, баланд ҳавойиланиш, ўз камчиликларини тан олмаслик, ҳаракатларига масъулиятсизлик билан қараш каби иллатларда намоён бүлмоқда. Бундай ҳолатларнинг рўй беришига асосий сабаб раҳбар фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий-меърий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, кадрларни танлаш, аттестациядан ўтказиш, танлов ўтказиш, ротация қилиш, салоҳиятли ходимларни раҳбарлик лавозимларига йўналтириш, номувофиқларини лавозимидан маҳрум қилиш каби услубларга амалиётда аҳамият берилмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Мазкур муаммолар ечими қандай йўналишларда амалга оширилади?

Ҳуқуқий йўл — давлат хизмати тұғрисида қонун ишлаб чиқиш. Шу қонун асосида меърий ҳужжатлар тайёрлаш.

Ташкилий йўл — давлат хизмати ходимлари фаолиятини назоратта оладиган махсус бўлималар ташкил этиш.

Раҳбар кадрлар тайёрлаш тизими — раҳбарнинг ахлоқий, касбий, малакавий қобилиятини баҳоловчи ягона меърий ҳужжатлар ишлаб чиқиш. Лавозимга

тайинлаш жараёнини фақат танловлар асосида ташкил этиш тартибини жорий қилиш.

Ахлоқий-рухий йўл — давлат ва жамиятга хизмат қилишининг миллий-анъанавий қадриятларини тиклаш.

Ижтимоий йўл — раҳбарларнинг юқори ахлоқий ва қасбий фаолиятларини рағбатлантирувчи тизимни ишлаб чиқиши.

Сиёсий йўл — давлат хизмати ва кадрлар сиёсатини амалга ошириш борасида гайриахлоқий ва коррупцион иллатларни муросасиз равишда чеклашга қаратилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиши¹.

Албаттага, мазкур йўналишлар тавсиявий хусусият қасб этади. Уларни сиёсий-ижтимоий вазият ва ўзига хослик хусусиятларидан келиб чиқиб чуқурлаштириш ҳамда кенгайтириш мумкин. Аммо давлатта хизмат қилиш тартиблари моҳиятан ўзгармайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, раҳбар кадрлар фаолиятини ташкил этишининг восита ва услубларини жорий этиш унинг малакавий талабларини белгилаш, кадрларнинг профессионаллашган дарражасини такомиллаштиришга қаратилган давлат ташкилотлари, нодавлат тижорат корхоналари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахсларнинг мақсад ҳамда вазифаларини аниқлаштиришга қаратилган ташкилий ва амалий тадбирлари, тамойиллари, қарашлар ва билимлар тизимини ташкил этиш билан боғлиқ жараёндир.

Замонавий раҳбар кадрлар сиёсатини шакллантириш вазифаси объектив ва илмий ёндашувларни талаб қилади. Ушбу тамойилни жорий қилишининг истиқболи технологик ёндашувдир. Технологик ёндашув барча жараёнлар учун универсал хусусиятга эга. Зеро, бу тамойил «хом ашё — маҳсулот», «мақсад — натижа» сари

¹ Черепанов В.В. Основы государственной службы и кадровой политики. М.: ЮНИТИ-ДАНА, //Закон и право, 2008. -Б. 518.

ҳаракатни тўла қамраб олиши, яхлитлик, тизимиийлик-ши таъминлаши, содир бўлиши мумкин бўлган хато ва камчиликлар, энтропик вазиятларни тезкор тузатини имконини бериши билан қимматлидир. Айни пайтда, Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлаш «технологик тизими»нинг таркибий қисмлари, босқичлари, восита ва меъёрий ҳужжатлари, амалга оширувчи субъектлар фаолиятини шарҳлашга ҳаракат қилинган ҳамда уларпинг босқичлари илмий жиҳатдан асосланган¹.

Кўриниб турибдики, кадрлар сиёсатини назарий ва амалий жиҳатдан янги замон талаблари асосида ташкил этишнинг илмий имкониятлари анча шаклланиб бўлган. Масала уни амалда жорий этишнинг сиёсий, ҳукуқий ва молиявий асосларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб қолади.

Раҳбар ва ходим мулоқотининг ахлоқий меъёрлари

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов айтганидек, мустақиллик йилларида “янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга” бўлиб қолди². Шу жиҳатдан олиб қараганда, мулоқот инсон ва жамият маданиятининг муҳим қисмидир. Унинг ўзига хос русум

¹ Бегматов А., Қуронов М. Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлашнинг технологик тизими. Раҳбар ва ходим. -Т.: Академия. 1998. – Б.124.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.-Т.:Ўзбекистон, 2007. –Б.25.

тусини олган талаблари минглаб йиллар давомида гүзалик, интизом ва акъл ҳамкорлигига ишлаб чиқилган. Шунинг учун меъёр, назокат, хушмуомалалик, камтарлик қаби хислатлар ҳаммага, ҳар қандай вазиятда қўл келади. Ҳар бир миллат ижтимоий, миллий, тарихий қадриятларидан келиб чиқсан ҳолда мулоқот талабларига ўз улушкини киритган, шу жиҳатдан инсонларро мулоқот ижтимоий муносабатлар сифатида майдонга чиқади. Мулоқот “мураккаб назокат қоидаларида акс этади, ижтимоий-синфий табака вакиллари, мансабдорлар билан қандай муомала қилиш кераклигини аниқ белгилаб беради”¹. Бошқарувда эса қадрларнинг режаларини билиш, тўғри баҳолай олиш, шунингдек, билим ва хатти-ҳаракатларини ҳам кузатишдан иборат мулоқотнинг тўғри ташкил этилиши, биринчидан, ташкилотнинг кучлилигини таъминлашга катта ёрдам беради, иккинчидан, раҳбарда номуносиб иллатларнинг юзага келишига чек қўйиб, бошқаришни ҳам осонлаштиради. Мулоқот ҳаракат, туйғу, фикр-мулоҳаза, ички кечинмаларни ўзгалар билан ўртоқлашишни ҳам ифодалайди. У шахс фазилатлари, хусусиятлари ва қобилиятларини намоён қиласди. Бошқарувда эса бу ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Бошқарувчи ходимларнинг режаларини билгандан сўнгтина у билан тил топишиб ишлай олиши мумкин. Ўша қадрнинг ташкилотга ёки ундаги ўзи бажариши керак бўладиган ишга қўядиган иш ҳамда шахсий ҳаёти билан боғлиқ талабларини билиш раҳбар мулоқотига боғлиқ, энг асосий шартлардан биридир. Баъзан иш, иш шароити яхши, режа мукаммал, мутахассис кучли бўлиб, мулоқот ходимнинг талаблари, эҳтиёжла-

¹ Йўлдошева М. Муваффақият қалити. –Т.: Янги аср авлоди, 2004. 7-б.

рига мувоғиқ келмаслиги мүмкін. Бундай ҳолда бопшаруғчи үз имкониятларидан келиб чиқыб, масалани ҳал этишда асосий роль үйнайды.

Собиқ совет даврида күнгина ташкилотларда ходимга күйиладиган талаблар мажмуди — низомномалар ишлаб чиқылған, аммо ходимнинг талаблари эътиборга олинмас, улардан мутелик талаб қилинар, бошқарувчиларнинг улар билан мулокоти ҳам шу асосда қурилған эди. Мулокотда буйруқбозлық асосида иш олиб борилар эди. Хоҳласанг шу, хоҳламасанг катта кӯча қабилида иш тутилар эди. Ходимлар талабларининг эътиборга олинмаслиги ва муносиб ижтимоий ҳимояланмаслиги, рағбатлантирилмаслиги, айниқса, мулокотда буйруқ асосида иш тутилиши ишчи-хизматчиларнинг үз иши ва раҳбариятдан норозилик кайфиятини келтириб чиқарар эди. Ходим ишга «келиб кета» бошларди. Норозилик, аввало, ходим ташкилот билан шартлашган, амалга ошириши керак бўлган режага таъсир кўрсатар, бу режани ё сустлаштипар, ё тараққиётдан тўхтатар ёки бутунлай бошқа салбий йўналишга буриб юборарди.

Хозирги даврда мулокотда раҳбар эътибор қаратиши керак бўлган яна бир жихат — танланаёттан ходимнинг руҳияти. Мулокот, савол-жавоблар давомида раҳбар ходимнинг дунёқараши, мақсад-режалари моҳияти, ходим нималарни кўзлаётгани, қизиқишлари, япаш шароити, оиласвий мухити, характеристи, билим даражаси ва ундан фойдалана олиш қобилияти кабиларга ҳам алоҳида дикқат қилиши, ҳеч бир нарсани назардан қочирмаслиги талаб этилади. Чунки бугунги кунда кадрлар ташаббускорлигини шу каби фазилатлар белгилайди.

Раҳбар кузатиб бориши керак бўлган муҳим жихатлардан яна бири — кадрларнинг интигулувчанлиги масаласи ва бунга фақат раҳбарнинг ижобий мулокотигина туртки

беради. Ходимларнинг иш-фаолияти ташкилот режала-рининг амалга ошуви учун хизмат қўйлмоғи, хизматчи-нинг бажарган иши ташкилотда маълум бир янгилик сифатида акс этиши керак. Бундай вазиятда ташкилотда доимий равишда тадрижий ривожланиш жараёни юзага келади. Ана шуни эътиборда тутиб, раҳбар ихтисослик-лар, лавозимлар доирасида, ҳар бири билан алоҳида, ўзига хос тарзда мулоқот олиб бора билиши керак. Бу мулоқот давомида кўриладиган масала ўша доирада фаолият кўрсатаётган ҳар бир хизматчининг ташкилот та-ракқиётидаги роли, кашфиётчилик даражаси ва ҳоказо-ларга қаратилса, меҳнат самарадорлигини янада оши-риш мумкин. Япония ўзининг бугунги тараққиётини мак-табларда, ташкилот, корхоналарда тарғибот шаклида йўлга қўйилган ана шундай мулоқотлар, тушунтиришлар, ун-дашлардан олгани ҳаммамизга маълум. Бу тушунтириш ва тарғиботлар етаклаган ишлар келажакда муносиб рағ-батлантирилиши одамларга яхши маълум бўлгач, тез орада қашф этиш, янгилик яратиш одамлар орасида мусобақа тусини олди. Энди нафақат яшаш, балки яхши яшаш учун кураш вужудга келди ва бу ҳолат ҳар бир кишининг илмий қобилияти, кучини тўла намоён қили-шига имконият ҳозирлади. Ҳар бир шахснинг у қайси ишда фаолият кўрсатмасин, янгилик яратиб боришга интилишини кундалик эҳтиёжга айлантирди. Бунинг на-тижаларини кўриб, ҳозир ҳамамиз лол бўлиб ўтирибмиз.

Президентимиз И.А.Каримов ўз нутқларининг бирида ҳаммани ўз ўрнида ўтириб ишлашига эришишимиз ке-рак, деганда ҳудди ана шу инсонга хос мулоқотдан ўз ўрнида фойдалана олишимиз лозим, деган маъно келиб чиқишини ҳар бир раҳбар унутмаслиги ва ўзаро муносабатлар, мулоқот маданиятини инсоннинг ўз-ӯзидан қила-диган талабга айлантириш учун раҳбариятда бошқарув-

нинг мана шундай тартибдаги услуби ва тажрибасини жорий этиш катта аҳамият касб этишини назарда тутади.¹

Мулоқот — икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўз муносабатларини ўрнатиш, тиклаш ва умумий мақсадга эришишга қаратилган келишуви, бирлашуви. Мулоқот оммавий, шахсий, касбий, диолог ва монолог услубларида ташкил этилади.

Раҳбар мулоқоти ва уни ташкил этишнинг назарий асослари раҳбарщунослик соҳасида долзарб муаммолар қаторига киради. Зеро, бозор иқтисоди, турли мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши, дунёқарашнинг ўзгариши раҳбар ва ходим муносабатларининг маънавий масъуллик даражаси ҳамда унинг мезонларини ўзгартириб келмоқда. Раҳбарликнинг тоталитар услублари маъмурий бошқарув услуби ўрнига маърифий жамоа мулоқоти ва унинг ўзаро ҳуқуқий мажбуриятларини ташкил этиш эҳтиёжларини талаб қилмоқда. Бунда топшириқ, кўрсатма, буйруқ бериш, умумий мақсадларга қаратилган ташкилий вазифалар билан бирга раҳбарнинг жамоага таъсир кўрсатиши ва ходимларнинг ўзаро муносабатда бўлиши каби психологик қарама-қарши хусусиятлари мавжудки, уларни тартибга солишда ахлоқий меъёрларни ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Яъни раҳбар маълум вазифаларни ташкилий жиҳатдан таъминлаш учун мутахассислик салоҳиятидан ташқари ахлоқий қадриятларга амал қилиш орқали жамоани маълум мақсад йўлида бирлаштира олиши лозим бўлади.

Шундай экан, бугун бундай заруратни амалга ошириш борасида қандай назарий тавсиялар мавжуд? Раҳбарлик мулоқотини ташкил этишнинг миллий хусусиятлари ва амалий тажрибалари умумлаштирилган ил-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мағкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 1-жилд. 276-б.

мий изланишларга қанчалик эътибор қаратилмоқда? Шу мақсадда мазкур муаммоларнинг айрим жиҳатларини очишга ҳаракат қиласиз.

Раҳбар мулокотида ахлоқий нормаларга амал қилиш ва ундан оқилюна фойдаланиш жамоада вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф қилиш имкониятини беради. Ахлоқий нормалар раҳбарнинг жамоа мақсади ва вазифаларини аниқ белгилай олиши, истиқбол йўналишларида сабитқадамлиги, кўрсатма ва топшириқларида қатъиятлилиги, турли қарааш ва манфаатларга қарамасдан ходимларга нисбатан талабчалиги, барчага бир хил муносабатда бўлиши, ишда адолат ва ҳақиқат тамойилларига суюниши, ходимларни ҳурмат қилиши, керак ҳолларда жойига кўя олиши, меҳнатига қараб рағбатлантириши, ташабbus уйғотиши, ходимларни ҳақорат қилмасдан, зуғум ўтказмасдан сафарбар қила олиши каби фазилатларида намоён бўлади.

Биринчидан, раҳбар ўзининг мақсад ва ниятларини очик-ошкора ва эзгу ниятлар билан билдиришга интилиши тавсия этилади. Шу очик руҳиятни ходимлар ҳис қилиши, унга ишониши раҳбарнинг дастлабки ютуғи ҳисобланади. Аммо, бу тавсияни барча раҳбар бирдек бажаришга ҳаракат қилмайди. Чунки, раҳбарларнинг маданий даражаси ва ходимларга бўлган муносабати турлича. Айримлари очик, баъзи бирлари худбин, бикик, яна бири ўта жиддий. Аммо раҳбарлик функциясига, аввало, ходимларни қандай маданий даражада бўлишидан қатъи назар, одил ва ошкора муносабатда бўлиш вазифаси юкланган. Ваҳоланки, раҳбарликнинг юки ва бирламчи вазифаси ҳам ходимлар мушкулини осон қилишга қаратилган. Бу вазифани унугтан раҳбар ўз вазифасини англамайдиган раҳбарлар тоифасига киради.

Иккинчидан, муносабат ва мулокотларда илиқлиқ ва эзгулик аломатлари сезилиб туриши лозим. Раҳбар

эзгулик билан ҳам қаттиққўл бўлиши мумкин. Бу жамоада ўзаро ишонч ва хурмат туйғуларини мустаҳкамлайди. Лекин масаланинг иккинчи — салбий жиҳати ҳам мавжуд. Агар раҳбар ўз лавозими ва вазифасида компетентли бўлмаса, унда юқорида билдирилган тавсиялар самара бермайди. Аксинча, ходимларда норозилик ва ишончсизлик кайфиятини келтириб чиқаради.

Раҳбарнинг мулоқотга киришиш услуби ҳар бир ходимнинг интеллектуал маданияти, дунёқараши, бажарайтган вазифалари ва эгаллаб турган лавозими, умуммаърифий даражадан келиб чиқиб, шахсий ва жамоавий мулоқот қуриш категорияларига бўлинади. Шахсий мулоқотларда айрим тажрибали ходимларга масаланинг моҳиятини айтиш кифоя, мазмунини ўзи тўлдиради. Айримларга эса, масаланинг моҳият-мазмунни ва уни амалга ошириш чораларини тушунтириш лозим бўлади. Бу масаланинг ташкилий томони. Масаланинг ахлоқий томони, топшириқ ва кўрсатмаларни қандай оҳангда бериш ҳам мухим ҳисобланади. Айрим раҳбарлар топширикни ходимни жеркиб, кўпол оҳангда берса, айримлари шу оҳангни юмшоқ, аммо аччик киноя билан беради. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ходим, у қандай тарбияда бўлмасин, унинг инсоний шаънига, сўнгра бошқарув мулоқотини қуришга путур етказади. Бу борада бобомиз А.Темур “Қайси ҳоким ҳукмининг таъсири калтаклаш таъсиридан камроқ экан, ундей ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиздир» деган фикрлари мавзунинг моҳиятини очади¹. Ҳар қандай топшириқ ёки кўрсатма, аввало, иш мақсади нуқтаи назаридан холис принципиаллик асосида, ходимнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда берилиши натижага беради. Зоро, ходим унинг мухим топшириқ эканлигини англай олиши орқали ва-

¹ Темур тузуклари. -Т. Faфур Гулом нашриёти, 1996. -Б.91.

зифанинг сифатли ижросини таъминлай олишга қодир бўлади. Топшириқлар икки хил ҳолатда суистеъмол қилиниши мумкин. Биринчиси, раҳбар топшириқни умумий иш мақсадидан келиб чиқиб, тушунарли тарзда бермаган бўлади. Иккинчиси, ходим вазифанинг аҳамиятини тушуниб етмасдан, сифатли ижросини таъминлашда ишни пайсалга солган бўлиб чиқади. Натижада ҳар иккала ҳолатда ҳам ўзаро бошқарув мулоқоти амалга ошмаганлиги оқибатида раҳбар ва ходим ўртасида зиддият вужудга келади.

Жамоавий мулоқот қуриш қўпроқ мажлис ва турли йигинларда қуриладиган мулоқот ҳисобланади. Мажлис ёки умумий йигинларда масалалар умумийликдан конкретликка қараб, қисқа ва аниқ мақсадли қилиб қўйилиши тавсия этилади. Улар барчани бирлаштирадиган, қўпроқ сафарбарлик, йўналтириш ва рағбатлантирувчи ғоялар руҳида ташкил этилиши муҳим. Умумий мажлисларда мулоқот давомида якка шахс ёки гурӯҳ фоалиятини танқид қилиш, намойишкорона таъқиб қилиш жамоада носоғлом муносабатларни вужудга келтиради. Раҳбар тўғри ва ўринли танқид қиласа-да, қўпчиликнинг олдидаги танбех ходимнинг иззат-нафсиға тегади. Тажрибадан маълумки, аксарият раҳбарлар ходимлар билан қўпол, тажоввуз ўtkазиш орқали маълум иш услубларини амалда қўллайдилар. Қайсиdir маънода унинг самарали эканлигини ҳам эътироф қиладилар. Чунки, ходимлар «ҳа» деганда улуғ ва эзгу ишларга ўз ташаббусларини намоён қилавермайдилар. Баъзан, мажбурийлик орқали, маъмурий ресурлар билан эришилади. Аммо, унинг заминидаги муносабатлар қандай қадриятлар асосида қурилганига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ходимнинг ишга эмас, раҳбарга тобелиги унинг маълум гайриманфаатлар илинжида юрганлигидан далолат бе-

ради. Бундай ходимни қанча ҳақорат қилманг, нафс йўлида матонат билан туриб беради. Аммо, вазифадан кетган қуnungиз сизни ҳам шу ҳолатга олиб келишга уринади. Иккинчи тоифадагилар касбга меҳр қўйганликлари учун раҳбарнинг қовоғидан кўра, севимли машгулотлари билан ишлашни афзал кўради. Шунинг учун шахсга тобе бўлишдан кўра, улар лавозимидан маҳрум бўлишни ихтиёр қиласди. Шунинг учун раҳбар ҳар бир ходимнинг маънавий ва касбий салоҳиятини тўғри ҳисобга олиб, мулоқот ўrnата олиши жамоа яхлитлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Муаммолар келиб чиқишининг аксарият ҳоллардаги сабаби раҳбар ўз топшириқ ва кўрсатмаларини ифода қилишнинг ахлоқий норма услубларидан фойдалана олмайди ёки тегишли малакага эга эмас. У бошқарув жараёнида муроса ўrniga қаттиққўллик, принципиаллик ўrniga либераллик, хайриҳоҳлик ўrniga ўжарлик, самимийлик ўrniga фирромлик йўлини тутадиган бўлса ва бунда нутқ ҳам шу оҳангта қаратилса, муносабатлар конфликтга айланади. Тажрибадан маълумки, ишлаб чиқариш унумдорлигининг пасайиши салоҳиятли мутахассисларнинг ишдан кетишига сабаб бўлади. Салоҳиятли мутахассислар аксарият ҳолларда қўпол, ўжар, боз устига муносиб бўлмаган раҳбар билан мулоқот қуришни ёқтирмайдилар ёки раҳбар шахс сифатида уни қабул қила олмайдилар.

Бугунги қунда раҳбарнинг мулоқот қуриш маданиятининг турли таснифлари фанда аникланган. Жумладан, раҳбарнинг мулоқот қуриш услубларининг бир неча турларини келтирамиз:

1. Либерал мулоқот қуриш — иш самарадорлигидан кўра, ходимларнинг итоатда бўлишига юқори даражада эътибор беради;

2. Ташкилотчи раҳбарнинг мулоқот қуиши — юқори ва самарали ишни ташкил этиши асносида ходимларга хурмат ва ишонч билдиради;

3. Манипуляция мулоқотини қуиши — ишга етарли даражада эътибор беради, ходимларга эса, эътиборсиз бўлади;

4. Пессимист раҳбар мулоқоти — на ишга, на одамларга эътибор билан қарайди. Фақат ташқи кўринишни билан хайриҳоҳ эканлигини намоён қиласади;

5. Диктатор раҳбар мулоқоти — ишга юқори даражада ёндашади, лекин одамларга нисбатан безътибор;

6. Авторитар раҳбар мулоқоти — ишни юқори даражада талаб қилишининг мақсади ходимларнинг фаронслигини опиришга қаратилади.

Раҳбар мулоқотининг ахлоқий нормаларидан бири сифатида нутқ катта аҳамият касб этади. Нутқнинг мантиқийлиги, сұхбатдошга тушунарли ифодаси, аниқ маълумотларга бойлиги билан ажралиб туриши лозим. Айниқса, ходимни ишонтириш ва йўналтиришда маълумотини чукур таҳлилдан ўтказиб, етказини самарали ҳисобланади. Ўзи тушунмаган ва моҳиятига кириб бормаган вазифани тоширмаслиги керак. Ходимни ишонтира олмаслик раҳбар бошқарув иродасига путур этади.

Амалий фаолиятда раҳбар ва ходим турли ижтимоий жараёнларга дуч келади. Ёш ходимлар умумий фаолият ва мулоқотта киришиш асносида тажриба орттиришдан ташқари сұхбатдош ҳамкабс ходимларига қараб андоза олади. Жамоада раҳбарнинг тошириги сурункали равишда ижро этилиши ўрнига муҳокама қилинса, бундай ҳолат норасмийликдан расмий тус олиш хавфи ни тугдиради. Шунинг учун ходимларни ишга қабул қилинади, касбга тайёрлашда ахлоқий мезонлар билан боғлиқ қоидалар шартнома мажбуриятларида ўз аксини топишни лозим.

Бошқарув мулокотини раҳбар сўзсиз, юзи, мимикаси ифодалари билан ҳам қуриши мумкин. Яъни мулокот жараёнида юзнинг ифодаси муҳим роль ўйнайди. Раҳбарнинг юз ифодаси ходимлар билан мулокот ўрнатиш, айни пайтда мулокот формасини белгилаш ва танлаш имкониятини беради ҳамда мулокот даражасини белгилайди. Очик чехра ифодаси ишончли иш муҳитини таъминлашга хизмат қиласди. Табассум сухбатдош билан мулокот ўрнатишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Аммо ҳар доим ҳам табассум қилиш ноўрин, мулокотнинг мазмун-моҳияти билан юз ифодаси ҳам ўзгариши қерак.

Раҳбар мулокотни баҳолаш мақсадида ходимлар ўртасидаги кўзқараш, нигоҳни ушлаб туриш ва ўзаро юз ифодасини ҳисобга олиши лозим, чунки кўзнинг ҳаракати қарашнинг йўналиши, топшириқ бериш воситаси ҳисобланади. Жумладан, нигоҳни олиб қочиш ҳолатида мулокот ўрнатишни истамаслик кайфияти сезилади. Ёки хушхабарни қаттиқ оҳангда ва жиддий юз ифодаси билан баён қилиш нутқнинг самимий эмаслигидан далолат беради. Хулоса қилиб айтганда, оқил раҳбар юз ифодаси, мимикаси билан ортиқча танбеҳларсиз ҳам вазиятни бошқариши мумкин.

Раҳбар мажлис ўтказишдан олдин мулокот қуришининг таҳминий тартиби, аникроғи, унинг лойиҳасини белгилаб олиши лозим. Ишнинг самарадорлигига қаратилган танқидий таҳлил ва рағбатлантирувчи омиллардан тенг фойдаланиши шарт-шароитларини белгилаб олиш мажлиснинг ижодий ва ижобий руҳда ўтишта хизмат қиласди. Мажлиса танқид ортиқча кўпайса, ходимлар ўртасида норозилик келиб чиқади. Мақтov кўпайса, муаммоларни беркитиш, ҳаспӯшлаш, кўзбўямачилик, лаганбардорлик ҳолатлари юзага келади. Иккала ҳолатда ҳам жамоада носоғлом муҳит қарор топади. Энг муҳими,

раҳбар муҳокамаларда умумий қайфиятнинг шахсий ма-салаларга ўтиб кетмаслигини назорат остига олиши, эҳти-росларни аниқ ва ишонарли таъсири билан бошқариши лозим. Аксинча, вазият раҳбар қўлидан чиқиб кетиб, мажлисда ноҳуш ҳолат юзага келмаслиги учун маълум муаммоларни жамоа муҳокамасига қўйилашдан аввал масаланинг қўпчи-лик томонидан етарлича идрок эта олиши ва соғлом, кон-структуртив муҳокамага тайёрлиги борасида маълумотга эга бўлиш керак. Агар жамоа у ёки бу масалаларни қабул қилишга тайёр бўлмаса, аввал бўлимларда муҳокама қилиш ва хулоса чиқариш лозим бўлади. Муҳокама жиҳдий, қатъ-ий, таҳлилий, самимий ва истиқболли бўлса, одамларнинг раҳбарга бўлган ҳурмати ошади, ишлаб чиқариш натижалари кенгаяди. Енгил-елпи, мавҳум, қўпол ва олди-қочди гапларга тўла мулоқот эса раҳбарни обруқизлантиради. Шунинг учун раҳбар маълум муаммоларни кўтаргандা, ходимлар бу муаммони ўзиники деб қабул қўлсинлар. Аммо раҳбар мажлисни иложи борича кам ўтказиши, муаммоларни эса жойида ҳал этиш тажрибасини оммалаштириши кўпроқ самара беради.

Мулоқотнинг самимий, мақсад ва вазифалар ечими-га қаратилиши, ходимлар қайфиятини кўтаришга, уларни ишонтира олишга, самимий танқид қила олишга, та-шаббус уйғотишга, холис мақташ ва хизматларини эъти-роф этишга қаратилиши лозим¹. Чунки раҳбарнинг шахсий ва жамоавий мулоқотида бир қанча ижтимоий-пси-хологик тўсиклар мавжуд бўлади. Жумладан, ижтимоий, сиёсий, диний омиллар билан боғлиқ тўсиклар жамоада ишончсизлик муҳитини, ўзаро зиддият ва кон-фликтларни туғдиради. Психологик тўсик ҳолатида ким-

¹ Холбеков А., Махмудов И., Равшанов Ф. Замонавий раҳбар: маънавий фазилатлар, психологик қиёфа ва касбий маҳорат. –Т.: Akademiya, 2008. –Б.28-29.

дир ўз қобигида, кимдир ўта бекарор, яна кимдир ўта қатъиятли, кимдир тортинчоқ, кимдир беандиша, кимдир эътиқодли, кимдир эътиқодсиз бўлади. Бундай маънавий руҳият бир-бирига нисбатан зиддиятда ёки муҳолифатда бўлади. Раҳбарнинг мулоқот жараёнида мавжуд ҳолатни ҳисобга олиб иш тутиши жамоадаги конфликтларнинг олдини олади. Шундай қилиб жамоадаги ижтимоий, сиёсий, диний, маданий ва психологик ҳолатни ўрганиш орқали у ёки бу масалада тўғри бошқарув мулоқотини ташкил этиш мумкин. Бундай ҳолатларда ходимларнинг касбий, маърифий ва жисмоний имкониятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Масалан:

- табиатан ялқов ходимга топширилган масъулиятли иш тўлиқ бажарилмайди;
- жоҳил ходим жамоадаги муносабатларни бузади, ходимлар ўртасида носоғлом кайфият уйготади;
- кам малакали ва табиатан ожиз ходим ҳеч бир масъулиятни бўйнига олгиси келмайди;
- эҳтиросли, ҳовлиқма ходим топширилган вазифага ҳаддан ортиқча баҳо бериб, ишнинг бузилишига олиб келади;
- иродасиз ва журъатсиз ходим ҳар қандай янги ишга тўсиқ бўлиб олади, топшириқни ҳам шубҳа билан чала ижро қиласди;
- зуғумкор ва беандиша ходим вазифа ижросидан кўра эски аламларини қондириш учун “ғанимларидан” ўч олиш пайида юради;
- масъулиятдан қочиб юрадиганлар ўз хато ва камчиликларини яшириб, бошқа ходимларнинг зиммасига юклаш иштиёқида бўладилар;
- бефарқ ва лоқайд ходимлар эса, ҳеч бир ҳодисага муносабат билдирилмайдилар, ишнинг ўз оқимида оқишини афзал кўрадилар;

- ўзига ишонган ходимлар ҳақ әканлигини уқтириш, тажрибаларини күз-күз қилиш майлида юрадилар;
- гийбатчилар ўз маҳорати билан жамоада нифоқ туғдириб, шу орқали манфаатларини амалга ошириш илинжида юрадилар;
- ахлоқли ва салоҳиятли ходимлар эса бундай ахлоқсиз муҳитдан ташқарида туришни афзал қўрадилар.

Раҳбарнинг мулоқот қуриш маданияти жамоада турли тоифа ва турли тарбиядаги ходимлар жамоасидан қатъи назар, ахлоқий, ишchan муҳитни яратиб бериши билан белгиланади. Раҳбар уларнинг барчаси билан ишлай олиши ва алоҳида мулоқот воситасини танлаши лозим бўлади, бошқача йўл йўқ. Ходимларнинг ички маданиятини ўрганмасдан, эҳтиёжларини аникламасдан унинг мақсад-муддаосини билиб бўлмайди. Мулоқотнинг самарали ва ижобий якуни учун, аввало, раҳбарда компетентлик, назокатлилиқ, очиқ қўнгиллилик, ситқидилдан ходимлар муаммоларининг ечимини ахтаришга интилиш, тезкорлик ва аниқ-лўнда қарорлар қабул қилиш нияти бўлиши лозим. Ходимлар раҳбарга иш самарасини ошириш таклифи билан ёки бирон-бир илтимос, арз-шикоят билан мурожаат қиласидилар. Уларнинг айримлари сержажл, ўйламай қўп гапирувчи, маълум вазиятни бўрттирувчи, тухматчи, қайсар, лўттибоз бўлса, шунингдек, самимий ходимлар ҳам бўлади. Ходим қайси ҳолатда ва қайси ниятда бўлмасин, раҳбар адолат нуқтаи назаридан уни қабул қилиши ва йўналтириши лозим. Зеро, ходимларнинг майлига ёки шахсий эҳтиёжига мослашиш, айниқса, улар билан гийбатта қўшилиш жамоани, сўнгра раҳбарни ҳам бадном қиласиди. Бу борада бобомиз Хожа Самандар Термизий томонидан айтилган ўгитлар фикризини асослайди. Жумладан, у шундай дейди: «Азизим, бир тола хаста арзимайдиган маҳлуқсифатлар ҳамиша ўз бошларини зулм ва ситам охуридан кутармайдилар.

Подшоҳнинг асов оти каби бевакт, ўринсиз ўзқарлиқ, итоатсизлик қиласидилар.

Раҳбар рўй берадиган бедодликни қаҳр болтаси билан чопиб, ер билан яксон қилмаса, замон боғидаги тилаклар, орзулар ниҳоли хазон бўлади»¹. Бинобарин, жамоада турли ахлоқий даражадаги ходимлар мавжудки, уларнинг манфаатларини фақат ахлоқий мулоқот қуриш йўли билан уйғунлаштиришга эришиш мумкин. Масалан, бу борадаги илмий изланишлар турли характердаги ходимларнинг тахминий психологик типлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан:

1. “Адолат учун” курашувчилар, доимий арз ва шикоят қилувчилар, йўқдан иллат ахтарувчилар. Ушбу типдаги ходимлар доимо нимадандир норози бўлиб юрадилар. Масалан, ойликдан, ишлаб чиқариш ускуналаридан, ижтимоий шароитдан, ҳамкасларидан, юқори раҳбарлардан шикоят қиласидилар. Шу жиҳатдан улар умумий меҳнат ритмини бузишга, ўзгартиришга, бирон-бир муаммони чигаллаштиришга бўлган асоссиз уринишлари билан жамоа яқдиллигига путур етказадилар. Бундай шахсни нейтраллаштиришнинг энг мақбул йўли таклиф ва муаммолари ечимини ўзининг зиммасига юклаш, сўнгра ижросини талаб қилиш самара беради.

2. Ўзини яхши кўрувчилар, докторат кайфиятдагилар. Ушбу типдаги одамларга ниманики топшириқ берманг ёқмайди. У раҳбарият менинг қадримга етмайди, тавсияларимга қулок тутмайди деб, барчага арз-дод қилиб юради. Раҳбар бундай ҳолатнинг сабабини аниқлаш орқали ходимнинг ўз имкониятларини кўрсатиши учун алоҳида участка бериши ва шу иш билан уни банд қилиши тавсия этилади.

3. Ялқов, ишёқмас, интизомни бузувчилар. Бундай одам доимо кеч қолиб юради, ружсатсиз ишдан кетади.

¹ Термизий Ҳожа Самандар. Дастур ул-мулук. -Т.: Ф.Фулом нашриёти, 1997. -Б.63.

Уй ва оиладаги муаммоларни рўкач қиласи. Аммо ишни улдалаётганлигини таъкидлаб юради. Бундай ходимларга нисбатан раҳбар муросасиз талабчан бўлиши лозим. Аммо ушбу тоифадагилар ўзгармас бўлганлиги учун энг мақбул йўл уларнинг баҳридан кечиш керак.

4. Лоқайд ва масъулиятсизлар. Бундай ходимларнинг доимо нимадир ёдидан чиқиб қолади, тегишли ва керакли ҳужжатларни йўқотиб қўяди. Топширилган вазифаларнинг мохиятига кириб бормайди. Бундай тоифадагиларни раҳбар ўз назоратида тузиши, берилган топшириқларни муентазам текшириб бориши ва унинг камчиликларини эслатиб бориши ҳамда параллел равищда бошқа бир ходим назоратини ўрнатиши орқали ишлатиш мумкин. Бундай тоифадагиларни масъулиятли лавозимларга кўтариб бўлмайди.

5. Фийбатчи, маълумот ташиб юрувчи, ифвогарлар. Улар жамоадаги расмий ва норасмий воқеа-ҳодисалар тўғрисида маълумот етказиб туради. Аксарият ҳолларда ўзига мухолифат деб билган ходимларни қоралайди. Шу тартибда раҳбарнинг эътиборини қозонишга интилади. Афусуски, айрим раҳбарларга бундай ходимлар ёқади. Ходимлар тўғрисида маълумот олиш мақсадида уларни кўпроқ ўз сухбатига таклиф қиласи. Оқибатда бундай ходим раҳбарни ўзининг ифвогарлик ва ташмачилик макрига тушириб қўяди. Раҳбар бундай тоифадаги ходимларга нисбатан муросасиз бўлиши, жамоада фийбатнинг олдини олиши лозим. Шунинг учун раҳбарга этикавий мулоқот қуриш борасида қўшимча тавсиялар берамиз:

- ўзингиздан юқори лавозимдаги раҳбар билан мунозара қилманг;
- мазкур масалани тушунмайдиган ходимлар билан мунозарарага киришманг;
- бошқа одамларнинг нуқтаи назарини қабул қила олмайдиган шахслар билан мунозара қилманг;

- мухолифига нисбатан шахсий адовати бўлган одам билан баҳслашманг;
- қарама-қарши хулосадан манфаатдор шахсни ишонтириш фойдасиз;
- шахснинг ҳамиятига тегадиган мишишлар тўғрисида баҳслашманг;
- мунозара қилиш ўринлими, масалани мухокама қилиш учун вақт етарлими, тарафлар томонидан асабийлик ҳолати йўқми, гувоҳлар борми? Мунозарада буларнинг барчаси инобатта олиниши лозим;
- мунозара ёки баҳс қилишдан аввал раҳбар муваффакиятга эришиш имкониятини ҳисобга олиши зарур;
- баҳсни ижобий якунлаш учун мунозара предметидан узоқлашмаслик керак¹.

Юқорида кўриб чиққанимиздек, ходимларнинг мавжуд руҳий ҳолати ва ҳулқ-атворини ҳисобга олмаслик натижасида раҳбар ва ходим ўртасида ихтилофлар келиб чиқиш мумкин. Шунинг учун раҳбарнинг кескин эътиrozлари, талаблари қанчалик қаттиқ бўлмасин, унинг вазмин, изчил ва холис бўлиши мулоқот самара-дорлигини таъминлайди.

Раҳбар мулоқотининг самарадорлиги бевосита амалий натижалар хулосасига боғлиқ. Яъни берилган топширик ижросини раҳбар томонидан назорат қилиш, ижро савияси бўйича хулоса чиқариш, баҳо бериш ва шунга қараб рағбатлантириш, чора кўриш воситаларидан ахлоқий жиҳатдан тўғри фойдаланиш, ходимларнинг меҳнат салоҳиятини таснифлаш мулоқот самарадорлигини оширади. Мулоқот мақсад ва вазифалар ечимиға қаратилмаса, натижалар самарасиз қолса, ходимларга масъулият юкламаса, унда жамоадаги ахлоқий муносабатларга птур етади. Натижада муло-

¹ Кошевая И.П., Канке А.А. Профессиональная этика и психология делового общения: учебное пособие. — М.: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА-М, 2009. — С.151.

кот мухолисфларини кўркитиш, ҳақорат қилиш, ёлғон маълумотлар билан тухмат уюнтириш ва бошқа ўзаро “хисоб-китоб”ларга ўтиш ишлатлари кучаяди.

1-тавсия. Этикавий мулокот:

- мулокотни самимий олиб бориш, уни мақсад ва вазифалар ечимиға қаратиш;
- хизматчи кайфиятини кўтариш;
- хизматчини ишлонтира олиш;
- самимий танқид қила олиш;
- ташаббус уйғотишга чорланш;
- шахснинг ҳамиятига тегмаслик;
- ўз амбицияларидан воз кечишга тайёрлик;
- мулокотда босим ўтказмаслик;
- самимий мақташ ва хизматларини эътироф этиш¹.

2-тавсия. Мулокот муаммолари:

- ходимни тинглаш тоқати йўқлиги, мунозара қилиндан чўчиши;
- ходимнинг ташаббусига эътибор бермаслик;
- ходим фаолиятини шубҳа ва танқид остига олиш;
- ходимнинг ҳақ эканлигини тан олишдан қочиши;
- ходимга нисбатан шахсий адватини кўрсатиш;
- ходимлар тўғрисида бировлардан олинган маълумотларга асосан хулоса чиқариш;

3-тавсия. Мажлисга тайёргарлик кўриши:

- жамоа олдида қандай маъруза қилиш лозим?
- нима учун маъруза қилиш керак?
- маърузанинг мақсади нимада?
- мажлис бошлишдан олдин вазиятни юмшатиш учун озрок ҳазил ишлатиш лозим!

¹ Холбеков А., Маҳмудов И., Равшанов Ф. Замонавий раҳбар: маънавий фазилатлар, психологик қиёфа ва касбий маҳорат. – Т.: Akademiya, 2008. –Б28-29.

— ундан аввал ким ва нима ҳақда маъруза қилинган?
— маъруза моҳияти қандай қабул қилинган?
— мажлисни ким олиб боради?
— жамоа учун маърузани қандай тайёрлаш лозим?
— мажлисда ноформал етакчилар қатнашадими?
— норасмий етакчиларнинг мақсадини олдиндан билиш керак!

— нокулай саволлар бўладими, агар бўлса, қайси йўналишда?

— мазкур аудитория учун нима кўпроқ мақбул?
— кўргазмали материаллардан фойдаланиш керакми?
— аудиторияда сизга хайриҳоҳ ва тушунадиган одамлар қанча?
— аудиториянинг қабул қилиш даражасини аниқлаш?
— мажлис қандай якунланади?

4-тавсия. Муаммоларни бартараф қилиш:

— ходимларнинг кайфияти ва хулқига мослашманг.
Ўз принципингизни бузманг;

— ходимнинг ички оламига кириб кўринг, мазкур муаммони қандай тушунади. Унинг ўрнига ўзингизни кўйиб кўринг;

— ходимларни нима қизиқтиради, қандай масалалар бўйича музокара қиласидилар, қандай ишларга ўзларини бағишлишлари мумкин?

— ходимларнинг хатти-ҳаракатига нималар кўпроқ таъсир ўтказишини аниқланг;

— ходимлар ўртасида доимо ошкора муносабатларни ўрнатишга ҳаракат қилинг ва бунда ўзингиз намуна кўрсатинг;

— мажлисни касбий маҳорат билан, ошкора, объектив, чукур ва асосланган маълумотлар билан ўтказишга эришинг;

— мажлисда кун тартиби ва масалалар мухокамасини чўзиб юборманг;

— шахсий намуна, компетентлик, ташқи кўриниш билан ходимларнинг ишончини қозонишга эришиш.

Албатта, раҳбар мулоқотининг барча ахлоқий жиҳатларини қамраб олиш ва унга тўла-тўқис тавсиялар бериш мураккаб. Чунки раҳбарнинг маданияти, жамоанинг ахлоқи, ўзгарувчан ижтимоий вазият — буларнинг барчаси мулоқот жараёнига ўз таъсирини ўтказади. Нима бўлганда ҳам ахлоқий анъаналарга содик қолиб, раҳбар ва ходим ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва умумий манфаатлар асосида қурилса, жамоада барқарорлик ҳамда самарали ишчи мухит вужудга келади. Шулардан келиб чиқиб, раҳбарга қўйидаги тавсияларни берамиз:

1. Топшириқ буйруқ шаклида берилмаслиги лозим. У кўпроқ илтимос, маслаҳат ва кўрсатма асосида берилса, ходим раҳбарнинг унга нисбатан ишонч билдираётганини ҳис қиласи, масъулият сезади, вазифанинг муҳим эканлигини тушунади. Раҳбарнинг ходим билан ҳамкорлик қилиш истаги намоён бўлади, ташаббус ва ижодий ёндашув шаклланади.

2. Ходимнинг ихтиёрий ташабbusини уйғотишда раҳбарнинг юқори талаби шароитга мувофиқ келиши лозим. Раҳбар топшириқ ижроси таъминланишига ишониши ва бу борада ходимга ёрдам бериши керак. Акс ҳолда ходим сиз берган кўрсатмани бажара олмайди ва натижада норозилик келиб чиқади.

3. Ишчи вазиятни таҳлил қўлиш асносида йўл қўйилган камчиликларни таъкидлаш баробарида ходимларнинг касбий ва малакавий салоҳиятини эътироф қилишини унутманг. Бошқаларнинг фикри билан муҳокамада хулоса қилманг.

4. Ходимнинг камчилиги раҳбарнинг жаҳлини чиқаришга асос бўлмасин, аксинча сиз заифлигингизни намоён қилиб қўясиз. Ходимнинг ўз камчилигини тушуниши ёки шунга ўзини икror қилиниши ҳамкорликни сақ-

лаб қолишига хизмат қиласди. Кўполлик ходимни ҳам шу ҳолатга олиб келади.

5. Раҳбар ҳар қандай ишни эзгу муносабат билан бошлиши ва буни ходимлар ҳам ҳис қилиши керак. Ҳеч ким асабий, тажанг ва доимо норози раҳбар билан очиқласига садоқат билан ҳамкорлик қилишини истамайди. Қолаверса, бундай муҳит ҳар қандай ташаббусни сўндиради.

6. Ходимлар билан доимо ҳамкорлик алоқаларида бўлиш — уларнинг фикри, ички кечинмалари ва ниятларидан ҳабардор бўлиш демакдир.

7. Белгиланган қоидаларни бузиш эвазига бошқа ишнинг ижросини таъминлаш, айни пайтда уни ходимларингиздан талаб қилишига одатланманг. Зоро, у сизнинг обрўйингизни тўқади, сиз бир марта хато қилсангиз бошқалар уни кундалик ишга айлантирадилар.

8. Ходимлар олдида кимгадир шахсий хурматингиз ёки нафратингизни очиқласига билдираманг. Сиз билан ҳамкорлик қилаётган ходимлар раҳбарнинг адолатли ва объектив бўлишини хоҳлайди. Вазиятни келтириб чиқарган ҳаракатни танқид ва муҳокама қилиш энг афзал йўл. Гап эгасини топиб олади. Гапни қабул қилиб, хуло-са чиқармаган ходим билан ишлаш бефойда.

9. Раҳбар ходимларнинг ишини ташкил этиш ва назорат қилишда майдалашмаслиги лозим. Аксинча, сизнинг шубҳа-гумонларингиз уларнинг ишчи руҳиятини издан чиқаради. Ўзаро ишонч — ишнинг самарали на-тижаларини таъминлайдиган омил. Адашганларга имкон беринг.

10. Хулоса қилишига, якка тартибда қарорлар чиқаришга шошилманг. Асосий масалаларни ходимлар билан муҳокама қилиш фақат фойда беради. Айни пайтда, вазият оғир ва танг қелганда ягона қарорингизни чиқариш имкониятингиз сакланиб қолади. Ечимсиз муаммолар бўлмайди.

11. Қийинчиликлар олдида ҳеч қачон чекинманг. Мұхими ишончни сақланғ, үзингизни ва бошқаларни ҳам құллаб-қувватланг. Сизнинг руҳиятингиз ходимлар фаолияти ва кайфиятини таъминлашга хизмат қиласы.

Лавозими кичик бўлган раҳбар мулоқоти талаблари

1. Кичик раҳбар ҳамкорлик қилиш борасида ташаббус қўрсатиб, ўз иродасини раҳбарга ўтказишга ҳаракат қилиши ноўрин. Факат раҳбар ҳамкорлик қилиш ва унинг шартларини белгилайди. Агар ходим шунга қарамасдан суқилиб олса, унинг тарбиясизлиги маълум бўлади.

2. Ишчи мулоқот ёки сухбат даврида раҳбарга ечимсиз қарорлар ёки таклифлар билдириш тавсия қилинмайди.

3. Ўзингиз ўрганиб чиқмаган ҳужжатларни ёки маълум вазиятларни аниқламасдан раҳбарга ахборот беришга ҳаракат қилманг. Зоро, йўл қўйилган хато раҳбарнинг сизга нисбатан фикрининг ўзгаришита олиб келади.

4. Айни бир масала хусусида бир неча бор раҳбарга мурожаат қилиш ноўрин. Агар қарор қабул қилинган бўлса ва у сизни қониктирмаса, қўрилган масала юзасидан раҳбар хабарсизлигига ишонсангизгина қабулига қайта кириш мумкин.

5. Айбдорни топиш лозим бўлган мураккаб вазият ва ҳолатларда раҳбарга ўзининг айбсизлигини исбот қилишга уриниш ноўрин. Ундан қўра йўл қўйилган камчиликларни тузатиш чораларини ўйлаш лозим. Сизнинг айбсизлигининг раҳбар томонидан аниқлангани маъқул.

6. Ўз таклифини энг мақбул вариант сифатида қараш ва уни ўтказишга ортиқча уриниш салбий фикр ва қарама-қаршиликни туғдиради.

7. Ходим топшириқ олгач, унинг ижросини таъминлаш мураккаб бўлса, раҳбар фикрига эътиroz билдиришга шошилмаслиги лозим. Эътиrozдан олдин вазифанинг аҳамияти, ижро қўлами, мураккаб жиҳатлари

ва айни пайтда уни бажаришдаги түсикларни одоб билан баён қилиш тавсия этилади. Аксинча, сизни қийинчиликдан құрқаяпти деган холоса чиқиб қолади.

8. Ходимнинг раҳбар йўл қўйган нуқсонларни ортиқча такаллуфсиз, хаспўсштламасдан, ошкора қилмасдан, самимийлик билан унинг ечимини тақлиф қилиши тавсия этилади.

9. Ходим раҳбардан танбех олмасликка ҳаракат қилмоғи лозим. Агар танбех олсангиз, унга аҳамиятсиз бўлманг.

Касбий этика муносабатларини ташкил этиш мезонлари¹

Вазият ва шароит хусусиятлари	Раҳбарнинг муносабати
Ходимлар ўз компетенциясига номувоғик топшириклар олади	Раҳбар топширик ижроини таъминлашга каратилган барча воситалар билан ходимни қуроллантириши ёки уни ўзгариши лозим. Акс ҳолда натижка масъулити ходим зиммасида қолади.
Ходим топширикни бажариш борасида ҳеч қандай рағбатлантиришга эга эмас	Раҳбар агар ишнинг натижаси яхши булишини хоҳласа унда ижобий ва салбий (рағбатлантириши ва жазолаш) услублар билан мустаҳкамлаши керак
Ходим ўз вазифасини бажаришда ресурслар ва ишчи кучи етишмаслиги учун уни бажара олмайди	Раҳбар ходим вазифани уddyалай олишига ишонтириши, мавжуд муммиларнинг қандай ечилиши мумкинлигини тушунтириши, керакли ёрдам ва кўмак бериши зарур
Ходим вазифа ижросини таъминлашда етарли тажрибага эга эмас, лекин ўз кучини синааб курмоқчи	Раҳбар ходимнинг ишчанлигини кўллаб-куватлаши ва унга ёрдам бериши билан бирга, хатота йўл кўйиши мумкинлигини инобатта олиши шарт
Ходим вазифа ижросини таъминлашта тайёр ва у етарли даражада рағбатлантирилган	Раҳбар ходимга мустакил ҳуқук бериши ва иш натижаси борасида шахсий масъулият юқлаши мумкин

¹ Яхонтова Е.С. Эффективные технологии управления персоналом. СПб.: Питер, 2003. –С.269.

Мулоқот аслида инсон маънавиятининг ажралмас қисмидир. Маънавиятта эса Ўртбошимиз шундай таъриф беради: “Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, вижданини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”¹. Бошқарувда тұғри мулоқотни йүлгі қўйиш ва шахслараро муваффақиятли алоқа ўрнатиш санъатини эгаллаш учун босиладиган биринчи қадам бу инсоннинг борлиги ва унинг ҳақиқий моҳиятини англашдир. Оддий одамлардан тортиб давлат арбобларигача, энг кичик гурухлардан тортиб, энг иирик тузилмаларгача ўзаро мулоқотда бир-бирини тушунмаслиги бу дунёда вужудга келадиган келишмовчилик, жанжал, урушларнинг бош сабаби ҳисобланади. Инсон кундалик ҳаётда бир-бири билан мулоқотда бўлар экан, албатта ўз ютуқлари, муаммолари, мақсад ва манфаатлари, шундан сўнггина, ўзга шахс ёки жамоага тегишли ана шундай масалалар ҳақида ўзгалар билан фикрлашади. Бу жиҳат бошқарув тизимида фаолият кўрсататётган шахс олдига ўзи мулоқот қилаётган инсоннинг борлиги, мулоқотининг моҳиятини англашни биринчи даражали вазифа қилиб қўяди, буни Президентимиз ҳам таъкидлаб ўтган эди². Бошқарувчи шахс инсон ва унинг табиатини, нега инсонлар ўзларини ундей ёки бундай тутишларини ҳақиқатдан тушуниб етиб, улар ҳал қилувчи вазиятларда маълум ҳодисага нега айнан шу тарзда муносабат билдиришларини англаганида, бошқача айтганда, мулоқотдаги одамнинг истаги нима

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 20-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқбол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т.1.–Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.276.

эканлиги, у бу мулокотдан нима манфаат ёки мақсадни кўзлаётганлигини тушуниб етиб, ўз ишини шунга муво-фик тарзда йўлга қўя олганда инсонлараро тўғри мулокот ўрнатиш ва демакки, бошқарувни тўғри ташкил этиш санъатини муваффакиятли эгаллаган инсон ҳисобланади. Умумлаштириб айтадиган бўлсак, инсонни унинг борлифи ва моҳияти орқали англаш — инсон моҳиятини ўз табиати асосида аниклаш усули. Яъни бошқарувчи инсон бирор инсон билан мулокотта киришаётганида уни худди ўзини тушунган каби тушуниши лозим бўлади¹. Мана шундай тушуна олмаслик, кўпинча эса бошқарув лавозимида фаолият кўрсатаётган кишиларнинг кўпчилиги ўз-ўзини англамаслиги, ўз ички дунёси мавҳум бўлгани сингари ўзгалар ички дунёсини ҳам мавҳум тушуниши ёки умуман тушунмаслиги одамлар, фаолият, амалий жараёнлар билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал бўлмай қолишига, бу эса ўз навбатида жамият ҳаёти фаровонлиги таъминланмаслигига олиб боради. Бунинг олдини олиш учун эса одам ўзини улар ўрнига қўйиши лозим. Шунинг учун одамлар ўзаро мулокотда мушкул, муаммоли масалаларни ҳал қилишда кўпинча “ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб қўринг”, “менинг ўрнимда бўлсангиз нима қилар эдингиз”, “сиз шундай ҳолда нима қилардингиз”, каби сўзлар билан мурожаат қилишади. Албатта, бошқарувчи шахс мулокотни муваффакиятли якунлаш тарафдори, масалаларга ечим топа олиш қобилияти туфайли у шу лавозимда фаолият кўрсатади ва бинобарин у албатта ўзини ўзганинг ўрнига қўйиб қўриши, ўзини муаммони ҳал қилувчи киши эмас, муаммо билан мурожаат қилувчи киши сифатида тасаввур қилишига ўрганган одам бўлсагина бошқарувни юксак даража-

¹ Каранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. - Т.:Ўзбекистон, 1999. -Б.15-16.

да ташкил қила олиши мумкин. Лекин одамлар муаммоларини улардан ташқарида, яъни ўзича муҳокама қилиш кўпинча мўлжалланган ишнинг муваффақиятсизлиги ни таъминлайди, холос. Бунинг яна бир сабаби бошқарувчи шахс ўз хоҳиш, истагини бошқаларники билан бир хил, деб ўйлаши ёки шу истакни бошқаларга мажбур ўтказиши, бошқаларни ўз измига юришга мажбур қилишидадир. И.А.Каримов “Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш — олий саодатдир” номли рисоласида таъкидланганидек, “Агар биз муаммоларни бор ҳолиша тушуна олиш салоҳиятига эга бўлмаган, билими саёз, савияси паст раҳбарнинг шундай йўл тутишини ўзимизга тасаввур эта олсак, бошқарувда мулоқотнинг нақадар муҳимлигини яққол тасаввур қила оламиз”¹.

Мулоқотга киришаётган бошқарувчи шахс, аввало, одамларнинг турли-туман характери, ҳолати, мақсад ва манфаатларига аҳамият қаратиши мумкин. Шунингдек, бошқарувчига мурожаат қилаётган ёки бошқарувчи мурожаат қилаётган шахснинг истаклари ўзаро мувофиқ келиши номаълум бўлса-да, бошқарувчи уларнинг аслида мавжудлигини яхши билади. Кўпинча бу истаклар ё шахснинг ўзига тегишлилиги, ё жамиятга, ёхуд ҳам шахс, ҳам жамиятга тегишлилиги билан ўзини намоён қилиб туради. Лекин бир ҳақиқатни унутмаслик керакки, аввалимбор, инсон ўзгага эмас, жамиятга эмас, ўзига бўлган қизиқиши намоён қиласди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, унинг ўзига бўлган эътибори бошқаларга қаратган эътиборидан минг марта устун туради. Шунинг учун бошқарувда тўғри мулоқотни таъминлашнинг асосий шартларидан бири — бу инсон манфаатла-

¹ Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш — олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 32-б.

рини тўғри англаш, аниқлай билишдир. Шу ўринда машҳур мутафаккирларнинг қайдлари билан танишсак фойдадан холи бўлмайди. Масалан, Форобий қарашларига кўра, ижтимоий дунёқарашиб, умум манфаатини ўйлаш раҳбар шахсда болалик давридаёқ вужудга келган қобилият бўлиб, у ўз манфаатини қондирувчи мақсадни ўз атрофига тўплаган ва йўналтириб турган болалар амалга оширган ишда қўради. Яъни унинг тушунчасига кўра, шериклар ёки гурух ўзлари манфаат қўришлари, ўзгалирга фойда келтиришлари билан бир қаторда ўзларини шу ишга йўналтирган ва бошқариб турган шахс учун ҳам наф келтирадилар¹. Буюк Турк ҳоқонлигининг машҳур вазири Қул Тегин эса, бошқарувчи мулоқотини унинг манфаатларни қандай ва қай даражада англай олишидан келиб чиқишини таъкидлар экан, ўз халқи бошига тушаётган офат, кулфатларни ўз кўзи билан қўриш ва уни бартараф этишга интилиш одамда умумманфаатини ҳимоя қилиш, керак бўлса, ўз манфаатидан умуман воз кечишга эътибор қаратган ва манфаат билан мулоқот ўртасидаги чукур муносабатларни жуда содда тарзда ифодалаб берган эди². XI асрнинг истеъдодли шоири ва давлат арбоби Юсуф Ҳос Ҳожиб раҳбарликни узок вақт сақлаб қолиш учун одамлар фаровонлигини таъминлашга интилиш одамда умумманфаатини кўпроқ ўйлаш, амалда ҳам шу иш билан шуғулланишга эҳтиёж ва шароитни вужудга келтиради³, деб, бошқарувчи шахс мулоқотининг туб сабабларини ойдинлаштириб беради. Д.Карнеги бу ҳақда одамлардаги ижтимоий дунё-

¹ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Халқ мероси нашриёти, 1993. 170-б.

² Қадимий ҳикматлар. -Т.: Faфур Fулом нашриёти, 1987. 22-б.

³ Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг. -Т.: Фан, 1971. -Б.964.

қарааш хусусий манфаат асосиға қурилған бұлиб, етук одамлар охир-оқибатда қандай бұлмасин одамлар орасида машұр бўлиб, дунёни лол қолдириш ва дунёдан ўтганларидан кейин ҳам эслаб юришга арзирли ном қолдиришга ҳаракат қиласидилар¹, деса, С.Паркинсон, М.Рустомжилар ҳар бир одамнинг ҳаётда ўз олдига қўйған мақсади бўлиб, одамлар ўз ҳаётларини ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида ўтказадилар. Бу мақсад одамлар билан мулоқот орқали амалга ошиши маълум бўлгани сабабли ҳам, одамлар сийратига кўра ўша мақсадларини амалга оширувчи, суратига кўра эса кўпчилик манфаатини ифодаловчи таълимотларни ишлаб чиқадилар, уларни турли йўллар билан тарғиб қилиб, ўз атрофларига ҳамфикр ёки тарафдорлар тўглашга интиладилар², деган фикрларни айтиб ўтган³.

Бошқарувчи шахс ҳам худди шундай муаммо доирасида ҳаракат қиласиди, фақат унинг бошқалардан фарқи шундаки, бошқалар ўз муаммолари, манфаатларини ўйласалар, раҳбар шахс ўзи билан бир қаторда ўзгалар муаммолари устида ҳам бош қотиради. У гарчи бундай эмас деб ўйласа-да, шахсий манфаати дунёдаги хоҳлаган инсон ёки жамиятнинг манфаатларидан юқорилиги сабабли ўз ва жамият манфаатларини яхлит тарзда англашга мажбур. Бошқарувда инсоний ҳаракатлар фикрлар ва туйгуларга асосланганини ёдда тутмоқ лозим. Бу ўзига хослик инсоннинг ҳаётида чуқур из қолдиради. Ҳатто энди ўсиб-улғаяётган бола учун ҳам энг

¹ Карнеги Д. Как завоевать друзей и оказывать влияние на людей. Т.: Шарк, 1992. –С.43.

² Паркинсон С.Н. Рустомджи К. Искусство управления. –М.: Фамрпресс, 2001. С. 6-7.

³ Қаранг: Ф.Равшанов. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. –Т.: Akademiya, 2007. 223-224-б.

катта ютуқ кимнингдир фойдасига саховатли бўлиш эмас, балки ҳадя этиш натижасида пайдо бўладиган лаззатланиш ва хурсандчиликдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, инсонга тўғри мулоқот учун шароит яратиш бошқарувчи шахснинг маданий белгисидир. Инсоннинг моҳиятига кўра худбин, манфаатпарастлиги кишида виж-дон қийналиши ёки ўзини ноқулай ҳис қилишига сабаб бўлади. У азал-абад шундай қолади, чунки инсон бу дунёга шундай келади. Бу маънода ҳаммамиз тентмиз, яъни бошқарувчи ҳам, бошқарилувчи ҳам. Шунинг учун “Инсонлар аввал ўзлари учун ғамхўрлик қилишади”, деган ҳақиқат алифбоси сизнинг бошқа одамлар билан муносабатларингиз асосини ташкил қиласиди. Шунингдек, у инсонга бошқалар билан мулоқот қилиш учун куч ва қобилият беради.

Хулоса

Мустақиллик давлатта миллий қадриятлар негизида хизмат қилиш имкониятини яратди. Ўз Батанига садоқат, халққа хизмат, миллий тараққиёт элининг истиқболига хизмат қилиш ўзлигини анлаган фарзандлар бурчи, эътиқоди ва ор-номусига айланаб бормоқда. Давлат ва жамиятга хизмат қилиш, ўз вазифасига масъулият билан қараш, миллат тараққиёти йўлида жасорат ва фидойилик кўрсатиш, халқ дардига дармон бўлиш, халқниadolат билан бошқариш каби фазилатлар раҳбарлар фаолиятининг ахлоқий мезонларига айланмоқда.

Мустақиллик йилларида тоталитар режимдан фарқли ўлароқ, давлат бошқарув органлари тубдан ўзгартирилди. Уларнинг мазмун-моҳиятида демократик ва бозор иқтисоди тамоиллари ҳокимиятларнинг бўлиниши орқали конституцияда ўз ифодасини топган. Давлат органлари раҳбарлари фаолиятида қатор масъулият ва жавобгарликларнинг белгилашпи фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки, фуқаролик жамияти асосларини кенгайтириб борилишига қаратилган ислоҳотларни мустаҳкамлаб боришга хизмат қиласди.

Маълумки, демократик ислоҳотлар — узликсиз жарён. У доимо жамият маданияти ва манфаатлари асосида шаклланиш, мунтазам равишда уларнинг йўналишларини такомиллаштириб боришга муҳтоҷ бўлади. Бунда ислоҳотларнинг асосий юки ва масъулияти давлат раҳбарлари зиммасига тушади. У ўзининг ҳудудий органлари орқали ҳар куни бошқарувни амалга оширади. Уларнинг қарорлари, норматив ҳужжатлар ва бошқа кўрсатмаларнинг барча учун тенглиги, тушунарли, аниқ ва ошкоралиги маъмурий идора ходимларининг ахлоқий хатти-ҳаракатларини таъминлашга хизмат қиласди. Мазкур хатти-ҳаракатларнинг ифодаси жамият маънавий, сиё-

сий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳукуматнинг барча бўғинларида раҳбар ходимларнинг хизмат вазифасига бўлган масъулиятини ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида раҳбарнинг феълатвори турлича бўлишига қарамасдан (бу ҳолат табиий) раҳбарлик этикасини ифода этувчи стандартлар жорий этилиши талаб қилинади. Биз барча бўғинларда бир хил хусусиятта эга адолатли ва садоқатли раҳбарларни етишира олмаймиз. Бунинг имконияти ҳам йўқ. Аммо қонун олдида барчанинг, айниқса, раҳбарлик лавозимида ишлаётган ходимларнинг масъулияти, жавобгарлиги ва ҳукуқини оширишга қаратилган мурватлар орқали дастлабки ижобий қадамларга эришиш мумкин бўлади.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов асарлари, нутқ ва маърузаларида Ўзбекистонда мустақил давлатчилик ривожи, раҳбар фаолиятининг ахлоқий масалаларига бағишиланган концептуал фоялар илгари сурилган. Мазкур муаммоларни ўрганиш, уларнинг илмий-назарий тамоийилларини ривожлантириш, татбиқ этиш борасида методологик асослар шакллантирилган. Масаланинг муҳим жиҳати давлат ва жамият бошқарувида раҳбар фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш, кенг қамровли илмий изланишларни рағбатлантириш, мавжуд маълумот ва манбаларни таҳлил қилиш, янги мақсадлар ривожига хизмат қилувчи ўқув, услубий ва тавсиявий қўлланмалар тайёрлаш ҳамда шу йўналишда кадрлар ўқувини ташкил этиш вазифалари билан белгиланади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағфура. 1-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. 7-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2001.
11. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. 10-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2002.
12. Каримов И. А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2003.
13. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлик. 12-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2004.
14. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2005.
15. Каримов И.А. Инсон, унинг хуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият. 14-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2006.
16. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чукурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2007.
17. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. — Т.: Ўзбекистон, 2007.
18. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2008.
19. Каримов И.А. Ватанимизни босқичма-босқич барқарор ривожлантиришни таъминлаш бизнинг олий мақсадимиздир.17-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
20. Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш — олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон, 2008.
21. Каримов И.А. Юқсан маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008.
22. Каримов И.А. Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон, 2010.

Мундарижа

Кириш.....	3
Раҳбар ахлоқини ўрганишнинг мақсад ва вазифалари.....	7
Раҳбар ахлоқининг маънавий негизлари.....	24
Раҳбар қиёфасининг ижтимоий-ҳуқуқий мезонлари.....	56
Раҳбар ва ходим мулоқотининг ахлоқий меъёрлари.....	79
Хулоса.....	108
Адабиётлар.....	110

ТҮЛҚИН АЛИМАРДОНОВ

**РАҲБАРНИНГ АХЛОҚИЙ
ҚИЁФАСИ**

Муҳаррирлар: Г. Абдуллаева,
М. Турсунова
Мусаҳҳих: М. Абдуллаева,
Н. Исломов
Рассом: Д. Дўстмуҳамедов
Техник муҳаррир: Н.Курбонова
Нашр учун
масъуллар: Б.Умаров, Д. Қобулова

Теришга берилди 12.08.10. Босишга рухсат этилди 11.09.10.
Бичими 84x108¹/₃₂. Офсет босма. Шартли босма табоги 7,0. Нашриёт
хисоб табоги 7,0. Адади 500. Буюртма № 19. Баҳоси шартнома асосида.

«START-TRACK PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, 8-март кӯчаси, 57-үй.

ISBN 978-9943-300-66-8

9 789943 300668